токсик таъсири ва жигарнинг ёндош сурункали диффуз касаллиги мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, 14,3% даволанишни бекор қилишга, ўзнавбатида миқдорни мослаштириш имконияти 18,4% га (асосий гуруҳдаги 63 нафар беморга) камайтириш имконини берган ва тегишли равишда тўлақонли антипаразитар тўлиқ даволаш курсини таъминлаган (мезон $\chi^2 = 26.703$; $p < 0,001$). Жигар аминотрансферазаларининг мониторинги ушбу кўрсаткичлар бўйича таққослаш гуруҳларида ҳам ишончли фарқни кўрсатган. Шунинг учун таққослаш гуруҳидаги АЛТ даражаси 0.88 ± 0.08 ммол/л ни, асосий гуруҳда эса $0,51 \pm 0,04$ ммоль/л. ташкил этган ($p < 0,001$), АСТ қийматлари сезиларли даражада фарқ қилмади, бунда сурункали ёндош жигар патологияси АЛТ қийматлари $1,14 \pm 0,11$ га нисбатан $0,62 \pm 0,05$ ммол/л ($p < 0,001$) ва АСТ - $0,72 \pm 0,07$ га нисбатан $0,52 \pm 0,04$ ммол/л. ($p < 0,05$) ташкил этган.

Хулосалар. 1. Жигар эхинококкози жойлашувини топик аниқлаш, ҳамда кисталар сони, уларнинг ўлчами, асоратлар мавжудлиги ва уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касаллик кечишининг оғирлик даражасини балларда баҳолашнинг тавсия этилган диагностик алгоритми асосий гуруҳдаги 39,1% ҳолатда кам инвазив усулда, хусусан кичик кесим орқали (34,3%), ҳамда эндовидеохирургик усулда (4,7%) адекват эхинококкэктомия бажариш имконини берди. Ушбу орқали анъанавий кенг кесимлар бажариш 59,1% гача (χ^2 меъзонининг қиймати 247.524 ни; эркинлик даражалари сони – 2 ни; аҳамиятлилик даражаси эса $p < 0,001$ ни ташкил этди), операциялар давомийлигини эса, $87,8 \pm 4,9$ дақиқадан кичик кесим орқали ва эндовидеохирургик усул учун мос равишда $63,5 \pm 2,9$ ва $37,7 \pm 3,1$ дақиқагача қисқаришига эришилди (t -меъзони = 4,23; $p < 0,001$).

2. SONOCA 300 ултратовушли диссектор аспираторининг қўлланилиши эхинококкозни жарроҳлик даволашда замонавий радикал усулларни кенг қўллаш, уларни қонсиз усулда, таъсир соҳасидаги тўқималарнинг минимал шикастланиши билан, ҳамда тўлиқ якуний гемо-ва холестаэга эришиш орқали бажариш имконини беради. 10%ли албендозол эритмаси билан ишлов берилган Спонгиостан гемостатик губкаси билан 7-10 дақиқа давомида тампонлагандан кейин жигар жароҳати юзасидан олинган суртмаларда, барча ҳолатларда фақат паразитнинг ўлган ва парчаланган герминацион элементлари топилди.

3. Ишлаб чиқилган, кўпроқ радикал эхинококкэктомия ва қолдиқ бўшлиқни бартараф этишга қаратилган операция усулини танлашга комплекс ёндашув, ҳамда профилактик химиотерапияни ҳисобга олган ҳолда эхинококкозни жарроҳлик даволаш тактикасини

танлаш алгоритмлари операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 14,3% дан 3,7% гача (χ^2 меъзони бўйича $p = 0,027$), ва касаллик қайталанишини 13,4% дан 2,8% гача (χ^2 меъзони бўйича $p = 0,031$) камайтириши ҳисобига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш имконини берди.

Адабиётлар:

1. Rizaev J. A., Maeda H., Khranova N. V. Plastic surgery for the defects in maxillofacial region after surgical resection of benign tumors // Annals of Cancer Research and Therapy. – 2019. – Т. 27. – №. 1. – С. 22-23.
2. Rizaev J. A., Rizaev E. A., Akhmadaliev N. N. Current View of the Problem: A New Approach to Covid-19 Treatment // Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4.
3. Акбаров М.М., Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Махмудов У.М., Бабаджанов А.Х. Химиотерапия и проблемы рецидивного эхинококкоза печени // Анналы хирургической гепатологии. 2021; 16(4): С. 19-24.
4. Назиров, Ф.Г., Акилов, Х.А., Девятов, А.В. Химиотерапевтическая профилактика рецидивных и резидуальных форм эхинококкоза брюшной полости // Хирургия Узбекистана. – 2019. – № 3. – С. 78.
5. Ризаев Ж. А. и др. Значение санитарного просвещения в гигиеническом воспитании населения в очагах эхинококкоза // AIJR Abstracts. – 2020. – С. 45.

АСПЕКТЫ ХИРУРГИИ И ХИМИОТЕРАПИИ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ

Курбаниязов З.Б., Арзиев И.А., Анарбоев С.А., Маманов М.Ч.

Резюме. В нашем исследовании приведены результаты лечения эхинококкоза печени у 328 (51,4%) больных. Использование ультразвукового диссектора-аспиратора SONOCA 300 позволяет широко использовать современные радикальные методы хирургического лечения эхинококкоза, выполняя их бескровным способом, с минимальным повреждением тканей в зоне поражения и достигая полного конечного гемо- и холестаза. Разработанный комплексный подход к выбору оперативного метода, направленный на более радикальную эхинококкэктомию и ликвидацию остаточного пространства, а также алгоритмы выбора тактики хирургического лечения эхинококкоза с учетом профилактической химиотерапии позволили снизить частоту ранних послеоперационных осложнений с 14,3% до 3,7% ($p = 0,027$ по критерию χ^2), а также позволило улучшить качество медицинской помощи за счет снижения рецидивов заболевания с 13,4% до 2,8% ($p = 0,031$ по критерию χ^2).

Ключевые слова: эхинококкоз печени, хирургическое лечение, химиотерапия.

ТУХУМДОНЛАР ПОЛИКИСТОЗИ СИНДРОМИ БЎЛГАН НОРМАЛ ТАНА ВАЗНЛИ АЁЛЛАРДА КЛОМИФЕНГА РЕЗИСТЕНТЛИКНИ ПРЕДИКТОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ



Курбаниязова Мадина Зафаржановна

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРЕДИКТОРОВ КЛОМИФЕН РЕЗИСТЕНТНОСТИ У ПАЦИЕНТОК СИНДРОМОМ ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ С НОРМАЛЬНОЙ МАССОЙ ТЕЛА

Курбаниязова Мадина Зафаржановна

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Республика Узбекистан, г. Ургенч

DETERMINATION OF PREDICTORS OF CLOMIPHENE RESISTANCE IN PATIENTS WITH POLYCYSTIC OVARY SYNDROME WITH NORMAL BODY WEIGHT

Kurbaniyazova Madina Zafarjanovna

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Urgench

e-mail: dr_madina@inbox.ru

Резюме. Тадқиқотлар натижаларида келтирилишича ановулятор бепуштлиги бор аёлларда йилдан-йилга кломифен цитратга резистентлик ортиб бормоқда, бу эса жупликдан кўп ой давомида овуляция стимуляциясини ўтказиш учун вақт йўқотиши, сарф-харажат ва рухий синовлардан ўтиши каби кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради. Кузатувимизда 168 нафар тана вазни нормал бўлган аёллар иштирок этишди, шулардан 68 тасида тухумдонлар поликистоз синдроми кломифенга резистентлик кузатилди. Тухумдон поликистоз синдроми таъҳиси 2003 йилдаги Роттердам критериялари асосида қўйилган. Бизнинг тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики тана вазни нормал бўлган ТПКС бор аёлларда кломифенга резистентлик предикторлари бу $LG/FSG >2,5$; $ORPI >4$; $PRL >500$ мМЕ/л; $AT-TPO >31$ мМЕ/л; умумий тестостерон $4,0$ нмол/л ва $HOMA IR \geq 2,7$ бўлиб, алоҳида FSG , LG , AMG ларнинг натижалари статистик боғлиқлиги аниқланилмади. Семизлиги бўлмаган, нормал тана вазни ТПКС кломифенга резистентлиги бор аёлларда $ORPI 5,36 \pm 0,42$; $95\% II 4,52-6,2$ бўлиб нормал тана вазни ТПКС кломифенга резистентлиги йўқ аёлларда $99\% CI, p=0,01$ ни таъкил қилиб, ўз навбатида кломифенга резистентлик предиктори бўла оlishи кўрилади. Шу билан бирга $ORPI$ ва $HOMA IR$ орасида мусбат коррелятив боғлиқлик борлиги аниқланди, тана вазни нормал ТПКС кломифенга резистент аёлларда мусбат коррелятив боғлиқлик аниқланди ($r = 0,74$) ($p < 0,0001$; $99\% CI$).

Калит сўзлар: тухумдонлар поликистоз синдроми, $ORPI$, кломифен резистентлик, $HOMA-IR$, LG/FSG .

Abstract. Among patients with anovulatory infertility, the number of clomiphene-resistant women increases every year, which is not favorable for couples who lose time, financial costs and psychological stress to stimulate ovulation. In our study, 168 women of reproductive age with a normal body mass index were observed, of which 68 were PCOS patients with clomiphene resistance. The diagnosis of PCOS was made based on the 2003 Rotterdam criteria. The results of our studies showed that predictors of clomiphene citrate resistance may be indicators such as $LG/FSG >2.5$; $ORPI >4$; $PRL >500$ mIU/l; $AT-TPO >31$ mIU/l; total testosterone >4.0 nmol/l and $HOMA IR \geq 2.7$, but the results of FSG , LG , AMG were not statistically significant. In women with PCOS, clomiphene resistance and normal body weight, $ORPI$ was 5.36 ± 0.42 ; $95\% CI 4.52-6.2$; whereas when comparing them with the comparison group, there was a positive correlation of $99\% CI, p = 0.01$. We also noted a positive correlation between $ORPI$ and $HOMA IR$ ($r = 0.74$) ($p < 0.0001$; $II 99.9\%$).

Key words: Polycystic ovary syndrome, $ORPI$, clomiphene resistance, $HOMA-IR$, LH/FSH .

Бепуштлиги бор аёлларнинг репродуктив фаолиятини тиклаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидандир. Аёллар бепуштлиги ичида ановулятор бепуштлик асосий ўринни эгаллайди. Ановулятор бепуштликнинг асосий

сабаби эса, бу тухумдонлар поликистоз синдромидир. Кўплаб тадқиқотлар бу муаммоларнинг сабабини аниқлаш ва у билан боғлиқ муаммоларни ечими устида изланишлар олиб боришган.



Расм 1. Овуляциянинг бузилиши классификацияси FIGO 2022

Олиб борилган изланишлар асосан тухумдон поликистози синдроми бор семизлиги бор аёлларда олиб борилган, ва кломифен цитрат дорисига тухумдоннинг жавоби бўлмаслиги улардаги метаболлик синдром билан боғлиқлиги исботланган. Биз олиб бораётган тадқиқот тана вазн индекси нормада бўлган аёлларда кломифен цитратга резистентлик сабабларини ўрганиш, уларни олдиндан айта билишдан иборат.

Овулятор дисфункция эндокрин бепуштлиқни асосида ётиб, 2022 йилда FIGO томонидан овулятор дисфункцияни янги таснифи таъсис этилди (расм 1).

Аёлга овуляция бузилиши ташхиси кўйилгандан сўнг, таснифлашнинг бирламчи ёки биринчи даражаси уни келтириб чиқарган асосий манба, гипоталамус, гипофиз беzi, тухумдонлар эканлигига кўра, I, II ёки III турдаги касалликлар деб таснифлашдан иборат бўлиб, янги таснифда кўшимчасига IV тоифа ТПКС (PCOS) сифатида таснифланади. Чунки ТПКС ановулятор бепуштлиқни 80-85% ташкил қилади. Иккинчи устунда, ҳар бир анатомик тоифа (турлар I-III) GAIN-FIT-PIE қисқартмаси бўйича бузилишнинг ривожланиши учун маълум ёки тақлиф қилинган механизмга мувофиқ ажратилган.

ТПКС бор аёлларда табиий фертилликни тиклаш мақсадида қўлланиладиган стандарт биринчи босқич препарати Кломифен цитрат бўлиб, агар 3 ой давомида Кломифен цитратнинг

150 мг суткалик дозасини 5 кун давомида қабул қилиниб лекин жавоб кузатилмаса Кломифенга резистент деб баҳоланади. Ҳозирги кунда Кломифенга резистентлик ТПКС бор аёлларнинг 15-40% ташкил қилади.

Мақсад: ТПКС нормал тана вазни аёлларда кломифенга резистентликни гормонал предикторларини аниқлаш.

Текшириш материаллари ва методлари: Тадқиқотимизда 2021-2023 йил январ ойигача “Зурриёт шифо” ва “Центр здоровья” клиникаларига мурожаат қилган 118 нафар ТПКСли аёллар ва 30 нафар контрацепция учун мурожаат қилишган анамнезида соғлом фарзанди бор репродуктив ёшдаги аёллар назорат гуруҳида кузатилди.

Барча аёллардан ҳайз циклининг эрта фолликуляр фазасида, яъни 2-3 кунлари гормонал текширишлар ИФА ёрдамида, барча қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилди. Аёлларнинг ёши 20-38 бўлиб, ўртача ёши $23,91 \pm 0.46$ ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқотимиз давомида аёллардаги углеводлар алмашинуви ўрганилди. Инсулинга резистентлик НОМА-IR аниқлаш орқали баҳоланди: $\text{НОМА-IR} = (\text{Инсулин (мкмол/л)} \times \text{Қондаги глюкоза (ммол/л)}) / 22,5$ $\text{НОМА-IR} \geq 2,7$ бўлиши инсулига резистентлик бор деб баҳоланди.

Жадвал 1. Тадқиқотда қатнашган аёлларнинг углевод алмашинуви

Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=68	II гуруҳ n=50	Назорат гуруҳи n=30	P1	P2	P3
Қондаги глюкоза (3,3-5,5 ммол/л) 95% CI	4,53 ±0,08 4,37-4,69	4,25±0,15 3,95-4,55	3,57±0,10 3,37-3,77	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,10 90 %
Инсулин (2-29 мкмо/л) 95% CI	17,48±0,63 16,22-18,74	16,15±0,78 14,58-17,72	10,10±0,51 9,08-11,12	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,19 81%
НОМА-IR (H<2,7) 95% CI	3,57±0,16 3,25-3,89	3,24±0,18 2,88-3,6	2,03±0,10 1,83-2,23	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,17 83%
НОМА-IR 2,7 гача	20 (29,4%)	29(58%)	20 (66,67)	<0,0001 99 %	0,44 56 %	<0,0001 99 %
НОМА-IR 2,7 ≤	48 (70,58%)	21 (42%)	7 (23,33%)	<0,0001 99 %	0,08 92 %	<0,0001 99 %

Изоҳ: P1 ва P2 I ва II гуруҳларнинг назорат гуруҳи билан; P3 I ва II гуруҳларнинг ўзаро фарқининг ишончилиги

Аёлларнинг қон зардобадаги глюкоза ва инсулин ўртача миқдори нормал чегарасида бўлишига қарамадан, НОМА-IR 2.7 ва ундан ортиқ бўлган ҳолатлар асосий гуруҳдаги 48 (70.58%) нафар аёлда ва таққослама гуруҳдаги 21 (42%) нафар аёлларда аниқланиб, бу эса назорат гуруҳида аёллардан 7 ва 3 баробар ортиқ эканлиги кўринди ($p<0,0001$; 99 % CI) (жадвал 1). Жадвалдан кўриниб турибдики НОМА-IR 2.7 гача I, II, ва Назорат гуруҳларида 20 (29,4%); 29 (58%); 20 (67%) ташкил қилиб, НОМА-IR 2.7-3.8 гача 25 (37%), 15 (30%), 7 (23%) ва НОМА-IR ≥ 3.9 ни ташкил қилди 23 (34%), 6 (12%) ва назорат гуруҳида учрамади. Шунини таъкидлаш керакки НОМА-IR ≥ 3.9 бўлган аёллар терисида локал кўнғир гиперпигментация, яъни папиллар-пигментли дистрофия бўлиб у бўйин, қўлтиқ ости ва чов соҳалари бурмаларида аcantosis nigro учради ва юқори коррелятив боғлиқликка эга ҳисобланди ($p<0.0001$, 99% CI). Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки инсулинга резистентлик кўрсаткичи кломифенга резистентлиги бўлган аёлларда сезиларли даражада юқори (99% CI, $p<0.0001$) Тадқиқотимиз давомида кломифенга резистентлиги бор аёлларнинг 25(37%) нафариди НОМА-IR ≥ 3.9 бўлиб шу аёллардан 16 нафариди 43%ида аcantosis nigro борлиги кўрилди ва 16 (43%) нафар аёлларнинг 6 нафариди HAIR AN синдроми аниқланди ($P<0,04$, 96% CI). Натижада HAIR AN синдроми бор аёлларнинг кломифенга ресистентлик предиктори сифатида қабул қилиш лозим деб топилди (расм 2). Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики FSG, LG, умумий ва эркин тестостерон, TTG ва эркин T4 натижалари I ва II гуруҳдаги аёлларнинг орасида гормонлар миқдорида сезиларли фарқ йўқ. Мухим фарқларни фақат назорат гуруҳи билан солиштирганда кузатиш мумкин. AMG, ORPI, PRL ва АТ ТРО натижалари асосий гуруҳдаги аёлларда таққослама гуруҳдаги аёллардан юқоридир ($p=0,01$ (99% CI); $p=0,01$ (99% CI); $p=0,05$ (95% CI); $p=0,08$ (92% CI) (жадвал 2).



Расм 2. Кломифенга резистентлиги бор аёлда бўйнида локал кўнғир гиперпигментация – аcantosis nigro

ORPI (ovarian response prediction index) – яъни тухумдонларнинг захираси ва жавоби индекси:

$$ORPI = ((AMG \times AFS) / age)$$

бўлиб, бунда AMG – анти мюллер гормони ҳайзнинг 3-5 кунини қон зардобадаги миқдори; AFS – тухумдон антрал фолликуллар сони бўлиб ҳайз циклининг 2-3 кунларида 7 мГц ли трансвагинал ультратовуш текширувида аниқланди; age – тадқиқотимизда иштирок этган аёлларнинг ёши.

Назорат гуруҳидаги амалий соғлом аёлларда ORPI 1,16±0,17; II гуруҳдаги аёлларда 3,82±0,4; 95% CI (3,02-4,62) бўлиб I гуруҳдаги аёлларда 5,36±0,42; 95% CI (4,52-6,2)ни ташкил қилиб, кломифенга резистентлиги бор аёлларда бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги аёллардан 5 баробар ($p1<0,0001$; 99,9% CI), II гуруҳдаги аёллардан эса қарийб 1.5 ($p2<0,0001$; 99,9% CI) баробар ортиқ бўлиб ўз навбатида ORPI 5 дан юқори бўлган аёллар I гуруҳда 20 (29%) нафарни ташкил қилди (жадвал 2).

Жадвал 2. Тадқиқотга киритилган фертил ёшдаги аёлларнинг қон зардобадаги гормонал таҳлиллари натижалари (эрта фолликуляр фазада аниқланган)

Кўрсаткичлар	I гуруҳ n=68	II гуруҳ n=50	III гуруҳ n=30	P1	P2	P3
FSG (3,0-12,0 МЕд/л) 95% CI	5,55±0,33 4,89-6,21	5,71±0,69 4,33-7,09	5,68±0,40 4,88-6,48	0,8 20 %	0,97 3%	0,83 17%
LG (2,0-9,5 МЕд/л) 95% CI	12,6±0,88 10,84-14,36	12,6±0,81 10,98-14,22	8,13±0,84 6,45-9,81	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	1,00 0%
LG/FSG 95% CI	2,84±0,35 2,14-3,54	2,70±0,23 2,24-3,16	1,62±0,16 1,3-1,94	0,002 99%	<0,0001 99 %	0,74 26%
AMG (0,2-12,6 нл/мл) 95% CI	7,4±0,37 6,66-8,14	5,98±0,37 5,24-6,72	3,59±0,32 2,95-4,23	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,01 99%
ORPI 95% CI	5,36±0,42 4,52-6,2	3,82±0,4 3,02-4,62	1,16±0,17 0,82-1,5	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,01 99%
Умумий тестостерон (0-4,6 нмол/л) 95% CI	3,64±0,31 3,02-4,26	3,13±0,32 2,49-3,77	1,61±0,25 1,11-2,11	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,25 75%
Эркин тестостерон (0-4,1 нмол/л) 95% CI	3,67±0,30 3,07-4,27	4,02±0,43 3,16-4,88	0,97±0,22 0,53-1,41	<0,0001 99 %	<0,0001 99 %	0,51 49%
Кортизол (140-600 нмол/л) 95% CI	247,8±31,74 184,46-311,14	236,51±50,02 136,7-336,32	179±16,45 146,17-211,83	0,06 94%	0,28 72%	0,85 15%
PRL (60-600 мМЕ/л) 95% CI	586,63±26,91 532,93-640,33	496,52±35,54 425,6-567,44	377,7±34,72 308,42-446,98	<0,0001 99 %	0,02 80%	0,05 95%
TTG (0,4-4,0 мМЕ/л) 95% CI	2,45±0,26 1,93-2,97	2,2±0,25 1,7-2,7	1,81±0,19 1,43-2,19	0,05 95%	0,22 78%	0,49 51%
Эркин Т4 (10-25 нмол/л) 95% CI	14,05±1,45 11,16-16,94	15,07±2,09 10,9-19,24	13,64±1,11 11,43-15,85	0,82 18 %	0,55 45%	0,69 31%
АТ-ТРО (0-31 мМЕ/л) 95% CI	88,29±28,32 31,78-144,8	35,89±9,66 16,61-55,17	11,35±1,52 8,32-14,38	0,008 99%	0,01 99%	0,08 92%

Изох: P1 ва P2 I ва II гуруҳларнинг назорат гуруҳи билан; P3 I ва II гуруҳларнинг ўзаро фарқининг ишончилиги


Кломифенга резистентлиги бор бўлган гуруҳдаги аёлларда ORPI ва НОМА-IR билан коррелятив боғлиқлиги ўрганилди ва коррелятив боғлиқлик даражаси $r=0,74$; $p<0,0001$; 99% CI бўлиб кучли коррелятив боғланишга эгаллиги кўринди (расм 3).

Гормонлар таҳлилида FSG ва LG, LG/FSG га нисбати I ва II гуруҳлар орасида сезиларли фарқ бўлмади ($p=0,83$; $p=1,0$; $p=0,74$ 26% CI). Аммо асосий гуруҳдаги аёлларда 36 (53%) нафариди, II гуруҳда 21(42%) нафар аёлда LG/FSG 2,5 дан ортиқ эканлиги кўрилди ва назорат гуруҳи билан солиштирилганда $p<0,0001$ ишончилилик интервали 99% CI ни ташкил қилди (расм 4). LG/FSG ва ORPI билан коррелятив боғлиқлиги ўрганилди ва коррелятив боғлиқлик даражаси $r=0,82$; $p<0,0001$; 99% CI бўлиб кучли коррелятив боғланишга эга эканлиги аниқланди ва ўз навбатида бу ҳам кломифенга резистентлик предиктори бўла олиши кўрилди (расм 5).


Кломифенга резистентлиги бор бўлган гуруҳдаги аёлларнинг қон зардобадаги умумий

тестостерон миқдори баҳолаиб унинг ўртача миқдори $3,64\pm0,3$; 95% CI $3,02-4,26$ ташкил қилиб, шулардан 16 (23,5%) нафар аёлда унинг миқдори 2.6 нмол/л гача, 18 (26,5%) нафар аёлда 2.6-4 нмол/л, 34 нафар аёлда ≥ 4 нмол/л эканлиги аниқланилиб, ўз навбатида таққослама гуруҳдаги аёлларнинг 17(34%) нафаридагина тестостерон миқдорининг 4 нмол/л дан юқорилиги аниқланди ва асосий гуруҳдаги аёллар билан солиштирилганда $p=0,06$; 94% CI ни ташкил қилиб бу кўрсаткич кломифенга резистентлик предиктори сифатида қўллаш мумкинлигини кўрсатиб берди (жадвал 2).

Натижада асосий гуруҳдаги аёлларнинг БА/СА ва умумий тестостерон кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик ўранилиб, БА/СА $>0,80$ бўлган асосий гуруҳдаги 46 (67,6%) аёлларнинг 34 нафариди (73,9%) умумий тестостерон миқдори $\geq 4,0$ нмол/л ни ташкил қилди ва бу иккала кўраткич ўртасида кучли коррелятив боғланиш борлигини кўрсатди ($p=0,04$; 96% CI).



Расм 3. Тадқиқотимизнинг асосий гуруҳидаги аёллар ORPI ва HOMA-IR натижалари орасидаги коррелятив боғлиқлик




Расм 4. Тадқиқот гуруҳларида LG/FSG нисбатининг тақсимланиши

Адабиёт маълумотларига асосан ТПКС бор аёлларда пролактин миқдори соғлом аёлларга нисбатан юқори бўлиши келтирилган бўлиб, кузатувимиздаги аёлларнинг барчасида PRL (норма 60-600 мМЕ/л) миқдори таҳлил қилинди: I гуруҳда 586,63±26,91; 95% CI - 532,93-640,33; II гуруҳда 496,52±35,54; 95% CI - 425,6-567,44; назорат гуруҳида 377,7±34,72; 95% CI - 308,42-446,98 бўлиб улар орасидаги боғлиқлик мусбат корреляцияга эгадир ($p_1 < 0,0001$ (99% CI); $p_2 = 0,02$ (80% CI); $p_3 = 0,05$ 95% CI) берди (жадвал 2).

АТ-ТРО миқдори асосий гуруҳда 88,29±28,32; таққослама гуруҳда 35,89±9,66; назорат гуруҳида 11,35±1,52 бўлиб, бу кўрсаткич

кломифенга резистентли бор аёлларда таққослама гуруҳдаги аёллардан 2.5 баробар юқори ($p_1 = 0,008$; 98% CI) (жадвал 2).

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки кломифенга резистентлиги бор аёлларда инсулинга резистентлик таққослама гуруҳдаги аёллардан сон ва миқдор жihatдан юқори бўлиб, улардаги компенсатор гиперинсулинемия ҳолати андрогенларнинг ҳам ошишига олиб келганлиги ва ўзаро боғлиқлиги кўринди. Асосий гуруҳда LG/FSG нисбати ошгани ва пролактин миқдорининг юқори чегараларда бўлиши аниқланилиб, таққослама гуруҳдан сезиларли фарқ килди.



Расм 5. Тадқиқотимизнинг асосий гуруҳидаги аёллар LG/FSG ва ORPI кўрсаткичлари натижалари орасидаги коррелятив боғлиқлик

Адабиётлар:

- FIGO 2022 NEW ovulatory disorders classification system <https://www.figo.org/news/figo-publishes-new-ovulatory-disorders-classification-system>.
- Kurbaniyazova M.Z., Matrizaeva G.D., Duschanova Z.A., Saparbaeva N.R. Central Asian Journal of Pediatrics, 2019; 2(2): 23. <https://uzjournals.yedu.uz/pediatrics/vol2/iss2/23>.
- Доброхотова Ю. Э., Матризаева Г.Д., Курбаниязова М.З., Дусчанова З.А., Сапарбаева Н.Р., Икрамова Х.С. Евразийский вестник педиатрии, 2020; 2(5): 43-49 [Доброхотова Ю. Е., Матризаева Г.Д., Курбаниязова М.З., Дусчанова З.А., Сапарбаева Н.Р., Икрамова Х.С. Евразийский вестник педиатрии, 2020; 2(5): 43-49. <https://cutt.ly/DveOv0M>.
- Жуковская, С. В. Оценка индекса овариального резерва и ответа на контролируемого овариальную стимуляцию и его роль в прогнозировании синдрома гиперстимуляции яичников у пациентов, включенных в программы вспомогательных репродуктивных технологий / С. В. Жуковская, Л. Ф. Можейко // Мед. журн. - 2019. - № 4. - С. 70-74. - Библиогр.: с. 74 (2 назв.).
- Zafarjanovna, Kurbaniyazova Madina, Bekbaulieva Gulistan Nietbaevna, and Duschanova Zaynab Atabaevna. "Optimization of Ovulation Induction in Clomifene Resistant Patient with Infertility." *Biomedical Journal of Scientific & Technical Research* 39.2 (2021): 31257-31259
- Zafarjanovna, K. M., Nietbaevna, B. G., Rakhimbaevna, S. N., Tulibaevna, R. D., & Pirzhanova, I. N. (2022). Optimization of treatment for women with infertility. *International Journal of Health Sciences*, 6(S2), 94–99. <https://doi.org/10.53730/ijhs.v6nS2.4977>
- Oliveira, A J. B, Jose Franco "The ovarian response prediction index (ORPI) as a clinical internal quality control to prevent ovarian hyperstimulation syndrome" *JBRA Assist Reprod* 2016 20(3), 91-92.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРЕДИКТОРОВ КЛОМИФЕН РЕЗИСТЕНТНОСТИ У ПАЦИЕНТОК СИНДРОМОМ ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ С НОРМАЛЬНОЙ МАССОЙ ТЕЛА

Курбаниязова М.З.

Резюме. Среди пациенток с ановуляторным бесплодием ежегодно возрастает количество кломифен резистентных женщин, что является неблагоприятным для пары, которые теряют на стимуляцию овуляции время, финансовые затраты и имеют психологические стрессы. В нашем исследовании наблюдались 168 женщин репродуктивного возраста с нормальным индексом массы тела, из них 68 пациенток СПКЯ с кломифен резистентностью. Диагноз СПКЯ был поставлен на основе критерии Роттердама от 2003 года. Результаты наших исследований показали, что предикторами кломифен резистентности могут быть такие показатели как LG/FSG >2,5; ORPI >4; PRL >500 мМЕ/л; АТ-ТРО >31 мМЕ/л; общий тестостерон >4,0 пмол/л и НОМА IR ≥2,7, но результаты FSG, LG, AMG не оказались статистически значимым. У женщин с СПКЯ кломифен резистентностью и нормальной массой тела ORPI 5,36±0,42; 95% CI 4,52-6,2; тогда как при сравнении их с группой сравнения оказалось положительная корреляция 99% CI, p=0,01. Также отметили положительную корреляцию между ORPI ва НОМА IR (r = 0,74) (p <0,0001; 99% CI).

Ключевые слова: Синдром поликистозных яичников, ORPI, кломифен резистентность, НОМА- IR, ЛГ/ФСГ.

ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ВОЗДУХА ПРИ БРОНХООБСТРУКТИВНОМ СИНДРОМЕ У ДЕТЕЙ



Лим Максим Вячеславович, Шавазии Нурали Мамедович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

БРОНХО-ОБСТРУКТИВ СИНДРОМ БИЛАН БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ҲАВО ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Лим Максим Вячеславович, Шавазии Нурали Мамедович
Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

DIAGNOSTIC AND PROGNOSTIC POSSIBILITIES OF AIR PARAMETERS IN BRONCHOOBSTRUCTIVE SYNDROME IN CHILDREN

Lim Maksim Vyacheslavovich, Shavazi Nurali Mamedovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. Ўткир обструктив бронхит, ўткир бронхиолит, қайталанувчи обструктив бронхит ва бронхиал астма билан оғриган 100 нафар болада тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, ҳавонинг ифлосланиши кўрсаткичлари $PM_{2.5}$ ($\geq 25,25$ ng/m³), PM_{10} ($\geq 30,25$ ng/m³), $HCHO$ ($\geq 0,0405$ mg/m³), $TVOC$ ($\geq 0,375$ mg/m³) м³), шунингдек, RH нинг пасайиши ($\leq 31,5\%$) юқори сезувчанлик ва ўзига хослик ($>70\%$) билан QOB ва BA ривожланиши хавфининг башорат қилувчи омили бўлиб ҳисобланади.

Калим сўзлар: бронхо – обструктив синдром, болалар, ҳаво параметрлар, микроклим.

Abstract. A study of 100 children with acute obstructive bronchitis, acute bronchiolitis, recurrent obstructive bronchitis and bronchial asthma was conducted. The study showed that the excess of air pollution indicators $PM_{2.5}$ (≥ 25.25 ng/m³), PM_{10} (≥ 30.25 ng/m³), $HCHO$ (≥ 0.0405 mg/m³), $TVOC$ (≥ 0.375 mg/m³), as well as a decrease in RH ($\leq 31.5\%$) are predictors of the risk of ROB and BA , with high sensitivity and specificity ($>70\%$).

Keywords: air, microclimate, bronchoobstructive syndrome, children.

По данным ВОЗ в 2019 г. загрязнение атмосферного воздуха привело к 4,2 миллиона случаев преждевременной смерти в мире, при этом 18% случаев, произошли в результате хронической обструктивной болезни легких, 23% острых инфекций нижних дыхательных путей и 11% онкологических заболеваний дыхательных путей. Эта смертность обусловлена негативным воздействием повышенного количества мелких дисперсных частиц, которые приводят к развитию сердечно-сосудистых, респираторных и онкологических заболеваний [4]. Загрязнение атмосферного воздуха городов является причиной до 40 тыс. дополнительных смертей, что колеблется в пределах 2-3 % от общей смертности городского населения в разные годы [1,2,3]. Сообщается, что воздействие загрязнителей атмосферного воздуха и воздуха, в пренатальном периоде и в раннем детстве связано с неблагоприятными последствиями в

раннем возрасте, включая сердечно-сосудистые и метаболические, респираторные и аллергические последствия, а также последствия для развития нервной системы [10,11].

Исследования о факторах риска возникновения бронхообструктивного синдрома (БОС) при бронхиальной астме (БА) и рецидивирующем обструктивном бронхите (РОБ) у детей указывают на необходимость более глубокого исследования этих аспектов с прогностической целью выявления рецидивирующего течения заболеваний [6,8]. Одними из главных триггеров возникновения БОС при РОБ являются и метеорологические условия [7]. При заболеваниях у детей, сопровождающихся БОС, создание оптимального микроклимата играет важную роль в патогенезе заболевания, поскольку способствует уменьшению отека слизистых бронхов и бронхиол, а также снижению гиперсекреции слизи, что, в свою очередь,

приводит к увеличению аэродинамического сопротивления [9,5] Однако всестороннее изучение влияния микроклимата в патогенезе БОС недостаточно исследовано.

Цель исследования: определить роль состояния воздушной среды в развитии бронхообструктивного синдрома у детей.

Материал и методы исследования. Обследованы больные острыми (ОБ) и рецидивирующими обструктивными бронхитами (РОБ), острыми бронхиолитами (ОБЛ) и бронхиальной астмой (БА), находившихся на стационарном лечении в отделении пульмонологии Самаркандского областного детского многопрофильного медицинского центра в период с 2020 г. по 2023 г. Проведено рандомизированное контролируемое клиническое исследование, 100 детей, с острым обструктивным бронхитом, острым бронхиолитом, с рецидивирующим обструктивным бронхитом и бронхиальной астмой

Больные случайным образом были разделены на 2 группы. В I группу (основную) вошло 50 больных, получавших стандартную терапию, в палате (стационара) которых проводилась увлажнение и очистка воздуха до оптимальных величин. Во II группу вошло 50 больных, получавших стандартную терапию, специально очистки воздуха не проводилось. Очистка и увлажнение воздуха проводилась в автоматическом режиме управления аппарата.

Критериями включения в исследовательские группы являлись: соответствующий исследовательским целям диагноз ООБ, ОБЛ, РОБ и БА, отсутствие тяжелых фоновых и интеркуррентных заболеваний, согласие родителей на проведение исследовательских работ. Критериями исключения из групп наблюдения явились наличие хронических заболеваний сердечно-сосудистой и респираторной системы.

Определение показателей воздуха определялось газоанализатором Diemern DM106A. Ста-

тистическая обработка полученных данных осуществлялась с использованием пакета «SPSS Statistics 26.0.0» for Windows фирмы SPSS Inc. & Microsoft Office Excel, 2019.

Результаты исследования и обсуждение.

При проведении сравнительного анализа полученных результатов у пациентов обеих групп (таблица 1), отмечена статистически значимая разница в измеряемых показателях. Так, концентрация частиц PM 2.5 в воздухе в палате пациентов была почти в 4 раза ниже у пациентов I группы, в сравнении с пациентами II группы (P<0,001).

Сравнительный анализ показателей чистоты воздуха и относительной влажности в домашних условиях пациентов I и II групп показал, что по ряду показателей имелись достоверно значимые различия (P<0,001) в показателях чистоты воздуха и относительной влажности, так показатели мелкодисперсной пыли (PM 2.5, PM 10), формальдегида (НСНО), летучих D органических соединений (TVOC), индекса качества воздуха (AQI) были выше в домашних условиях пациентов с РОБ, БА в сравнении с пациентами без рецидивирующих форм БОС. Показатели температуры и концентрации углекислого газа в помещениях пациентов были сравнительно одинаковыми (P>0,5; P>0,2), при этом относительная влажность была ниже, а концентрация угарного газа была выше у пациентов с РОБ, БА в сравнении с больными с ООБ, ОБЛ (P<0,001).

В конечном итоге благоприятное воздействие на микроклимат и показатели воздуха в палате пациентов системы воздухоочистки отразилось на улучшении показателя индекса качества воздуха, который был снижен практически в 3 раза, среднее значение которого наблюдалось в благоприятной зоне (<25), что было достоверно меньше в сравнении с пациентами II группы (P<0,001).

Таблица 1. Сравнительная характеристика показателей чистоты воздуха и относительной влажности в палате пациентов сравниваемых групп

№	Показатели	I группа (основная)		II группа (сравнения)		P
		M	m	M	m	
1	PM 1.0 (нг/м3)	8,7	0,4	9,8	0,5	>0,5
2	PM 2.5 (нг/м3)	6,9	0,3	27,6	0,8	<0,001
3	PM 10 (нг/м3)	5,7	0,4	20,1	1,4	<0,001
4	НСНО (мг/м3)	0,08	0,003	0,15	0,008	<0,001
5	TVOC (мг/м3)	0,18	0,01	0,31	0,03	<0,001
6	AQI	28,1	1,8	67,5	3,5	<0,001
7	°C	23,8	1,3	24,4	1,4	>0,5
8	CO2 (ppm)	2105,2	118,2	2206,4	121,9	>0,5
9	RH (%)	48,4	2,1	25,4	1,3	<0,001

P – достоверность различий сравниваемых показателей исследуемых групп

Таблица 2. Итоговая таблица ROC-анализа диагностической значимости параметров микроклимата в воздухе домашних помещений пациентов в определении риска развития БА и РОБ

№	Параметры микроклимата в воздухе домашних помещений пациентов	Диагностическое значение	AUC	Чувствительность (%)	Специфичность (%)
1	PM 2.5 (нг/м ³)	≥25,25	0,776	70,0	73,3
2	PM 10 (нг/м ³)	≥30,25	0,813	72,5	74,4
3	НСНО (мг/м ³)	≥0,0405	0,868	87,5	76,7
4	TVOC (мг/м ³)	≥0,375	0,892	75,0	86,7
5	AQI	≥52,5	0,736	65,0	70,0
6	RH (%)	≤31,5	0,926	85,0	76,7
7	Температура (°C)	≤23,5	0,547	62,5	51,1

Проведенное исследование показало, что ряд показателей микроклимата в домашних помещениях пациентов I-II групп колебались в широких пределах и **значимо отличались между собой.**

Для наглядного выражения соотношения между чувствительностью и специфичностью определения PM 2.5, PM 10, НСНО, TVOC, RH, AQI, CO₂, а также температуры в определении риска развития рецидивирующих форм БОС было проведено построение ROC-кривой у пациентов I и II групп

Анализ ROC-кривых, проведенный с целью определения диагностической значимости определения параметров микроклимата в воздухе домашних помещений пациентов в определении риска развития БА и РОБ показал (Таблица 2), что имеются определенные различия в степени влияния различных показателей воздуха на риск развития данной группы заболеваний.

Так, наибольшее значение AUC, как следствие этого специфичность и чувствительность в определении риска развития БА и РОБ обладали определением уровня PM 10 ≥30,25 нг/м³, НСНО ≥0,053 мг/м³, TVOC ≥0,375 мг/м³, RH ≤31,5%, а также частиц пыли PM 2.5 ≥25,25 нг/м³. Установленное, высокое значение площади AUC во всех вышеприведенных параметрах, что доказывает высокую диагностическую значимость определения параметров микроклимата в домашних помещениях пациентов. Определение температуры показало как низкую диагностическую значимость (AUC=0,547), так и невысокую чувствительность и специфичность (62,5%; 51,1%).

Таким образом, проведенное исследование позволило установить ряд параметров микроклимата в качестве диагностических маркеров определения риска развития РОБ и БА, обладающих как высокой достоверностью, так и высокой чувствительностью и специфичностью, что позволяет рекомендовать определение данных параметров для выявления риска развития рецидивирующего течения БОС у детей.

Выводы: Таким образом, проведенное исследование микроклимата в домашних условиях детей с БОС, позволило установить, что превышение показателей загрязненности воздуха PM (2.5 ≥25,25 нг/м³), PM 10 (≥30,25 нг/м³), НСНО (≥0,0405 мг/м³), TVOC (≥0,375 мг/м³), а также снижение относительной влажности RH (≤31,5%) являются предикторами риска развития РОБ и БА. Диагностическая значимость этих показателей подтверждается высокой чувствительностью и специфичностью (>70%). Определение данных параметров рекомендуется проводить для выявления риска развития заболевания и осуществлении коррекции микроклиматических показателей в помещении для предотвращения развития рецидивирующего течения БОС у детей.

Литература:

- Онищенко Г. Г., Новиков С. М., Рахманин Ю. А., Авалиани С. Л., Буштуева К. А.. Основы оценки риска для здоровья населения при воздействии химических веществ, загрязняющих окружающую среду // М.: НИИ ЭЧ и ГОС. – 2002. – Т. 408. – С. 408.
- Ревич Б.А., Авалиани С.Л., Тихонова Г.И. Окружающая среда и здоровье населения: Региональная экологическая политика. Проект пособия. – М.: ЦЭПР, 2003. – 149 с Беляков В.А., Васильев А.В. Влияние загрязнения атмосферного воздуха на физическое развитие детей // Гигиена и санитария. – 2003. – № 4. – С. 31–33. 3.
- Голованева Г.В. Здоровье детей, рожденных матерями, проживающими в районах с разной техногенной нагрузкой // Медицина труда и промышленная экология. – 2007. – № 2. – С. 44–48
- ВОЗ. Информационный бюллетень. Загрязнение атмосферного воздуха (воздуха вне помещений). 12 декабря 2022 г
- Зайцев А.А., Кулагина И.Ц. Острый бронхит. Фарматека. 2015;(14).
- Байгот С. И. Синдром бронхиальной обструкции у детей раннего возраста с острой респираторной патологией // Актуальные проблемы медицины. – 2020. – С. 40–43.;
- Гапархоева З. М., Башкина О. А., Селиверстова

Е. Н. Сравнительная характеристика триггерных механизмов формирования бронхообструктивного синдрома у детей с бронхиальной астмой и рецидивирующим обструктивным бронхитом //Казанский медицинский журнал. – 2016. – Т. 97. – №. 1;

8. Петрова А. И., Петухова С. И. Этиология и факторы риска развития рецидивирующей бронхиальной обструкции у детей раннего возраста //Медицина завтрашнего дня. – 2019. – С. 170-171.

9. Шавази Н. М., Лим М. В., Рустамов М. Р., Гайбуллаев Ж. Ш., Лим В. И. Оценка эффективности новых методов терапии рецидивирующего обструктивного бронхита. Достижения науки и образования, 2020, 10(64), 80-82.

10.Шавази Н.М., Лим М.В., Закирова Б.И., Лим В.И, Турсункулова Д.А. Оценка степени бронхообструкции при острых бронхиолитах у детей раннего возраста. Материалы III съезда ассоциации врачей экстренной медицинской помощи Узбекистана. Ташкент, 29-30 октября, 2015, стр. 285.

11.Шавази Н. М., Рустамов М. Р., Лим М. В., Е: I INDEX-Метод объективной оценки бронхообструктивного синдрома у детей //Academy. – 2019. – №. 10 (49). – С. 44-49.

ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ И ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ВОЗДУХА ПРИ БРОНХООБСТРУКТИВНОМ СИНДРОМЕ У ДЕТЕЙ

Лим М.В., Шавази Н.М.

Резюме. Проведено исследование 100 детей, с острым обструктивным бронхитом, острым бронхиолитом, с рецидивирующим обструктивным бронхитом и бронхиальной астмой. Проведенное исследование показало, что превышение показателей загрязненности воздуха $PM_{2.5}$ ($\geq 25,25$ нг/м³), PM_{10} ($\geq 30,25$ нг/м³), $HCNO$ ($\geq 0,0405$ мг/м³), $TVOC$ ($\geq 0,375$ мг/м³), а также снижение RH ($\leq 31,5\%$) являются предикторами риска развития РОБ и БА, при высокой чувствительностью и специфичностью ($>70\%$).

Ключевые слова: воздух, микроклимат, бронхообструктивный синдром, дети.

CORRELATION BETWEEN ANTHROPOMETRIC INDICATORS IN BOYS OF SAMARKAND CITY IN THE SECOND PERIOD OF CHILDHOOD (8-12 YEARS OLD)



Mamataliyev Abdumalik Rasulovich, Tukhtanazarova Savkiya Ibatovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

САМАРҚАНД ШАҲРИ ЁШЛИКНИНГ ИККИНЧИ ДАВРИДАГИ (8-12 ЁШ) ЎФИЛ БОЛАЛАРДА АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Маматалиев Абдумалик Расулович, Тухтаназарова Шавкия Ибатовна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ У МАЛЬЧИКОВ Г. САМАРКАНДА ВО ВТОРОМ ПЕРИОДЕ ДЕТСТВА (8-12 ЛЕТ)

Маматалиев Абдумалик Расулович, Тухтаназарова Шавкия Ибатовна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

e-mail: abdumalik.mamataliyev72@gmail.com

Резюме. Ушбу мақолада Самарқанд шаҳрида яшовчи 8-12 ёшдаги ўғил болаларда болаликнинг иккинчи давридаги жисмоний ривожланиши ва антропометрик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни ўрганилди.

Калит сўзлар: Болалар, жисмоний ривожланиши, антропометрия, корреляцион боғлиқлик.

Abstract. In this article, the correlation between physical development and anthropometric indicators in the second period of childhood in boys aged 8-12 living in the city of Samarkand was studied.

Keywords: Children, physical development, anthropometry, correlation gardening.

Introduction: Anthropometric correlates in children are studied to assess their physical development and health. Anthropometry involves measuring and analysing parameters such as height, weight, body circumference, skinfold thickness and other anthropometric parameters. The study of correlations in anthropometry allows us to assess the relationship between different parameters and identify possible patterns. For example, it is possible to study the relationship between height and weight in children of a certain age and sex, as well as the relationship between anthropometric indices and the level of physical activity, nutrition, health and other factors.[3] These studies are important for assessing children's physical development, identifying possible problems or diseases, developing programmes to improve health and fitness, and monitoring the developmental dynamics of children at the population level. The study of anthropometric correlation indices in children is carried out using standardised methods of measurement and data analysis, which allows us to obtain objective and reliable results. The data ob-

tained can be used in various fields, from medicine and physiology to sports and education.[2]

Materials and methods: For the article, the relevant literature and works of other authors were analysed and studied and anthropometric indicators of children of Samarkand city aged 8 to 12 years were measured.

Results: When studying the correlation between weight and height in 8-12 years old boys, it was found that the correlation coefficient at 8 years of age is 0.5096, at 9 years of age this indicators equal to 0.7707, in 10 years of age the correlation coefficient is equal to 0.5213, in 11 years of age it is equal to 0.5111, in 12 years of age it is equal to 0.7827. The correlation coefficient between chest circumference and height at the age of 8 years is 0.3539, at the age of 9 years this indicator is 0.547, at the age of 10 years 0.3687, at the age of 11 years 0.3849 and at the age of 12 years 0.6581 respectively. The correlation between the length of the upper limb and height at the age of 8 years was 0.6941, at 9 years of age 0.6220, at 10 years of age 0.6120, at 11 years of age 0.6854 and at 12 years of age 0.8764. The correlation coeffi-

cient of lower limb length from height in boys of 8 years of age is 0.7104, at 9 years of age 0.8422, at 10 years of age 0.5633, at 11 years of age 0.7129 and at 12 years of age 0.9043. The results of the study showed that the correlation between weight and height in boys of the second period of childhood in 8, 10 and 11 years of age is medium, in 9 and 12 years of age is strong. Correlation dependence of chest circumference on height at the age of 8-12 years is medium. Correlation dependence of upper limb length on height is as follows: at 8,9,10 and 11 years of age is medium, at 12 years of age is strong. The correlation between lower limb length and height is strong at 8,9,11,12 years of age, and medium at 10 years of age. Thus, we found that correlation between body weight and height in 9 and 12 years of age is strong. Correlation between chest circumference and height in all ages (8-12).

Conclusions: Correlation between upper limb length and height is strong in 12 years of age, between lower limb length and height is strong in 8,9,11 and 12 years of age. The correlation between many indices was found to be strong at 9 and 12 years of age. During the second period of childhood (8-12 years), boys exhibit a number of important anthropometric indicators that may be related to each other. Some of these include: Height and Weight: At this age, boys begin to actively grow and gain weight. Their height and weight often correlate with each other as height influences weight and vice versa. Body Mass Index (BMI): BMI is a measure that reflects the relationship between a child's weight and height. At this age, BMI can be related to a boy's level of physical activity and general health. waist and hip circumference: These measures can indicate a boy's body fat distribution and are associated with the

risk of obesity and metabolic diseases. chest volume: Reflects the development of a boy's lungs and respiratory system, which is important for physical activity and general health. Head circumference: May be related to a boy's brain and bone development. The relationship between these anthropometric measures can be studied using statistical methods and research to identify patterns of development and health in boys at this age period.

Literature:

1. "Anthropometric Reference Data for Children and Adults: United States, 2015-2018"
2. "Secular trends in the growth and nutritional status of Indian affluent children from 8 to 18 years of age: A comparative study" 2017
3. "Anthropometry of preschool children in the United States: National Health and Nutrition Examination Survey 2015-2016"
4. "Dynamics of growth of preschool children in China: A study from 1995 to 2015"

ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ У МАЛЬЧИКОВ Г. САМАРКАНДА ВО ВТОРОМ ПЕРИОДЕ ДЕТСТВА (8-12 ЛЕТ)

Маматалиев А.Р., Тухтаназарова Ш.И.

Резюме. В данной статье изучена взаимосвязь между физическим развитием и антропометрическими показателями во втором периоде детства у мальчиков 8-12 лет, проживающих в городе Самарканд.

Ключевые слова: Дети, физическое развитие, антропометрия, корреляционные связи.

УДК: 618.616-093/098

SARS-COV-2 НИНГ ҲОМИЛАДОРЛАР ҚИН МИКРОБИОЦЕНОЗИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ



Насирова Зебинисо Азизовна

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ SARS-COV-2 НА МИКРОБИОЦЕНОЗ ВЛАГАЛИЩА У БЕРЕМЕННЫХ

Насирова Зебинисо Азизовна

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

STUDYING THE INFLUENCE OF SARS-COV-2 ON VAGINAL MICROBIOCENOSIS IN PREGNANT WOMEN

Nasirova Zebiniso Azizovna

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. Мазкур тадқиқот ишида биз SARS-COV-2 ўтказган ҳомиладор аёлларда қин микробиотасининг бузилиши ҳолатларини таҳлил этдик. Ҳозирги вақтда ҳомиладор аёлларда инфекцион-яллигланишли касалликлар учраш ҳолатларининг пасайиши тенденцияси кузатилмапти. Мазкур тадқиқотни бажариш жараёнида ҳал этиладиган вазифалардан бири бўлиб, SARS-COV-2 ўтказган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллари микробиотасининг ҳолати ва кузатиладиган асоратларнинг ривожланиши орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш бўлди. Шу муносабат билан, COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллари микробиота ҳолати ва инфекцион асоратлар ривожланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: SARS-COV-2, микробиота, асоратлар, ҳомиладорлик, инфекция.

Abstract. In this work, we analyzed the frequency of violations of the vaginal microbiota in women who had a new coronavirus infection SARS-COV-2. Currently, the frequency of infectious and inflammatory diseases in gynecology does not tend to decrease. One of the tasks solved in the course of this study was to identify a correlation between the state of the microbiota of the birth canal and the development of vaginal complications in women who had a new coronavirus infection SARS-COV-2. In this regard, many questions have arisen about the impact of infection on various body systems, including the microbiota of the vagina of pregnant women.

Keywords: SARS-COV-2, microbiota, complications, pregnancy, infection.

Кириш. Бугунги кунда COVID-19 бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларга, шу жумладан ҳомиладор аёлларга таъсир қилган глобал муаммага айланди. Бутун аҳолидан фарқли ўлароқ, ҳомиладор аёллар ҳомиладорлик даврида барча органлар ва тизимларнинг функциясини ўзгартирадиган уникал "иммунологик" ҳолати натижасида вирусли инфекция хавфи сезиларли даражада юқори бўлган махсус гуруҳни ташкил қилади (1, 6). Шу муносабат билан, COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллари микробиота ҳолати ва инфекцион асоратлар ривожланишни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади (4,5,7). COVID-19 ёки SARS CoV-2 инфекцияси –ўта тез тарқалиши ва касаллик ҳолатининг антиқа кечиши туфайли кўпгина

чалкашликларни ва ноаниқликларни келтириб чиқарди (3,7). Ҳомиладор аёллар учун ҳам оғриқли бўлган Covid-19 кўплаб муҳокамаларга ва сон-саноксиз тахминларга сабаб бўлди. Мазкур ҳолат шунинг учун рўй бердики, ҳомиладор аёлларнинг иммун тизими ҳолати ҳомиладор бўлмаган аёлларга қараганда кучсизроқ бўлса-да, ҳомиладор аёлларнинг Covid-19га юқори чидамлилиги кўпгина тадқиқотчилар учун мантиққа мос келмайдиган ҳолат бўлди (2,8).

Шуни тан олиш керакки, янги коронавирус инфекциясининг тарқалиши, Covid-19 вирусининг инсон организмга бўлган таъсири, ҳомиладор аёлларда гестация муддатига қараб олиб келадиган асоратлари, микробиота ҳолатига таъсири кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Юкорида айтилганларнинг барчаси янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 нинг ҳомиладорлар қин микробиотасига таъсирини ўрганиш заруриятини белгилайди.

Тадқиқот мақсади. Янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 нинг ҳомиладорлар гениталий микробиотаси хусусиятларига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ўтказган ҳомиладор аёлларда қин микробиотасини ўрганиш мақсадида Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқхонасида проспектив тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот 2021 йилдан 2023 йилгача олиб борилди. Тадқиқот объекти - ёши 22 ёшдан 40 ёшгача бўлган Самарқанд шаҳрида истеъкомат қилувчи 38 нафар янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ўтказган ҳомиладор аёллар бўлиб (асосий гуруҳ), назорат гуруҳини 35 та SARS-COV-2 билан касалланмаган ҳомиладор аёллар ташкил қилди.

Қин ажралмасини культурал текшириш учун материал цервикал каналдан стерил пахтали тампон билан олинган ва уни транспортли муҳитга жойлаштирилган. Бактериологик текширув анъанавий схемада амалга оширилган: цервикал каналдан тадқиқот материални олиш, озиқ муҳитларга экиш, тоза культурани ажратиш ва микроорганизмларнинг ажратилган культураларини идентификация қилиш. Анаэроб микрофлорани аниқлаш мақсадида микроанаэрогат ёрдамида микроорганизмларни культивация қилиш усули қўлланилган.

Текширилаётган материалда шартли-патоген бактериялар учун $>10^4$, замбуруғлар учун $>10^3$ КОЕ/мл кўрсаткичлар диагностик титр бўлиб ҳисобланади. Лабораторияга 1-2 кун мобайнида олиб келинган материал қуйидаги микроорганизм гуруҳларига текширилган: аэроблар ва факультатив анаэроблар, ачитқисимон замбуруғлар. Микроорганизмларнинг турли гуруҳларини аниқлаш учун озиқ муҳитларга экилган: бруцеллэзли агар асосида витаминли ўсиш омилларини қўшган ҳолда қонли агар (анаэробларни ажратиш учун), маннит – тузли агар (стафилококларни ажратиш учун), Сабуро муҳити (замбуруғларни ажратиш учун). Қонли агарли муҳитлар карбонат ангидриднинг кўп микдори (5-10%) билан бирга термостатда культивация қилинган.

Ажратилган микроорганизмларнинг идентификацияси компьютер дастурларидан фойдалинган ҳолда бактериологик анализатор ёрдамида бажарилган. Ажратилган микроорганизмларнинг сони агарли косачалар секторида ўсиш зичлиги бўйича баҳоланган.

Тадқиқот маълумотларини талқин қилиш 1-жадвалда кўрсатилган қийматларга мувофиқ амалга оширилди.

Натижалар. Аёллар ёши иккала гуруҳда 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган. 1-гуруҳда ўртача ёш $29,6 \pm 1,2$ ёш, иккинчи гуруҳда $28,3 \pm 1,3$ ёш бўлган. Барча аёллар Самарқанд вилоятдан бўлишган. Улардан аксарияти (61,9%) ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, 33,5%и олий маълумотли ва 4,6%и ўрта маълумотли бўлган.

Жадвал 1. Бактериологик тадқиқот кўрсаткичларини талқин қилиш

Кўрсаткич	Изоҳ
«Салбий»	Натижа салбий, микрофлоранинг ўсиши йук
$\leq 10^2$ КОЕ Сапрофит микрофлора	Натижа салбий, патоген микрофлора ажратилмаган
$\geq 10^2$ КОЕ Шартли патоген микрофлора	Натижа ижобий, антибиотик терапияси бўйича тавсиялар берилди


- кам ўсиш - 10^2

- ўртача ўсиш - 10^3

- кўп ўсиш $\geq 10^4$

Жадвал 2. Гуруҳларда учраган гинекологик касалликлар

Касалликлар	1-гуруҳ (n = 38)		Назорат гуруҳи (n = 35)	
	Абс. рақам	%	Абс. рақам	%
Жинсий органларнинг яллиғланиш касалликлари	4	10,5	3	8,6
Бачадон бўйни касалликлари	2	5,3	2	5,7
Норегуляр менструал цикл	2	5,3	3	8,6
Эндометриял гиперпластик жараёнлар	1	2,6	2	5,7
Анамнезида сунъий аборт	6	15,8	11	31,4
Ўз-ўзидан буладиган аборт	2	5,3	2	5,7



Расм 1. Текширилаётган аёлларни бактериологик текшириш натижалари (*Lactobacillus spp. tumpda > 10⁷*)

Жадвал 3. Текширилган аёлларда бактериологик текшириш натижалари

Патоген тури	Концентрация	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Staphylococcus spp.	$\leq 10^4$	2 (5,3%)	1 (2,9%)
	$> 10^4$	4 (10,5%)	-
Streptococcus spp.	$\leq 10^4$	-	-
	$> 10^4$	-	-
Ent. Faecalis	$\leq 10^4$	-	1(2,9%)
	$> 10^4$	1 (2,6%)	1 (2,9%)
Enterobacteriaceae spp.	$\leq 10^4$	2 (5,3%)	-
	$> 10^4$	1 (2,6%)	1(2,9%)
E.coli	$\leq 10^4$	-	-
	$> 10^4$	-	1(2,9%)
C. albicans	$\leq 10^4$	1(2,6%)	4(11,42%)*
	$> 10^4$	11 (28,9%)	4(11,42%)*
Klebsiella spp.	$\leq 10^4$	-	1(2,9%)
	$> 10^4$	-	-
G.vaginalis	$\leq 10^4$	-	-
	$> 10^4$	2 (5,3%)	2 (5,8%)

Изоҳ. *- гуруҳлар орасидаги ишончли фарқ

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳидан 17 нафар (44,7%) аёл илгари гинекологик касаллик билан оғриган. Ушбу аёлларнинг анамнезида жинсий органларнинг яллиғланиш касалликлари 10,5% ҳолатда, сунъий аборт 15,8% ҳолатда ва 5,3% ҳолатда ҳайз циклининг бузилиши, бачадон бўйни касалликлари ва ўз-ўзидан буладиган аборт қайд этилган.

Текширилган аёлларнинг соматик касалликлар бўйича саломатлик индекси нисбатан қониқарли бўлган. Шундай қилиб, биз кузатган иккала гуруҳ аёлларининг клиник тавсифи

контингентнинг бир хиллиги ҳақида далолат беради.

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар жинсий аъзоларнинг инфекцион-яллиғланишли касалликларини бирламчи аниқлаш таҳлили шуни кўрсатдики, вульво-вагинал кандидоз, бактериал вагиноз, кичик чанок аъзоларининг яллиғланишли бўлмаган патология ҳолатлари қайд этилган. 1-расмда асосий ва назорат гуруҳларидаги аёлларда *Lactobacillus spp.* ни бактериологик текшириш натижалари келтирилган.

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда

Lactobacillus spp. ning анчагина камайиши қайд этилган ($p < 0,05$).

Цервикал каналдан олинган материални бактериологик текширувида деярли барча аёлларда полимикробли тасвир аниқланган. Микроорганизмларнинг ассоциацияси асосан шартли патоген микроорганизмларнинг турли бирикмалари билан намоён бўлган.

Турли микроорганизмлар ва уларнинг бактериологик текширувдаги концентрацияларини аниқлаш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалда келтирилганлардан кўришиб турибдики, COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар инфекцион яллиғланиш касалликларига кўпроқ мойил бўлишади.

Текширилган асосий гуруҳ аёлларда *Candida albicans* 5,3% ҳолатда ва назорат гуруҳида 11,4% ҳолатда кузатилди. Ушбу ҳолат ҳомиладор аёлларда SARS-COV-2нинг таъсири натижасида иммун тизимининг сустлашувида юзага келган, деб айтишимиз мумкин.

Жадвал маълумотларига кўра, иккала гуруҳда шартли-патоген микрофлора *Ent. Faecalis*, *Enterobacteriaceae* spp. ва *E. Coli* $>10^4$ концентрацияда ўсиши, деярли бир хилда учраши қайд этилади.

3-жадвалда келтирилган бактериологик текширув маълумотларига кўра, COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар шартли-патоген флора - *C. albicans* яққол ўсиши қайд этилади. Текширишда бирорта ҳам аёлда *N.gonorrhoeae*, *Tr. vaginalis*, *Ch. Trachomatis* аниқланмаган.

Муҳокама. COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда кичик чаноқ аъзоларининг инфекцион-яллиғланишли касалликлари мураккаб ва етарлича ўрганилмаган муаммо бўлиб, у бутун дунёда жиддий бўлган тиббий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатларни келтириб чиқаради.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, йирингли-септик касалликлар ҳозирги кунда жиддий тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб ҳисобланади. Касалланиш паст ижтимоий-иқтисодий статус, соматик касалликлар, сунъий аборт муолажаларининг кечиш хусусиятлари, операцияни ўтказиш хусусиятлари сингари кўпгина омиллар ҳисобига ҳамда COVID-19 таъсири натижасида юқори даражадалигича қолмоқда, ушбу фикрларни Schwartz D. A., Graham A. L. (2020 й) каби тадқиқотчилар ҳам беришмоқда.

Шу туфайли янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ning ҳомиладорлар гениталий микробиотаси хусусиятларига таъсирини ўрганишдан йирингли-септик асоратларнинг эҳтимолий ривожланишини тўлақонли баҳолаш

учун асосий ва назорат гуруҳларидаги аёлларни фаол динамик кузатуви амалга оширилган.

Мазкур тадқиқот Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқхонаси шароитида бажарилган ва ўзида лаборатор-инструментал усулларни мужассам этган. Лаборатор текшируви (умумий қабул қилинганлардан ташқари) гениталийлар микробли пейзажининг бактериологик текширувини ўз ичига олган, чунки янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ning ҳомиладорлар гениталий микробиотаси хусусиятларига таъсири ўрганилмаган. Бу ҳал этилмаган вазифалар кейинги ўрганиш ва батафсил босқичма-босқич ишлаб чиқишни талаб этадиган ушбу илмий тадқиқотни олиб бориш учун тўртки бўлди.

Ҳомиладор аёллар учун туғруқдан кейинги эндомерит ривожланишининг юқори инфекцион хавфи мавжуд бўлганда, ушбу асоратларни олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ning ҳомиладорлар гениталий микробиотасига таъсири, COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда *Lactobacillus* spp. ning анчагина камайиши ва бунинг натижасида шартли-патоген флора - *C. albicans* яққол ўсишини инобатга олиб, ҳомиладорлик вақтида ва туғруқдан кейинги даврда асоратлар ривожланишини олдини олишимиз зарур, ва бу тадқиқотимиз натижалари Кравченко Е. Н. ва бошқалар тадқиқот натижалари билан мос тушади (2021 й). Патологик флора аниқланганда тегишли давони олиб бориш тавсия этилади.

Хотима. Текширишимиз натижаси SARS-CoV-2 билан касалланган ҳомиладор аёлларда қин микробиотасининг ўзгариши кузатилиши аниқланди. Бундан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, SARS-CoV-2 билан касалланган аёлларда иммун тизимини кўтариш ва қин микробиота ҳолатини коррекция қилиш катта аҳамият касб этади, шундагина ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида юзага келадиган асоратлар олдини олиш мумкин бўлади. SARS-CoV-2 билан касалланган ҳомиладор аёллар жинсий аъзолар биоценози лактобациллаларнинг $10^7 - 10^8$ КОЕ/мл камайиши билан тавсифланади.

Шундай қилиб, SARS-CoV-2 билан касалланган ҳомиладор аёлларда лактобацилла концентрацияси пасайиши ва шартли патоген микрофлора вакиллари ошиши кузатилган. Меъёрдаги микрофлора вакиллари бундай ўзгаришлари SARS-CoV-2 ва маълум даражада организмнинг ҳимоя кучлари пасайишига боғлиқ. Бундан ташқари вируснинг ўзи ҳам ҳомиладор аёллар қин микробиотасига таъсир қилади.

Хулоса: Шундай қилиб, янги коронавирус инфекцияси SARS-COV-2 ning ҳомиладорлар қин микробиотасига таъсири кам ўрганилган муаммолардан бири бўлиб, яна тадқиқотлар

ўтказишни, асоратлар ривожланишини олдини олиш ва даволаш муолажаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Лактобациллаларнинг камайиши шартли микрофлоранинг ўсишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Белкина Т. В. и др. Микробиом кишечника человека и иммунная система: роль пробиотиков в формировании иммунобиологического потенциала, препятствующего развитию инфекции COVID-19 //Успехи современной биологии. – 2020. – Т. 140. – №. 6. – С. 523-539.
2. Кравченко Е. Н. и др. Опыт применения препарата Метрогил Плюс у беременных с вульвовагинальным кандидозом и новой коронавирусной инфекцией COVID-19 //Доктор. Ру. – 2021. – Т. 20. – №. 1. – С. 68-72.
3. Ezechukwu H. C. et al. Lung microbiota dysbiosis and the implications of SARS-CoV-2 infection in pregnancy //Therapeutic Advances in Infectious Disease. – 2021. – Т. 8. – С. 20499361211032453.
4. Celik E. et al. Alterations in Vaginal Microbiota among Pregnant Women with COVID-19 (preprint). – 2021.
5. Leftwich H. K. et al. Impact of SARS-CoV-2 on the microbiota of pregnant women and their infants //medRxiv. – 2022. – С. 2022.11. 01.22281810.
6. Puchenko O. E., Berezniatskaya E. A., Ermolenko E. I. Female genital microbiota: health, pathology, ways of correction //Obstetrics and Gynecology. – 2021. – №. 3. – С. 18-24.

7. Schwartz D. A., Graham A. L. Potential maternal and infant outcomes from coronavirus 2019-nCoV (SARS-CoV-2) infecting pregnant women: lessons from SARS, MERS, and other human coronavirus infections //Viruses. – 2020. – Т. 12. – №. 2. – С. 194.

8. Trombetta A. et al. Sars-cov-2 infection and inflammatory response in a twin pregnancy //International Journal of Environmental Research and Public Health. – 2021. – Т. 18. – №. 6. – С. 3075.

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ SARS-COV-2 НА МИКРОБИОЦЕНОЗ ВЛАГАЛИЩА У БЕРЕМЕННЫХ

Насирова З.А.

Резюме. В этой работе мы проанализировали частоту нарушений микробиоты влагалища у женщин, перенесших новую коронавирусную инфекцию SARS-COV-2. В настоящее время частота инфекционно-воспалительных заболеваний в гинекологии не имеет тенденции к снижению. Одной из задач, решаемых в процессе выполнения настоящего исследования, являлось выявить корреляционную зависимость между состоянием микробиоты родовых путей и развитием осложнений влагалища у женщин, перенесших новую коронавирусную инфекцию SARS-COV-2. В связи с этим возникло множество вопросов о влиянии инфекции на различные системы организма, включая микробиоту влагалища беременных.

Ключевые слова: SARS-COV-2, микробиота, осложнения, беременность, инфекция.

ЮЗ ВА БЎЙИН СОҲАЛАРИ ЧУҚУР КУЙИШ ЖАРОҲАТЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Некбаев Хасан Сайфуллоевич¹, Хакимов Эркин Абдихалилович^{1,2}, Хайитов Улугбек Хужамкулович², Бегнаева Мухиба Усмоновна², Хайитов Лазиз Милионерovich¹, Абдухалилов Мирзиё Эркинович²

1 – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ ГЛУБОКОЙ ОЖГОВОЙ ТРАВМЫ ЛИЦА И ШЕИ

Некбаев Хасан Сайфуллоевич¹, Хакимов Эркин Абдихалилович^{1,2}, Хайитов Улугбек Хужамкулович², Бегнаева Мухиба Усмоновна², Хайитов Лазиз Милионерovich¹, Абдухалилов Мирзиё Эркинович²

1 - Самарқандский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, Республика Узбекистан, г. Самарқанд;

2 - Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

IMPROVING METHODS OF TREATMENT OF DEEP BURN INJURY OF THE FACE AND NECK

Nekbaev Khasan Sayfulloevich¹, Khakimov Erkin Abdikhailovich^{1,2}, Khaitov Ulugbek Khuzhamkulovich², Begnayeve Muhiba Usmonovna², Khaitov Laziz Milionerovich¹, Abdukhalilov Mirziyo Erkinovich²

1 - Samarkand branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz, erkinxakimov@mail.ru

Резюме. Юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйиш жароҳатларини даволаш муаммолари ҳозирги даврида ҳам замонавий комбустиологиянинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда. Куйиш жароҳатининг битиш жароғи узоқ муддатларга чўзилиши, шу билан бирга деформацияловчи контрактуралар, пигментатив ва эстетик ўзгаришлар ва бошқа оғир асоратлар кузатилиши 20-30% ни ташкил этмоқда. Мақсад. Юз ва бўйин соҳасининг чуқур куйиш жароҳатларини, жарроҳлик усулида даволашда жароҳат қопламаси (ЖҚ) афзаллигини ўрганиш. Материал ва усуллар. РШТЎИМ нинг Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 2010-2022 йилларда юз ва бўйин соҳалари чуқур куйиш жароҳатлари билан даволанган 210 беморларга юз ва бўйин соҳалари чуқур куйиш жароҳатларига “эрта некрэктомия ва “Парапран” ЖҚ қўлланилди. Назорат гуруҳдаги 102 (48,6%) беморларда анаънавий даволаш усуллари ўтказилди. Беморлар ёши 4 ойликдан 70 ёшгача бўлиб, ўртача 20±3,0 ёшни ташкил этди. Натижалар. Шундай қилиб, асосий гуруҳда даволанган беморларга “Парапран” жароҳат қопламаси қўлланганда 12-14-кунда юз ва бўйин соҳалари чуқур куйган жароҳатда грануляция пайдо бўлиши, жароҳатнинг қисқа муддатда тоза бўлишига эришилди. Бу эса эрта бажарилган жарроҳлик амалиётини ўтказиши ва кутиладиган асоратларнинг эрта реабилитацияси қилишига имкон берди. Асосий гуруҳдаги беморларда шикастланишидан кейинги 14-17 - кунларда тери пластикаси амалиёти бажарилди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг даволаниши муддатлари 21,5±1,5 кунни, назорат гуруҳидаги беморлар эса 28,5±2,4 кунни ташкил қилди. Хулоса. Мазкур тадқиқот ва таҳлиллар натижалари шуни кўрсатиб турибдики, юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйишини даволашда “Парапран” жароҳат қопламасидан фойдаланиши юқори самарали бўлиб, ушбу даволаш усули жарроҳлик тери пластикаси амалиётини эрта ўтказишига ва уни муддатларини қисқартиришига, шунингдек жароҳатни тозаланишини тезлаштирибгина қолмасдан, тери пластик амалиётидан сўнги асоратларни камайтиришига ижобий таъсир кўрсатди. Даволаниш кунлари сезиларли равишда 8-10 кунга қисқаргани асоратларнинг эрта реабилитацияси учун ҳам яққол аҳамият касб этди. Бирламчи оператив даврдан кейинги асоратлар 62,7% дан 24,1% гача камайганлиги кузатилди. Шу билан бирга, жабрланганларни кунлик боғламларини алмаштиришида ва жароҳатларга ишлов беришидаги оғриқ ва салбий ҳиссиётларни камайтиришига, пигментатив бузилишларни олдини олишига ва эстетик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлди, бу эса бу тоифадаги беморларда куйиш касаллигини даволаш амалиётида муҳим ўрин тутди.

Калит сўзлар: Юз ва бўйин соҳасининг чуқур куйиши, жароҳат қопламаси, аутодермопластика.

Abstract. One of the urgent problems of modern combustiology remains the treatment of deep burn injuries in the face, as well as in the modern period of world medicine. Long-term process of completion of burn injury, as well as outbreaks of severe complications, pigmentative changes in deforming contractures are 20-30%. Objective. Study of the deep burn injury of the face area, the benefits of ulcerative coating (RP) in surgical treatment. Material and methods. Samarkand branch of the Republican Scientific Center of Emergency Medicine of combiology 2010-2022, 210 patients treated with moderate injuries were divided into 2 groups and the results of treatment were studied. For 108 (51.4%) patients in the main group, "early necroectomy and parapran of the wound cover (RR)" were used. 102 (48.6%) control patients were treated. The age of patients ranged from 4 months to 70 years, an average of 20 ± 3.0 years. Results. Thus, the "wound parapran (RP)" applied to patients in the main group contributed to the appearance of granulation with a deep burn wound for 12-14 days, the purity of the injury in the shortest possible time. Early surgery, early rehabilitation of expected complications. Patients of the main group practiced skin repair for 15-17 days. This was 21.5 ± 1.5 days on treatment days for patients in this group. Day of treatment for control patients was 28.5 ± 2.4 days. Conclusions. The above results of studies and analyzes show that in the treatment of a deep knee burn, it is highly effective to use "parapran wound coating (RP)," which allows surgical skin surgery at an early stage and reduce its duration, not only accelerating skin cleaning, but also subjecting it to plastic practice positively influenced the reduction of complications. Treatment days were significantly reduced by 8-10 days, which also became important for early rehabilitation of complications. There was a decrease in complications after the primary surgical process from 62.7% to 24.1%. As well as the preservation of the aesthetic state of pigmentative disorders when replacing day dressings and reducing infusions and negative feelings when treating injuries, which plays an important role in the practice of treating burn diseases in patients

Key words: Deep burns to the neck of the face, wounds, autodermoplasty.

Долзарблиги. Дунёда ҳозирги кунда касалликларни даволаш ва ташхислашда юқори технологияларга таянган ҳолда, замонавий асбоб ускуналардан фойдаланиш, касалликларни дастлабки даврида ташхислаш, кейинги келиб чиқадиган асоратларни олдиндан аниқлаш, кам ҳаражат ва сифат кўрсаткичини яхшилаб, қисқа даврда ичида беморлар соғлиғини тиклаш муҳим аҳамиятга эга [1].

Юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйиш травмасынинг асоратлари ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаганлигини таъкидлаш лозим. Юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйиш травмасыдан кейинги асоратлар (келлоид чандиқлар, пигментатив ўзгаришлар, кўз олмасидаги контрактуралар, оғиз соҳасининг микростомияси, кулоқ супрасининг хондрит ҳолатидан кейинги конфигурациясининг ўзгариши ва бўйин контрактураси ҳамда эстетик бузилишлар) умумий куйиш травмасынинг 20-30% ини ташкил қилмоқда. Ёпиқ бинолардаги табиий газнинг чакнаши оқибатида ва суицид ҳолатлар туфайли бу кўрсаткич юз ва бўйин соҳаси чуқур куйиш травмасы 85-88% ни ташкил қилади [2,3].

Асосан ёпиқ бинодаги ёнғин, босим остида чакнаш туфайли кечадиган оловли таъсирот тананинг очиқ соҳаси бўлган юз ва бўйин соҳасига тўғридан-тўғри оғир термик таъсири кўрсатиши оқибатида юз ва бўйин терисининг чуқур термик зарарланишига олиб келади. Бу куйиш жароҳатлари асосан бинолардаги иситиш тизимининг техник носозлиги, балонда сақланувчи пропан газларнинг очиқ қолиши, газ конденцатидан ноўрин фойдаланишлар, суицид ҳолатларда, ҳарбий ҳаракатлар вақтида кўпинча бош ва юз, бўйин ҳамда қўл қафти соҳалари чуқур куйиш жароҳатлари кузатилади [4].

Ретроспектив таҳлиллар шуни кўрсатдики, эрта ёшдаги болалар ўртасида юз ва бўйин соҳалари териси чуқур термик зарарланиши сандалга боши, юз соҳаси билан тушиб кетиш оқибатида, қаровсиз қолдирилган ўспирин ёшдаги болалар орасида газ плитасидан нотўғри фойдаланишлар натижасида келиб чиққан бўлиб, улардаги куйиш жароҳатлари юз ва бўйин соҳасида куйиши 25-30% ни ташкил этади. Суюлтирилган газ, яъни пропан ва газ хаводан оғир бўлганлиги сабабли тўпланиш хусусиятига эга бўлиб, босим остида чакнаш оқибатида куйиш жароҳати олишига сабаб бўлади. Босим остида оловли чакнаш оқибатида ҳар доим терининг чуқур зарарланиши билан характерланади.

Портловчи алангадан босим остида пайдо бўладиган иссиқлик даражаси 400 градусдан 500 градусгача бўлган ҳароратни ҳосил қилади. Бундай ҳолатда қўшимча юқори нафас йўллари оғир ингалацион шикастланиш ҳам кузатилади. Шуни инобатга олган ҳолда, анамнезида ёпиқ бинодаги чакнаш туфайли олинган термик шикастланганларга ингалацион зарарланиш мавжудлиги шубҳа остига олиниб, клиник белгилари таянган ҳолда фибробронхоскопия текшириш усули ўтказилади [5].

Катта ёшдаги одамларда юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйиши, асосан очиқ оловдан, ёпиқ бинодаги ёнғинлар ва суицид ҳолатлар (кўп ҳолларда аёллар орасида оилавий келишмовчиликлар ёки руҳий касалликлар туфайли) содир бўлиб, эркаклар орасида эса спиртли ичимлик мутгасил истеъмол қилиш асорати сифатида ривожланган алкоголизм касаллиги таъсирида тамаки махсулотларини чекиб ухлаб қолиши оқибатида термик жароҳатланиши кузатилади [6].

Юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйиш жароҳатлари тузалиш даври 28-35 кунни ташкил

этомқда. Бу даврда жароҳатда қалин қора кўтир пайдо бўлиб, куйган тери эластиклик хусусияти йўқолиб кўз қовоқлар ва оғиз бўшлиғи ҳаракати чекланиб, яллиғланиш даврида жароҳатни йиринглаш жараёни кузатилади. Эрта некрэктомия жарроҳлик амалиёти (ЭНЖА) ҳамда жароҳатни ёпиб турувчи вақтинчалик қопламалар “Парапран” айнан юз ва бўйин соҳаларидаги чуқур куйган жароҳатларни даволашда ижобий натижа бериши шундан иборатки, жароҳат тубидаги терини озиклантирувчи қон томирларни ўтказувчанлигининг сақлаб қолиниши регенерация жараёнини жадаллашига имкон бериб, иккиламчи йирингли асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

“Парапран” ЖК афзаллиги шундаки, таркибида кучли антисептик хусусиятга эга бўлган хлоргексидин борлиги, шу билан бирга парафин бўлганлиги учун тана ҳарорати таъсирида парафин секинлик билан юмшаб хлоргексидин фаоллигини оширади, эрта некрэктомия жарроҳлик амалиётининг бажарилишида юз ва бўйин соҳасининг куйган тери тўқималарнинг оғриқсиз енгил ажралиши, жароҳат қонаши кузатилмаслиги, тери эластиклик хусусияти сақланиб туриши билан изоҳланади. Жароҳатнинг тозаланиш даврида эрта некрэктомия жарроҳлик амалиётидан (ЭНЖА) сўнг, жароҳатда грануляция пайдо бўлади. Шундан сўнг жарроҳлик усули билан эркин тери кўчириб ўтказиш (аутодермопластика) амалиёти бажарилади [9,10].

Мақсад. Юз бўйин соҳанинг чуқур куйиш жароҳатларини жарроҳлик усулида даволашда жароҳат қопламаси афзаллигини ўрганиш.

Материал ва усуллар. РШТЁИМнинг Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 2010-2022 йилларда юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатлари билан даволанган 210 беморлар 2 гуруҳга ажратилиб даволаш натижалари ўрганилди. Асосий гуруҳдаги 108 (51,4%) беморларга “эрта некрэктомия ва “Парапран” жароҳат

қопламаси қўлланилди. Назорат гуруҳдаги 102 (48,6%) беморларда анаънавий куйган жароҳатни очик даволаш усуллари ўтказилган. Беморлар ёши 4 ойликдан 70 ёшгача бўлиб, ўртача $20 \pm 3,0$ ёшни ташкил этди.

Жабрланганларнинг 165 (78,5%) нафари оловдан ёнгин ёпиқ бинода чакнаши оқибатида куйиш жароҳати олган. Очик оловдан нефть маҳсулотлари, газ конденцати, бензиндан чиққан ёнгин туфайли куйганлар 23 нафар (10,9%), иссиқ буғ ва ёғдан 11 нафар (5,2%) чуқур куйиш билан жабрланган, 11 нафар (5,2%) суицид ҳолатда куйиш жароҳати билан даволанган. Жабрланганларнинг чуқур куйиш майдони 4% дан 9% гачани ташкил этди.

Тадқиқотимизда юз ва бўйин соҳасининг ШАБ-IV даражали куйиш жароҳатлари олган, куйиш майдони, ёши жиҳатидан ҳамда шифохонага тушган вақтини ҳисобга олган ҳолда, бирибирига мос бўлган беморларни 2 гуруҳга ажратган ҳолда ўрганилди.

Натижалар. Асосий гуруҳдаги 108 бемор куйиш жароҳати олган вақтдан жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишлови берилмади. Бунга асосий сабаб беморда оғир куйиш шоки ҳолатида бўлганилиги, шу билан бирга ингалацион зарарланишга шубҳа бўлганлигини ҳисобга олиб, аввало умумий аҳволини мўтадиллаштирувчи шокга қарши чора - тадбирларга қаратилди. Шокга қарши муолажалардан 12-16 соатдан сўнг юз ва бўйин соҳасидаги жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишлови бериш учун таркибида оғриқ қолдирувчи доксидин-лидокаинли аралашма аэрозоли сепилиб оғриқсизлантирилди. Некрозга учраган тўқималар олиб ташланиб, жароҳатланган майдонга таркибида хлоргексидин бўлган “Парапран” ЖК ҳамда таркибида сульфадиазин кумуш хлоргексидин бўлган дермогард малҳами суртилиб, 1% ли бетадин эритмаси билан асептик боғлам қўйилди (1-расм).



а.



б.



в.



г.

Расм 1. а. Юз ва бўйин куйиш жароҳатини жароҳат қопламаси ва дермогард малҳами билан ишлов бериш; б. Юз ва бўйин куйиш жароҳатини жароҳат қопламаси устидан асептик боғлам қўйиш техникаси; в. Юз ва бўйин куйиш жароҳатидан. 10-12 соатдан ўтиб боғлам қўйилган ҳолати; г. 10-суткада некрот тўқималарнинг ажралиши жароҳатнинг тозаланиш жараёни



а.



б.



в.



г.

Расм 2. а. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг эрта некрэктомия жарроҳлик амалиётидан кейинги 14-кун; б. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг аутодермопластика жарроҳлик амалиётидан кейинги 15-кун; в. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг эрта некрэктомия жарроҳлик амалиётидан кейинги 12-кун; г. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг аутодермопластика жарроҳлик амалиётидан кейинги 13-кун



а.



б.

Расм 3. а. Ингалацион шикасланишни ташхисловчи FUJINON-PS2-HP ускунаси; б. Дастлабки соатларда ингалацион шикастланишни аниқлаш учун фибробронхоскопия амалиётининг бажарилиши



а.



б.



в.



г.

Расм 4. а. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг гипергрануляция ҳолати; б. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатининг очиқ усулда даволаш натижаси 30- кун; в. Кечиктирилган аутодермопластика амалиётидан кейинги ҳолат 32- кун; г. Гипергрануляциялашган жароҳат юзаси тозаланиб аутодермопластика амалиёти бажарилди

Боғлам 72 соатгача алмаштирилмади, сўнгра жароҳат очилиб некротизация учраган тери тўқималари қонсиз, оғриқсиз, босқичма-босқич тозаланиб борилди. Некрозлардан тозаланган жароҳат устига "Парапран" ЖҚ қўйилиб дермогард малҳами қўйилиб, бетединли 1%ли эритмаси билан боғлам қўйилиб боғланди. Жароҳат боғламини алмаштириш вақтида некротизациянинг олиниши жараёнида, жароҳатдан қон кетиши ва оғриқли ҳиссиётлар кузатилмади.

Жароҳатда йирингли жараёнини ривожланмаслиги учун жароҳатга таркибидан антибиотик сақловчи офломелид-дермогард малҳами билан комбинациялаштирилиб "Парапран" ЖҚ устки қисмидан суртилиб, бетединли асептик боғлам қўйилиб, юз ва бўйин соҳаси боғланди. Даволаниш жараёнида боғламини алмаштирилгандан сўнг беморларда оғриқли ҳиссиётлар деярли кузатилмади. Беморларнинг боғлам алмаштириш вақтида оғриқнинг

бўлмаслигига некрозлардан тозаланиш даврида қонсиз ажралишига асосий сабаб бўлиб, "Парапран" ЖК ва дермогард малҳами куйган тери-некрозларнинг қуриб қолишини олдини олиб, некроз тўқималарнинг ажралиш жараёнини енгиллашганлиги кузатилди. 12-14-кунларда юз ва бўйин соҳасидаги жароҳат тўлиқ тозаланиб, грануляция пайдо бўлди. Дастлаб кўз ва қовоқ соҳаларига эркин тери кўчириб ўтказиш жароҳлик амалиёти ўтказилди (2-расм).

Чунки кўз ва қовоқ соҳаси доимий ҳаракатда бўлиб турадиган ҳаракатчан соҳа бўлганлиги, ҳамда қисқа вақт ичида қовоқ киприк контрактурани ривожланишини назарда тутиб, эрта тери кўчириб ўтказиш тактикаси қўлланилди. Донор соҳадан олинган эркин тери қовоқ соҳасига кўчириб ўтказишда олинган тери бўлаги бўйлама ҳолда олиниб, рецепент қовоқ соҳага ҳам шу тарзда қўйилди. Кейинги босқичда юз ва бўйин соҳасида грануляция пайдо бўлган жароҳат атрофи соғ бўлган теридан ажратувчи кесма ўтказилиб, қўйиладиган донор тери бўлаги юз ва бўйин мушаклари йўналишига мос равишда тери пластика амалиёти бажарилди. Бўйин соҳаси ҳаракатчан, эгилувчан, очиқ турувчи эстетик соҳа бўлганлигини инобатга олиб, олинган донор тери бўлаги перфорация қилинмасдан бўйин мушакларига вертикал бўйлама ҳолатда аутодермопластика амалиёти бажарилди. Жароҳлик амалиёти билан бир вақтнинг ўзида беморларга иккиламчи инфекция ривожланмаслик мақсадида цефалоспорин II-III авлоди антибиотиклари билан фторхинолон II авлоди комбинациялаштирилган антибактериал терапия ўтказилди. Яллиғланиш жараёнини секинлаштириш, жароҳатдан экссудацияни камайтириш, иммун тизимни сусайтириш, донор терини лизис жараёнини профилактикаси учун оператив даволаш фонида глюкокортикоид гармонлари (дексаметазон 0,5мг\кг, преднизолон 1-2мг\кг) миқдорда 3 кун давомида муолажа давом эттирилди. Аутодермопластика амалиётидан сўнг жароҳат боғлами 48 соатгача очилмади. Умумий чуқур куйган жароҳат майдони 15% дан ортиқ бўлган беморларга инфузионтерапия, қон таҳлилида умумий оксиген миқдори 65 г\лдан паст бўлганда, гемоглобин миқдори 70г\л дан кам бўлган ҳолатларда оператив даволаш фонида гемотрасфузия ва янги музлатилган қон зардоби қўйиш ўтказилди. Оғиз бўшлиғи атрофида тери пластик амалиёти бажарилган беморларга, операция олди даврида назогастрал йўл орқали ошқозонга зонд ўрнатилиб, 3-4 кун мабойнида зондди озиклантириш олиб борилди. Юз ва бўйин соҳадаги 1% гача бўлган контакт чуқур куйган яраларга 1- суткада "Парапран" ЖК қўйилиб 2-

суткада электро-дерматом ёрдамида 0,2-0,3мм қалинликда эрта некрэктомия амалиёти бажарилиб, жароҳат атрофи соғ теригача кесиб олиниб, бир вақтнинг ўзида аутодермопластика операцияси бажарилди. Юз ва бўйин соҳасидаги чуқур куйган жароҳатларни, барча жароҳлик амалиётлари умумий наркози таъсири остида бажарилди.

Назорат гуруҳидаги 102 нафар беморлар юз ва бўйин соҳасининг чуқур куйиши билан стационарга ётқизилгандан сўнг анаънавий даволаш стандартлари бўйича олиб борилган. Беморлар юз ва бўйин соҳасининг ШАБ-IV даражали куйиш ташхиси қўйилганидан сўнг, оғриксизлантирилиб жароҳатга бирламчи ишлов шокга қарши даволаш муолажалари ўтказилиб, агар ингалацион шикастланишлар клиник белгилари мавжуд бўлса, фибробронхоскопия текшириши ўтказилди (3-расм), сўнг синтомицин 10% ли - дермазин 1% ли малҳами аралаштирилиб суртилиб жароҳатни очиқ усулда даволаш олиб борилди. Кун давомида юз ва бўйин соҳасидаги жароҳатга 4-5 маротаба синтомицин 10% ли малҳами билан дермазин 1% ли малҳами комбинациялаштирилиб суртилиб, жароҳатда 6-7- кунларда қуруқ қаттиқ некроз пайдо қилди. 10-12- суткаларда юз ва бўйин соҳасидаги куйган жароҳатда йиринглаш жараёни кузатилиб, жароҳатдан некроз тўқималар кўтарилиб ажрала бошлади. Бемор овқатланиш вақтида ҳамда зўриқиш ҳолатлари бўлган пайтларда жароҳатдан қон кетиш, юз ва бўйин жароҳатларида кучли оғрик хиссиётлари кузатилди. Очиқ усулда даволанган беморларда 24-суткага бориб жароҳат тўлиқ некроздан тозаланиб, оператив даволаниш учун тайёр бўлди (4-расм а, б, в, д).

Грануляцияланган жароҳат юзаси антисептик воситалар билан тозаланиб ювилиб, аутодермопластика амалиёти бажарилди. Жароҳатдан йирингли ажралмаларни инобатга олган ҳолда беморларга цефалоспорин II-III авлоди билан биргаликда фторхинолон II авлоди комбинациялаштирилган антибиотиклар қўлланилди. Умумий қон таҳлили, биохимик қон таҳлилларининг кўрсаткичларига қараб, гемотрансфузия ва қон зардоби, инфузион терапия операция фонида бажарилди. Жароҳатда гипергрануляция бўлган жароҳат юзаси ётоқ ҳолатда скальпел ёрдамида кириб олиниб, капилляр қон кетган соҳага адреналин + натрий хлор эритмаси салфеткага шимитилиб босиб туриш усулида қон кетиши тўхтатилиб аутодермопластикаси бажарилди. Операциядан сўнг яллиғланиш жараёни секинлаштириш жароҳатда экссудация жараёнини сусайтириш мақсадида глюкокортикоидлар преднизолон 1-2 мг\кг, дексаметазон 0,2-0,3 мг\кг миқдорда 3 кун давомида муолажа қилинди.



Расм 5. а. Бемор Д. 7 ёш. Бўйин соҳаси ШБ даражали 5% термик куйиши, келлоид чандикланиши 2 йилдан кейинги ҳолат; б. Бемор Ж. 30 ёш. Юз ва бўйин, қўл соҳаси ШБ даражали 15% оловдан куйиши, келлоид чандикланиши 5 йилдан кейинги ҳолат; в. Бемор А.10 ёш. Бош юз ва бўйин соҳаси ШБ-IV даражали 12% сандалдан куйиши, келлоид чандикланиши 9 йилдан кейинги ҳолат

Жадвал 1. Юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйишини даволаш натижалари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ 108	Назорат гуруҳ 102
Тери пластикаси амалиёти кунлари	12-14	21-23
Даволаниш кунлари	20,5±1,5	28,5±2,4
Қайта реконструктив жарроҳлик амалиёти НК %	26 (24,1%)	64 (62,7%)

Шундай қилиб, асосий гуруҳда даволанган беморларга қўлланган "Парапран" ЖК 12-14-кунда юз ва бўйин чуқур куйган жароҳатда грануляция пайдо бўлиши, жароҳатнинг қисқа муддатда тоза бўлишига ёрдам берди. Эрта бажарилган жарроҳлик амалиёти, кутиладиган асоратларнинг эрта реабилитацияси бўлиб хизмат қилди. Асосий гуруҳдаги беморлар 14-17 кунларда тери пластикаси амалиёти бажарилди. Бу эса ушбу гуруҳдаги беморлар даволаниш кунлари 21,5±1,5 кунни ташкил қилди. Назорат гуруҳдаги беморлар даволаниш кунни эса 28,5±2,4 кунни ташкил қилди. Иккала гуруҳда даволанган беморларга тери бутунлиги тиклангандан сўнг, юз ва бўйин соҳаларига 3-4 ой мобайнида чандикланишни профилактикаси учун "Клин Скар" креми суртиш тавсия қилинди. "Клин Скар" кремнинг асосий хусусияти чандикланишни олдини олиб, терининг пигментатив бузилишларни камайтиради. Бўйин соҳасида контрактурани профилактикаси учун даволовчи гимнастикаси 20-25 дақиқагача давом эттириб, мунтазам равишда бўйин юмшоқ шинаси тақиб юриш 6 ойгача тавсия қилинди. Бу эса бўйин контрактуралар пайдо бўлишини эрта реабилитациясига қаратилди.

Юз ва бўйин соҳасининг тери пластикаси амалиётдан сўнг асосий гуруҳдаги беморларнинг (уч йилда) 26 тасида (24,1%) да юз ва бўйин соҳаларининг I-II даражали кўз ковоқ соҳасида, лаб соҳасида юқорги ва пастки тортилувчи контрактуралар, бўйин контрактуралари, чандикланишлар, пигментатив бузилишлар, оғиз микростомияси, юз эстетикасининг бузилиш ҳолатлари кузатилди (5-расм а, б, в).

Беморлар диспансер назоратида бўлишига қарамадан, мунтазам равишда тавсия этилган

муолажаларни қабул қилинмаганлиги оқибатида юқоридаги асоратлар кузатилганлиги билан изоҳланади. Ушбу асоратлар кузатилган беморларни санатория-курорт, физотерапевтик даволаш муолажалари олгандан сўнг қайта реконструктив тери пластик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Назорат гуруҳда анаънавий усулда юз ва бўйин чуқур куйган жароҳатлари билан даволанган беморларнинг 64 тасида (62,7%) II-III - даражали юз ва бўйин соҳасида кўз ковоқ, лаб бўйин соҳаларида чандикланган контрактуралари, пигментатив бузилишлар келлоид чандикланишлар кузатилди.

Назорат гуруҳдаги беморларда кузатилган асоратлар 3 йил давомида консерватив усулда санатория-курорт муолажалари электрофорез, юмшатувчи ва чандикларни сўрдирувчи дори воситалар қабул қилгандан сўнг 64 (62,7%) нафарда қайта икки-уч босқичда қайта реконструктив тери пластикаси жарроҳлик амалиёти бажарилган (1-жадвал). Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, назорат гуруҳдаги даволанган беморларда қўлланилган анаънавий даволаш усулига қараганда, асосий гуруҳдаги "Парапран" ЖК қўлланилиб боғлам остида юз ва бўйин соҳаларини даволаш давомида куйиш жароҳатида микроорганизмларнинг яшаши ва кўпайиш учун ноқулай шароит бўлганлиги сабабли, некрозлар оғриқсиз қисқа давр оралиғида ажралиши, тўқималарнинг қуриб қолиши олди олиниб, кон томирлар ўтказувчанлиги сакланиб туриши эвазига, регенерация жараёнини жадаллашганлигини, кейинги кузатилган юз ва бўйин соҳаларидаги чандикли асоратлар пигментатив бузилишлар камайганлигини кузатдик (6-расм а, б, в, г).



а.



б.



в.



г.

Расм 6. а. Юз ва бўйин чуқур куйиш жароҳатига жароҳат қопламаси қўлланилиб эрта пластик амалиёти кейинги ҳолат 35 кун; б. Эрта некрэктомия, аутодермопластика амалиётидан сўнги ҳолат 4 ойдан кейинги натижа; в. Эрта некрэктомия, аутодермопластика амалиётидан сўнги ҳолат 5 ойдан кейинги натижа; г. Бўйин соҳаси эрта некрэктомия, аутодермопластика амалиётидан кейинги хотима олди ҳолати

Хулоса. Келтирилган тадқиқот ва таҳлиллар натижалари шуни кўрсатиб турибдики, юз ва бўйин соҳаларининг чуқур куйишини даволашда "Парапран" ЖК фойдаланиш юқори самарали бўлиб, ушбу даволаш усули жароҳлик тери пластикаси амалиёти эрта ўтказишга ва уни муддатларни қисқартиришга, жароҳатни тозаланишини тезлаштирибгина қолмасдан, тери пластик амалиётидан сўнги асоратларни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Даволаниш кунлари сезиларли равишда 8-10 кунга қисқаргани асоратларнинг эрта реабилитацияси учун ҳам аҳамияти катта бўлди. Бирламчи оператив даводан кейинги асоратлар 62,7% дан 24,1% гача камайганлиги кузатилди. Шунингдек, жабрланганларни кунлик боғламларини алмаштиришда ва жароҳатларга ишлов беришдаги оғрик ва салбий ҳиссиётларни ҳамда пигментатив бузилишлар камайтиришга, эстетик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади, бу эса бу тоифадаги беморларда куйиш касаллигини даволаш амалиётида муҳим ўрин тутди.

Адабиётлар:

1. Алексеев А.А., Бобровников А.Э., Малютин Н.Б., Филимонов К.А. Анализ и особенности работы ожоговых стационаров в России в 2022 году. // Всероссийской научно-практической конференции мир без ожогов «Ожоги: диагностика, лечение, реабилитация» Россия, Махачкала Дагестан 2023 г. 10-14 стр.
2. Брегадзе А.А., Клепикова Т.Н., Лебедь А.А., Фомина О.В., Буторин Д.В., Козка А.А. Применение хитопрана для лечения ран донорских мест. // Всероссийской научно-практической конференции мир без ожогов «Ожоги: диагностика, лечение, реабилитация» Россия, Махачкала Дагестан 2023 г. 20 стр.
3. Вагнер Д.О., Зиновьев Е.В., Кошелев Т.Е., Скородумов А.В. Подходы к хирургическому лече-

нию тяжелообожженных на основании формирования моделей пациентов. // Всероссийской научно-практической конференции мир без ожогов «Ожоги: диагностика, лечение, реабилитация» Россия, Махачкала Дагестан 2023 г. 21-22 стр.

4. Романова Л.Л. Периоперационный период ранних некрэктомий с одномоментной аутодермопластикой у детей с глубокими ожогами. // Всероссийской научно-практической конференции мир без ожогов «Ожоги: диагностика, лечение, реабилитация» Россия, Махачкала Дагестан 2023 г. 48-49 стр.

5. Фаязов А.Д., Шукуров С.И., Рузимуратов Д.А., Камиллов У.Р., Ахмедов А.И. Эффективность применения раневых покрытий при местном лечении ожоговых ран у тяжелообожженных. // Всероссийской научно-практической конференции мир без ожогов «Ожоги: диагностика, лечение, реабилитация» Россия, Махачкала Дагестан 2023 г. 63-65 стр.

6. Бобровников А.Э. Технологии местного консервативного лечения обожжённых. Диссертация доктора медицинских наук. Москва. 2012:4-312. [Bobrovnikov A.E. Technologies of local conservative treatment of the burned. Dissertation of the Doctor of Medical Sciences. Moscow. 2012:4-312].

7. Хаджибаев А.М., Фаязов А.Д. Принципы хирургического лечения тяжелообожженных. Методические рекомендации. Ташкент 2004:3-4. [Khadzhibayev A.M., Fayazov A.D. Printsipy khirurgicheskogo lecheniya tyazheloobozhzhennykh. Metodicheskie rekomendatsil. Tashkent 2004:3-4].

8. Евтеев А.А., Тюрников Ю.И., Шерстнев Р.А., Астафьев И.В. К вопросу об оценке эффективности аутодермопластики. Мир без ожогов. Москва, Россия. 2011:159-160. [Evtsev A.A., Tyurnikov Yu.I., Sherstnev R.A., Astafyev I.V. On the issue of evaluating the effectiveness of autodermaplasty. A world without burns. Moscow, Russia. 2011:159-160].

9. Крутиков М.Г. Лечение ожоговых ран во влажной среде. Российский научно-практический жур-

нал. Скорая медицинская помощь. 2006; 3(7):115-116. [Krutikov M.G. Treatment of burn wounds in a humid environment. Russian Scientific and Practical journal. Emergency medical care. 2006;3(7):115-116] 10. Крылов К.М., Юрова Ю.В. Раневые покрытия в комбустиологии: эволюция, перспективы. Мир без ожогов Комбустиология. 2011; 46-47. [Krylov K.M., Yurova Yu.V. Wound coverings in kombustiology: evolution, prospects. A world without burns Combustiology. 2011; 46-47].

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ ГЛУБОКОЙ ОЖОГОВОЙ ТРАВМЫ ЛИЦА И ШЕИ

*Некбоев Х.С., Хахимов Э.А., Хайитов У.Х.,
Бегнаева М.У., Хайитов Л.М., Абдухалилов М.Э.*

Резюме. Одной из актуальных проблем современной комбустиологии остается лечение глубоких ожоговых травм области лица, а также в современном периоде мировой медицины. Длительный процесс окончания ожоговой травмы, а также вспышки тяжелых осложнений, пигментативные изменения деформирующих контрактур составляют 20-30%. Цель. Изучение глубокой ожоговой травмы области лица, преимущества раневого покрытия (РП) при хирургическом лечении. Материалы и методы исследования. В отделе комбустиологии Самаркандского филиала РНЦЭМП изучены результаты лечения в 2 группы 210 пациентов, которые в 2010-2022 годах были госпитализированы с травмами средней тяжести. Для 108 (51,4%) пациентов основной группы были применены «ранняя некрэктомия и Паранран ранительного по-

крова (ЗП)». 102 (48,6%) пациентов из контрольной группы прошли лечение. Возраст больных составил от 4 месяцев до 70 лет, в среднем $20 \pm 3,0$ лет. Результаты. Таким образом, «Паранран раны (РП)», применявшийся к больным в основной группе, способствовал появлению грануляции при глубоком ожоговом ранении в течение 12-14 дней, чистоте травмы в кратчайшие сроки. Ранняя хирургическая операция, ранняя реабилитация ожидаемых осложнений. Пациентам основной группы в течение 15-17 дней практиковали кожную пластику. Это составило $21,5 \pm 1,5$ дня в дни лечения пациентов данной группы. Срок лечения пациентов контрольной группы составил $28,5 \pm 2,4$ дня. Выводы. Приведенные результаты исследований и анализов показывают, что при лечении глубокого ожога коленного сустава высокоэффективно использовать «Паранран раневой покрытия (РП)», что позволяет проводить операцию хирургической кожной пластики на ранней стадии и сокращать ее сроки, не только ускоряя очистку кожи, но и подвергая ее пластической практике положительно повлияло на снижение осложнений. Значительно сократились дни лечения на 8-10 дней, что также стало важным для ранней реабилитации осложнений. Наблюдалось снижение осложнений после первичного оперативного процесса с 62,7% до 24,1%. А также сохранение эстетического состояния пигментативных расстройств при замене дневных повязок и уменьшении вливаний и негативных чувств при обработке травм, что играет важную роль в практике лечения ожоговых заболеваний у пациентов

Ключевые слова: Глубокий ожог области шеи, раны, раневое покрытие, аутодермопластика.

УДК: 61:378378:001

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ КОМБИНИРОВАННОЙ ПЛАСТИКИ ПОСТОЖОГОВОЙ РУБЦОВОЙ ДЕФОРМАЦИИ ЛИЦА И ШЕИ СВОБОДНЫМ КОЖНЫМ ТРАНСПЛАНТАТОМ И МЕСТНЫМИ ТКАНЯМИ



Низамходжаев Шамсиддин Зайниддинович¹, Мадазимов Мадамин Муминович²

1 – “Wara Hospital”, Государство Кувейт;

2 - Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан

ЮЗ ВА БЎЙИННИНГ КУЙИШДАН КЕЙИНГИ ЧАНДИҚ ДЕФОРМАЦИЯСИНИ ТЕРИНИНГ ЭРКИН ТЕРИ ТРАНСПЛАНТАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ТЎҚИМАЛАР БИЛАН КОМБИНИРЛАНГАН ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК НАТИЖАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Низамходжаев Шамсиддин Зайниддинович¹, Мадазимов Мадамин Муминович²

1 – “Wara Hospital”, Кувайт давлати;

2 - Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE RESULTS OF COMBINED PLASTIC SURGERY OF POST-BURN SCAR DEFORMITY OF THE FACE AND NECK WITH A FREE SKIN GRAFT AND LOCAL TISSUES

Nizamkhodjaev Shamsiddin Zainiddinovich¹, Madazimov Madamin Muminovich²

1 – “Wara Hospital”, State of Kuwait;

2 - Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan

e-mail: info@adti.uz

Резюме. Муаммонинг долзарблиги. Юз ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқларини пластика қилишда кўпинча тўлиқ қатламли эркин тери трансплантати ва маҳаллий тўқималар билан комбинацияланган пластик жарроҳлик усулидан фойдаланиш талаб этилади. Ушбу бўлимда трансплантация қилинган қопламанинг бириктириш сифати масаласи долзарб бўлиб қолмоқда ва узок муддатда - эстетик жиҳатдан, шу жумладан гипертрофик чандиқлар, келоидлар, кўчириб ўтказилган терининг пигментациясидаги ўзгаришлар, шунингдек, энг ёмон асорат – чандиқли деформациянинг қайталаниши билан трансплантатнинг ретракциясидир. Мақсад: тўлиқ қатлами эркин тери қопламаси ва маҳаллий тўқималар билан бирга пластик жарроҳлик ёрдамида юз ва бўйин куйишдан кейинги чандиқ деформациялари билан беморларнинг жарроҳлик реабилитация натижаларини яхшилаш. Материаллар ва усуллар: қўлланиладиган пластик жарроҳлик усулларига кўра, 101 бемор икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳда-49 беморда юз ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқ деформациясини бартараф этишининг тавсия этилган усули амалга оширилди; таққослаш гуруҳида-52 бемор, анъанавий усуллар бўйича эркин тери трансплантацияси ва маҳаллий тўқималар билан пластик жарроҳлик амалга оширилди. Натижалар: юз ва бўйиннинг куйишдан кейинги чандиқларида тўлиқ қатламли эркин тери қопламаси ва маҳаллий тўқималар билан комбинацияланган пластик жарроҳликнинг такомиллаштирилган усули, кўчириб ўтказилган трансплантат сифатининг яхшиланиши, унинг орқага тортилиш даражасини пасайтириш, шунингдек, қон томирлар шаклланишини стимуляция қилиш, тери ости суюқлик тўпланиши хавфини камайтириш билан тавсифланади. Босиб турувчи бандажни узок муддат кийиш бундан мустасно, бу одатда трансплантация қилинган тўқиманинг янада физиологик бириктиришга ёрдам беради.

Калит сўзлар: бўйин, юз, куйишдан кейинги чандиқ деформацияси, эркин тери трансплантати.

Abstract. The relevance of the problem. When plasticizing post-burn scarring of the face and neck, it is often necessary to use combined plastic surgery with a full-layer free skin graft and plastic surgery with local tissues. In this aspect, the issues of the quality of engraftment of the transplanted flap remain relevant, and in the long term – aesthetic moments, including the formation of hypertrophic scars, keloids, changes in pigmentation of the transplanted skin, as well as the most formidable complication - the retraction of the graft with a recurrence of scar deformation. Objective: to improve the results of surgical rehabilitation of patients with post-burn scar deformity of the face and neck by using

combined plastic surgery with a full-layer free skin graft and local tissues. Materials and methods: according to the applied plastic surgery methods, 101 patients were divided into two groups. In the main group – 49 patients, the proposed method of eliminating post-burn scar deformity of the face and neck was performed; in the comparison group - 52 patients, plastic surgery with a free skin graft and local tissues was performed according to traditional methods. Results: an improved method of combined plastic surgery with a full-layer free skin graft and local tissues in post-burn scarring of the face and neck, characterized by an improvement in the quality of the removed graft, by reducing the degree of its retraction, as well as stimulation of vascularization, reducing the risk of formation of subcutaneous fluid accumulations, excluding prolonged wearing of a pressure bandage, which generally contributes to a more physiological engraftment of transplanted fabrics.

Key words: neck, face, post-burn scar deformity, free skin graft.

Актуальность проблемы. По данным Всемирной организации здравоохранения, ожоги представляют собой глобальную проблему общественного здравоохранения и являются третьей по распространенности травмой в мирное время, составляя 2,2 случая на 1000 человек населения в год, и около 6 миллионов человек во всем мире обращаются за медицинской помощью и 180 000 человек с летальными исходами каждый год [1]. Ожоги головы и шеи являются одними из самых тяжелых видов ожоговых травм. Они часто сопровождаются поражением лица, груди и области плечевых суставов, что приводит к длительному периоду заболеваемости, госпитализации, обезображиванию и инвалидности. Кроме того, ожоги головы и шеи часто сопровождаются стигматизацией и неприятием со стороны общества [2; 3].

Благодаря достижениям пластической хирургии появилась новая отрасль медицины - пластическая и реконструктивная хирургия, которая стала ведущим методом лечения последствий ожогов [4; 5; 6]. Различные клиники по всему миру совершенствуют, разрабатывают и внедряют разнообразные методики пластического устранения постожоговые рубцовые процессы. Эти методики включают многокомпонентные составляющие, но все же, главной целью остается восстановление формы, функции и улучшение качества жизни пациентов [7; 8].

Использование методов баллонной дермотензии с применением экспандеров и пластики местными тканями позволяет восстановить кожный покров, идентичный утраченному по текстуре, толщине, эластичности и наличию волосяного покрова. Эти вмешательства позволяют устранять тяжелые функциональные и косметические нарушения, вызванные послеожоговыми дефектами мягких тканей головы, а также костные повреждения, восстанавливать нормальный кожный покров лица и свода черепа [9]. Более распростра-

ненной методикой является трансплантация свободного кожного лоскута. Эта методика остается надежным и проверенным временем вариантом пластического закрытия дефектов. При этом для закрытия больших дефектов после иссечения рубцовой ткани возможно применение комбинации свободного кожного трансплантата и пластики местными тканями. Однако, с каждым годом требования к функциональным и эстетическим результатам лечения обожженных увеличиваются, что делает пересадку кожи менее актуальной [10]. Поэтому традиционные методы с шаблонным подходом при определении показаний к пластике ожогов свободным кожным трансплантатом в комбинации с пластикой местными тканями нуждаются в улучшении [11; 12]. Основной задачей является разработка и введение в практику новых более эффективных операций. Данное исследование посвящено оценке результатов предложенного способа пластики свободным кожным трансплантатом в комбинации с применением пластики местными тканями при устранении последствий ожогов – рубцовой деформации в области лица и шеи.

Материалы и методы исследования.

Комбинированная пластика выполнялась в случаях, когда СКТ не покрывал весь дефект после иссечения рубцовой деформации в области лица или шеи и при этом имелась возможность использования рядом расположенной нормальной кожи для выполнения пластики местными тканями. Все пациенты согласно примененным методам пластики были разделены на две группы. В основной группе – 49 пациентам был выполнен предложенный способ устранения постожоговой рубцовой деформацией лица и шеи; в группе сравнения – 52 пациента, комбинированная пластика свободным кожным трансплантатом (СКТ) и местными тканями выполнялась по традиционным способам (табл. 1).

Таблица 1. Распределение больных на группы для исследования

Вид операции	Группа сравнения		Основная группа		Итого	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Пластика дефекта лица	22	42,3%	21	55,0%	43	55,2%
Пластика дефекта шеи	30	57,7%	28	45,0%	58	44,8%
Всего	52	100,0%	49	100,0%	101	100,0%

Комбинированная пластика СКТ и местными тканями была произведена у 52 пациентов в группе сравнения, из которых в области лица – 22, в области шеи – 30. В основной группе эта операция была выполнена у 49 больных, из которых в 21 случае в области лица и в области шеи – 28 пациентов.

В обеих группах преобладали женщины. Около половины пациентов были в возрасте от 20 до 44 лет, около трети – 45-59 лет. Сроки получения ожогов колебались от 1 года до 5 лет. Во всех случаях пластике подвергались только окончательно сформированные рубцовые деформации без элементов воспалительного процесса. С учетом того, что в данной работе мы рассматриваем результаты только одного этапа пластики, размеры рубцовых дефектов среди пациентов были различными, при этом в анализ включены только пациенты со средней площадью дефектов, которые были в пределах 50-120см², а также большие дефекты, которые превышали площадь в 120см².

В группе сравнения пациентов со средними дефектами было 28 (53,8%), из которых в области в/3 лица – 6 (11,5%), с/3 лица – 1 (1,9%), н/3 лица – 4 (7,7%), дефекты, захватывающие 2 или 3 области лица – 2 (3,8%), на шее – 15 (28,8%). С большими дефектами в этой группе было 24 (46,2%) пациента: в области в/3 лица – 4 (7,7%), с/3 – 1 (1,9%), н/3 лица – 2 (3,8%), дефекты, захватывающие 2 или 3 области лица – 2 (3,8%), на шее – 15 (28,8%). В основной группе пациентов со средними дефектами было 23 (46,9%), из которых в области в/3 лица – 4 (8,2%), н/3 лица – 1 (2%), дефекты, захватывающие 2 или 3 области лица – 3 (6,1%), на шее – 15 (30,6%). С большими дефектами в этой группе было 26 пациентов: в/3 лица – 5 (10,2%), с/3 лица – 1 (2%), н/3 лица – 4 (8,2%), дефекты, захватывающие 2 или 3 области лица – 3 (6,1%), на шее – 13 (26,5%).

Резюме. Изучение влияния гидролизатов казеина, полученных с желудочным и панкреатическим соком, на липидемические показатели крови у собак. **Материал и методы:** Мы провели эксперименты на собаках. Уровни триглицеридов и холестерина измеряли в исследованиях на животных до и в течение 6 часов после кормления белками или белково-жировыми эмульсиями. Исследования проводились при кормлении: 1 - 200 мл 30% раствора яичный белок; 2 - 200 мл эмульсии, содержащей 30 % яичный белок и 5 % оливкового масла; 3-200 мл 30% яичный белок самогенерируемой эмульсии при рН-2 желудочного сока ва 5% оливкового масла; 4-200 мл 30% яичный белок эмульсии, выдерживают 2 часа с панкреатическим соком рН-8 и 5% оливковым маслом. Учитывались показатели наблюдений в течение 6 часов после кормления, а также учитывались показатели общего изменения по сравнению с исходными показателями кормления. Статистическую обработку проводили путем вычисления средних значений и их средних ошибок, определения коэффициента достоверности (t) разности Стьюдента-Фишера методом вариационной статистики. Различия $P < 0,05$ и менее считали статистически значимыми. Гидролизаты белка, полученные под действием желудочного сока, способствуют улучшению пищеварения и всасывания жиров. Гидролизаты яичного белка, полученные под действием сока поджелудочной железы, способствуют уменьшению переваривания и всасывания жиров. Влияние гидролизатов яичного белка на липидные показатели крови зависит от того, из каких протеаз получены гидролизаты яичного белка, а также от последовательности действия протеаз на яичного белка при получении гидролизатов и пептидов.

Ключевые слова: триглицериды, гидролизаты яичного белка, жиры, липидемические показатели, желудочный сок, поджелудочный сок.

ЯЛЛИГЛАНИШГА ҚАРШИ НОСТЕРОИД ДОРИЛАР ВА ДЕКСАМЕТАЗОННИНГ ЭРКАК КАЛАМУШЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ



Ёдгоров Иброхим Фахриддинович, Баймурадов Равшан Раджабович
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ВЛИЯНИЕ НЕСТЕРОИДНЫХ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ И ДЕКСАМЕТАЗОНА НА РЕПРОДУКТИВНУЮ СИСТЕМУ КРЫС-САМЦОВ

Ёдгоров Иброхим Фахриддинович, Баймурадов Равшан Раджабович
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

INFLUENCE OF NON-STEROID ANTI-INFLAMMATORY DRUGS AND DEXAMETHASONE ON THE REPRODUCTIVE SYSTEM OF MALE RATS

Yodgorov Ibrokhim Fakhriddinovich, Baimuradov Ravshan Radjabovich
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: ibroxim_yodgorov@mail.ru

Резюме. Глюкокортикоидлар организмдаги кўплаб физиологик жараёнларда муҳим рол ўйнайди. Глюкокортикоидлар таъсир қилувчи нишон хужайралардан бири моятлардаги Лейдиг хужайралари ҳисобланади. Мақсад: яллигланишга қарши дорилар полипрагмазиясида уруғдон ва уларнинг ортиқларининг морфологик кўрсаткичларини ўрганишдан иборат. Тадқиқот методлари: тажриба 3 ойлик эркак каламушларда ўтказилди. Уларга 10 кун давомида парацетамол, аспирин, ибупрофен, дексаметазон каби дори воситалари зонд ёрдамида юборилди. Хулоса. Тадқиқот давомида уруғдон эгри бугри каналчаларида кескин сперматогенез жараёнини издан чиқиши, каналча ички бўлигида базал мембранага яқин жойлашган 1-2 тартибли сперматогонийларнинг хажман кичрайганлиги, Сертоли хужайраларининг хажман катталашганлиги ва редукцияга учраган сперматоген хужайраларни фагоцитозлаган ўчоқлари аниқланади. Сперматоген хужайраларнинг 3 ва 4 босқичи ва етук сперматозоидлар жуда кам аниқланди.

Калит сўзлар: уруғдонлар, аспирин, парацетамол, ибупрофен, дексаметазон.

Abstract. Glucocorticoids play an important role in many physiological processes in the body. One of the target cells that glucocorticoids act on is the Leydig cells in the testicles. The purpose of the study was to study the morphological features of the testes and their appendages during polypharmacy with anti-inflammatory drugs. Research methods. The experiment was carried out on 3-month-old male rats. They were intragastrically injected with paracetamol, aspirin, ibuprofen, dexamethasone for 10 days. Conclusion. During the study, it was found that the process of spermatogenesis is suddenly disrupted in the seminiferous tubules, the size of spermatogonia of the 1st-2nd order, located near the basement membrane in the inner cavity of the tubule, decreases, the size and number of Sertoli cells increase, and foci phagocytizing reduced spermatogenic cells are determined. Stage 3 and 4 spermatogenic cells and mature spermatozoa were very rare.

Key words: testicles, aspirin, paracetamol, ibuprofen, dexamethasone.

Тадқиқот долзарблиги. Глюкокортикоидлар организмдаги кўплаб физиологик жараёнларда муҳим рол ўйнайди [7]. Глюкокортикоидлар NR3C1 рецепторлари билан боғланиш орқали хужайра даражасида ишлайди. Эндоген глюкокортикоидлар кортизол (одамларда асосий глюкокортикоид) ёки кортикостерон (каламушларда асосий глюкокортикоид) ҳисобланади. Глюкокортикоидлар иммун тизими, мия ва репродуктив функцияларни фармакологик

жиҳатдан ингибирлаши мумкин [4, 7]. Дексаметазон каби клиник жиҳатдан кучли синтетик глюкокортикоидлар яллигланиш белгилари мавжуд касалликларни даволаш учун дори сифатида кенг қўлланилади. Бирок, ундан узоқ муддатли фойдаланиш кўплаб салбий таъсирларни келтириб чиқариши мумкин ва бу таъсирлар ташқи муҳитнинг бошқа патологик омиллари [1-3,5,6,9,10] каби хавфли бўлиши мумкин.

Дархақиқат, глюкокортикоидлар эркакларнинг насл қолдиришини тормозлашга кодир [7]. Глюкокортикоидлар таъсир қилувчи нишон хужайралардан бири мойялардаги Лейдиг хужайралари ҳисобланади. Лейдиг хужайралари эркакларда балоғат ёшининг бошланиши, сперматогенез ва иккиламчи жинсий белгиларни пайдо бўлиши учун зарур бўлган тестостеронни ишлаб чиқарадиган асосий хужайралардир [8]. Лейдиг хужайраларида NR3C1 генлари мавжуд ва глюкокортикоидлар NR3C1 воситачилигида тестостерон биосинтезини қисқартиради [11]. Дексаметазон ва яллиғланишга қарши ностероид воситаларнинг биргаликда қўлланилиши эса мазкур салбий таъсирларни янада кучайтириши мумкин. Юқоридагиларни инобатга олиб ушбу тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот мақсади яллиғланишга қарши дорилар полипрагмазиясида уруғдонлар ва уларнинг ортиқларининг морфологик кўрсаткичларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материал ва методлари. Тажрибани ўтказиш учун меъёрий виварий шароитларида сақланилган назорат гуруҳидан ташқари 3 ойлик 50 та оқ зотсиз эркак каламушлар танлаб олинди. Уларга қуйидаги дори воситалари юборилди: парацетамол 94,1 мг/кг + аспирин 31,3 мг/кг + ибупрофен 37,6 мг/кг + дексаметазон 0,6 мг/кг

Ушбу дори воситалари ҳар бир тажриба гуруҳига 10 кун давомида эритма ҳолида зонд орқали ошқозон ичига юборилди. Назорат гуруҳига эса дори воситалари ўрнига 0,5 мл дистилланган сув ошқозон ичига юборилди.

Тажриба жараёнида қўлланилган барча препаратларнинг миқдори эмперик усулда ҳисоблаб чиқилди.


Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда Нуралиев Н.А., Бектимиров А.М., Алимова М.Т., Суванов К.Ж. нинг ЎзР ССВ томонидан 2016-йил 25-майда тасдиқланган (№8н-п89) “Микробиологик ва иммунологик тадқиқотларда лаборатория ҳайвонлари билан ишлаш қоидалари ва усуллари” услубий қўлланмаси ҳамда Нуралиев Н.А., Суванов К.Ж., Хамракулова М.А. нинг ЎзР ССВ ОНМИ томонидан 2016-йилнинг 6-июнида рўйхатга олинган «Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойиллари» (№ 0438) маълумот хатида келтирилган, лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда барча биологик хавфсизлик қоидалари ҳамда этик тамойилларга риоя қилинди.

Тажриба тадқиқотлар ёки бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси талаблари (ЭТС №123, Страцбург, 1986й.), шунингдек лаборатор ҳайвонларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

бўйича Миллий қўлланма талабларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси меъёрий ва услубий ҳужжатлари асосида ўтказилди.

Тажриба тугаган пайтда каламушлар, оч коринга, енгил эфир (хлороформ) наркози остида жонсизлантирилди. Морфологик текширувлар учун уруғдонлар ажратиб олинди, оғирлиги ўлчанганидан сўнг 10% ли нейтрал формалин эритмасида фиксация қилинди, сўнгра концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилди ва парафинга қуйилди. Микротомда қалинлиги 5-7 мкм бўлган кесмалар тайёрланиб, ксилолда депарафинизация қилинди ва гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялди, морфологик ва морфометрик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Тажриба шароитида каламушларга per os берилган яллиғланишга қарши ностероид препаратлар аспирин+парацетамол+ ибупрофен+дексаметазон таъсирида НЯҚП ва дексаметазон доривор моддаларининг бир бирини потенцирлаши ва ҳар хил биологик мембраналардан ўтиш теъдиллигини ошириш оқибатида, арахидон кислота ва простагландинлар синтезининг кескин издан чиқиши кузатилиб, оралик тўқималарда шишлар ва қон томирларнинг нотекис тўлақонлиги, хужайраларда чуқур дистрофик ва некробиотик ўзгаришларнинг ривожланиши билан давом этиши аниқланди. Жараённинг яна оғир ва чуқурлашиши, жинсий хужайраларнинг етилишидаги секинлашиш дексаметазоннинг фаол таъсири билан тушунтирилади. Дексаметазоннинг бевосита жинсий аъзоларга ва уруғдонга таъсири бўлмасида, билвосита йўл орқали таъсирлайди.



Расм 1. Тажриба гуруҳи. Уруғдон эгри бугри каналчалари бўшаб қолган (1), аксарият сперматоген хужайралар парабазал қават соҳасида аниқланди (2), найчалараро бўшлиқларда оралик шиш аниқланди (3). Бўёк Г.Э. Ўлчами 4x10

Жумладан, дексаметазон яллиғланишга қарши, гипергликемия чақириши, яллиғланиш


олди медиаторларини кескин тормозлаши, пролифератив жараёнларга тормозловчи таъсирида, барча лабил (доим кўпайиш фазасида бўлган хужайралар) хужайраларнинг пролифератив таъсирини блоклаб қўйиши билан намоён бўлди. Бу эса, ўз навбатида лабил хужайралардан бўлган жинсий хужайралар бўлган эпителио-спрематоген хужайраларнинг сперматоцитлар ва кейинги босқичдаги хужайралар циклига ўтиш даврини тормозлаши ва кескин издан чиқиши билан давом этди (1-расмга қаранг).

Микроскопик жиҳатдан эгри бугри каналчалар базал пластида кескин ўзгаришлар аниқланмайди. Миоид хужайраларда ўчоқли гипертрофиялар аниқланди. Базал қават юзасидаги ўзак хужайраларнинг ўчоқли коллапсга учраганлиги, шу сохаларда оралиқ шишларнинг такомил топиши билан давом этди. Эгри бугри найчалар оралигида жойлашган Лейдиг хужайраларини хажм ва сон жиҳатдан кескин камайиши, перицеллюляр шишларнинг ривожланиши, оралиқда сийрак толали тузилмаларнинг кўпайиши, фибробласт, гистиоцитларнинг ўчоқли фаол кўпайиши билан давом этганлиги аниқланди. Бу жараён оқибатида тестостеронга қарам бўлган Сертоли ва сперматоген хужайраларнинг сон жиҳатдан камайишини юзага келтиради ва юқоридаги ўзгаришлар билан давом этди.

Эгри бугри каналчалар ички бўшлиғда жойлашган Сертоли хужайралари ва сперматоген хужайраларнинг кескин камайиши, 1 ва 2 тартибли сперматогонийларнинг ора ора жойлашганлиги ва каналча бўшлиқларини коллапсга учраши (ўткир етишмовчилиги) билан давом этиши аниқланди (2-расмга қаранг). Айнан В типдаги сперматогонийларда митоз ўчоқларини камайиши, табақаланиш жараёнини кескин издан чиққанлиги билдиради. Сертоли хужайралари хажм жиҳатдан катталашган. Цитоплазмаси оксифил бўялган ва вакуол дистрофияга учраганлиги аниқланди. Сертоли хужайраларининг фагоцитар фаоллиги ошган, цитоплазмасида базофил киритмалар аниқланди.

Сперматоцитлар ва ундан кейинги қатордаги хужайраларнинг кескин камайганлиги, баъзи бир каналчаларда деярлик учрамаслиги билан характерланади. Аксарият эгри бугри каналчалар бўшлиғида базал қават юзасида 2-қатор бўлиб жойлашган спрематогонийлар, Сертоли хужайраларини базал юзада ва парабазал юзаларда учрашлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар стромани бўшаб қолганлиги ва Сертоли хужайраларининг таянч вазифаси ҳам бузилганини сперматоген хужайраларнинг кескин камайганлигини ва такомил топган сперматоген хужайралар табақаланишни 3-4 босқичларида

редукцион таначаларга айланиши ва Сертоли хужайралари томомнидан фагоцитозланганлигини англатади.



Расм 2. Тажриба гуруҳи. Уруғдон эгри бугри каналчалари бўшаб қолган (1), аксарият сперматоген хужайралар парабазал қават сохасида аниқланди (2), найчаларо бўшлиқларда оралиқ шиш аниқланди (3). Бўёк Г.Э. Ўлчами 10x10

Хулоса. Тажриба гуруҳида аспири+парацетамол+ибупрофен+ дексаметазон доривор препаратларини 10 сутка давомида каламушларга per os киритилгандан кейинги морфологик ўзгаришларини қуйидагича келтириб ўтамыз. Уруғдон эгри бугри каналчаларида кескин сперматогенез жараёнини издан чиқиши, каналча ички бўшлиғида базал мембранага яқин жойлашган 1-2 тартибли спрематогонийларнинг хажман кичрайганлиги, Сертоли хужайраларининг хажман катталашганлиги ва редукцияга учраган сперматоген хужайраларни фагоцитозлаган ўчоқлари аниқланди. Сперматоген хужайраларнинг 3 ва 4 босқичи ва етук спрематозоидлар жуда кам аниқланди.

Адабиётлар:

1. Баймурадов, Р. (2021). Анатомические и физические параметры развития крыс и их семенников после облучения. Общество и инновации, 2(2/S), 504-509.
2. Тешаев, Ш. Ж., & Баймурадов, Р. Р. (2020). Морфологические параметры семенников 90-дневных крыс в норме и при воздействии биостимулятора на фоне радиационного облучения. Оперативная хирургия и клиническая анатомия (Пироговский научный журнал), 4(2), 22-26.
3. Baymuradov, R. R. (2020). Teshaeв Sh. J. Morphological parameters of rat testes in normal and under the influence of chronic radiation disease. American Journal of Medicine and Medical Sciences.-2020.-10 (1)-P, 9-12.

4. Meir Drexler Shira, Wolf Oliver T. The role of glucocorticoids in emotional memory reconsolidation. *Neurobiology of Learning and Memory*. 2017;142:126–134. doi: 10.1016/j.nlm.2016.11.008. 3
5. Tshaev, S. J., & Baymuradov, R. R. (2021, January). Characteristics of the anatomical parameters of the testes of white outbred rats in normal conditions and under chronic irradiation. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
6. Tshaev, S. J., Baymuradov, R. R., Khamidova, N. K., & Khasanova, D. A. (2020). Morphological parameters rat testes in normal conditions, with the background of chronic radiating disease and under the influence of an antiseptic stimulator. *International Journal of Pharmaceutical Research*, 12(3), 4898-4904
7. Witorsch RJ. Effects of elevated glucocorticoids on reproduction and development: relevance to endocrine disruptor screening. *Crit Rev Toxicol*. 2016;46:420–436. doi: 10.3109/10408444.2016.1140718. 1
8. Ye L, Li X, Li L, Chen H, Ge RS. Insights into the development of the adult Leydig cell lineage from stem Leydig cells. *Front Physiol*. 2017;8:430. doi: 10.3389/fphys.2017.00430. 4
9. Yodgorov I.F. (2023). POLYPHARMACY AND TESTES. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 4(05), 72–75. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/TVRWS>
10. Yodgorov I.F., THE EFFECT OF ASPIRIN AND PARACETAMOL ON THE TESTES AND EPIDIDYMIS OF THE WHITE OUTBRED RATS // *New Day in Medicine* 5(55)2023105-111
11. Zhang J, Hu G, Huang B, Zhuo D, Xu Y, Li H, Zhan X, Ge RS, Xu Y. Dexamethasone suppresses the differentiation of stem Leydig cells in rats in vitro. *BMC Pharmacol Toxicol*. 2019 May 27;20(1):32. doi: 10.1186/s40360-019-0312-z.

**ВЛИЯНИЕ НЕСТЕРОИДНЫХ
ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ И
ДЕКСАМЕТАЗОНА НА РЕПРОДУКТИВНУЮ
СИСТЕМУ КРЫС-САМЦОВ**

Ёдгоров И.Ф., Баймурадов Р.Р.

Резюме. Глюкокортикоиды играют важную роль во многих физиологических процессах в организме. Одной из клеток-мишеней, на которые действуют глюкокортикоиды, являются клетки Лейдига в яичках. Цель исследования - изучить морфологические особенности семенников и их придатков при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. Методы исследования. Эксперимент был проведен на 3-х месячных крыс-самцах. Им в течении 10 дней внутрижелудочно при помощи зонда вводили парацетамол, аспирин, ибупрофен, дексаметазон. Заключение. В ходе исследования установлено, что в семенных канальцах внезапно нарушается процесс сперматогенеза, уменьшаются размеры сперматогониев 1-2-го порядка, расположенных вблизи базальной мембраны во внутренней полости канальца, увеличивается размер и количество клеток Сертоли и определяются очаги, фагоцитирующие редуцированные сперматогенные клетки. Сперматогенные клетки 3 и 4 стадии и зрелые сперматозоиды выявлялись очень редко.

Ключевые слова: семенники, аспирин, парацетамол, ибупрофен, дексаметазон.

ЮРАК ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИДА ГИСТОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ



Жумаев Акмал Убайдуллоевич¹, Эшбаев Эркин Абдухалимович²

1 - Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

СПЕЦИФИКА ГИСТОХИМИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ В ПАТОМОРФОЛОГИИ ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ СЕРДЦА

Жумаев Акмал Убайдуллоевич¹, Эшбаев Эркин Абдухалимович²

1 - Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара;

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

SPECIFICITY OF HISTOCHEMICAL METHODS OF RESEARCH IN THE PATHOMORPHOLOGY OF CONGENITAL HEART DEFECTS

Jumayev Akmal Ubaidulloevich¹, Eshbyaev Erkin Abdukhalimovich²

1 - Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara;

2 - Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: jumayevakmal1921@gmail.com, eshbayev.erkin@mail.ru

Резюме. Юрак туғма нуқсонларини морфологик жихатдан текширишда қўлланиладиган оммавий текшириш усулларидан гематоксилин эозин усули бўлиб, аксарият базофил ва эозинофил бўялиши билан маълумдир. Лекин юрак тўқимасидаги махсус кимёвий моддаларни ўзгаришларини тўқима рН ни кўрсаткичларини ва хар хил даражада тўпланган нордон моддаларни қаерда кўп тўпланганлигини ва юрак тўқимасида хар қандай нуқсонларда дастлабки ўзгаришларни баҳолаш имконини берадиган махсус кимёвий бўёқлар орқали тўқимани фаол ўчоқларини бўяшга асоланган бўлиб, аниқ миқдорий ўзгаришлар юзага келган сохалардаги тузилмалар хақида хулоса ва тахлили қилиш имконини беради. Айни ишимизда юрак туғма нуқсонларини ўрганишда, ШИК, Шифф ва Ван Гизон усуллари орқали бўялгандан кейин аниқланган морфологик ўзгаришлар хақида маълумотлар келтирилди.

Калим сўзлар: морфология, юрак туғма нуқсони, ШИК, Шифф ва Ван Гизон.

Abstract. Hematoxylin-eosin method is one of the mass examination methods used in the morphological examination of congenital heart defects, which is known for its basophil and eosinophil staining. But it is based on staining the active foci of the tissue through special chemical dyes, which allow to evaluate the changes of special chemicals in the heart tissue, the indicators of the tissue pH and where acidic substances accumulated at different levels are accumulated and the initial changes in any defects in the heart tissue. allows to make conclusions and analysis about. In this work, in the study of congenital heart defects, information was given about the morphological changes detected after staining by ShIK, ShIFF and Van Gison methods.

Key words: morphology, congenital heart defect, Schiff and Van Gison.

Мавзунинг долзарблилиги. Муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, тетрада Фаллонинг Ўзбекистон республикаси Бухоро вилояти кесимида таркалиши ва морфологик жигатдан ўзига хос жихатларини ўрганишдир. Бухоро вилоятида бир йилда ўртача ташхисланган юрак туғма нуқсонини ўрта 32-38 тасини тетрада Фалло ташкил этади.

Мақсад: Бухоро вилоятида юрак туғма нуқсонларини учраш даражасини, анатомик, гистологик ва морфометрик ўзгаришларини ўрганиш ва тахлил қилишдан иборат.

Материал ва усуллар: Бухоро вилояти патологик анатомия экспертиза бюросида юрак туғма нуқсонидан вафот этган 65 та чақалоқнинг аутопсиядан олинган юрак тўқимаси ва касаллик тарихи клиник анамнестик маълумотлари тахлил


этилади. Мофрологик усул орқали юрак тўқимасидан олинган кесмаларни 10% ли буферланган формалинда 72 соат қотирилади. Кейин оқава сувда 1 соат чайилганидан кейин ўсиб бориш тартибдаги (70,80,90,100%) спиртларда сувсизлантирилади. Кейин бўлакчалар парафинларда қотирилиб, кассеталарга қуйилади. Микротом ёрдамида 5-7 мкм қалинликдаги кесмалар олиниб, ксиллда депарафинизация қилиниб, гематоксилин ва эозинда бўялади. Олинган натижалар ёруғлик микроскопида кўрилиб, микротасвирларга олинади ва морфометрик жиҳатдан таҳлил қилинади. Ван Гизон усулида асосан миокард таркибдаги дағал толали тузилмалардан ташкил топган фуксинофил толаларни аниқлаш имкони пайдо бўлиб, морфологик субстрати тўқ қизил рангдаги коллаген толалар аниқланади. ШИК орқали амалга оширилган морфологик текширишларда мукополисахаридларнинг хужайраларо бўшлиқларда тўпланганлигини кўрсатади ва бу жараён тўқимада гипоксия юзага келганлигини аниқлатади. Шифф усулида ҳам хужайралар оралиғида нордон мукополисахаридларни тўпланганлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилиб, мовий кўкрангда дағал толалар ва хужайралар периметри бўйлаб Шифф мусбат тузилмаларнинг бўлиши морфофункционал зўриқиш ўчоқларида оралиқ моддалар тўпланганлигини аниқлатади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Юрак ўнг қоринчасининг морфологик жиҳатдан ўзгаришлари сифат кўрсаткичларидан бўлган гистокимёвий


текшириш усули бўлган Ван Гион бўёғида амалга оширилди. Бунда олинган натижалар таҳлилида, гипертрофияланган кардиомиоцитлар тутамлари орлиғида аксарият дағал тузилмаларнинг кескин кўпайганлиги ва такомил топаётган ва шаклланаётган фуксинофил толаларнинг аниқланиши билан характерланади (расм 1).

Натижада миосклероз ўчоқлари атрофида яққол тасвирланган фуксинофил толаларининг муддати чақалоқ туғилганидан кейинги даврда ҳам яънада шаклланганлигини ва миоцитларнинг тутамларини компрессион атрофияга учратиши оқибатида, морфофункционал зўриқишда турган кардиомиоцит-ларнинг кескин катталшагани ва миокарднинг гистиоархитек-тоникасини кескин ўзгаришига ва склеротик ўзгарган ўчоқларнинг силжишига олиб келаганлиги аниқланди (расм 2).


Бу эса, миокардни ритм ўтказувчи йўллари драйвер ўқини силжишига ва юрак қисқаришини маълум нуқталарда тормозланиши кўринишидаги клиник морфофлогик ва функционал ўзгаришлар кўринишида намоён бўлади. Натижада, миокард таркибдаги хужайралар ва стромал компонентлар нисбатини ўзгаришига олиб келиб, қайтмас морфологик адаптациялар кўринишида намоён бўлади. Бу эса, кардиомиоцитларнинг гипертрофияланган ўчоқларини хар хил катталиқда бўлиши, шу сохалардаги томирларнинг ҳам турлича тўлақонлик кўринишида намоён бўлиб, репаратив регенерация кўринишидаги субституция ўчоқлари атрофида аксарият лимфа томирлари кенгайган кўринишда намоён бўлади (расм 2).




Расм 1. Қоринчаларо тўсиқ нуқсони субвалвуляр сохаси. 2,5 ойлик чақалоқ Баённома №-12 ДИ. Ўнг қоринча олд ён ва субвалвуляр сохасида дағал коллаген толалардан ташкил топган ўчоқлар аниқланади (1), миокардда оралиқда шаклланаётган фуксинофил толалар аниқланади (2). Бўёқ Ван Гизон. Ўлчами 20x10




Расм 2. Қоринчаларо тўсиқ нуқсони субвалвуляр сохаси. 3 ойлик нобуд бўлган чақалоқ. Баённома №-27 ДИ. Субэндокардиал қаватдаги миокард. Зич коллаген толалардан ташкил топган ўчоқлар (1), оралиқда кучли шаклланган шишлар аниқланади (2). Бўёқ Ван Гизон. Ўлчами 40x10




Расм 3. Қоринчалараро тўсиқ нуқсони. 3,5 ойлик чақалоқ. Баённома № 19ДИ. Қоринчалараро тўсиқ ўрта учлиги олд ён юзаси. ШИК мусбат тузилмаларнинг хужайралар периметри бўйича экстрацеллюляр бўшлиқларда жойлашиши (1), ораликда шишлар (2). Бўёқ ШИК. Ўлчами 10x10



Расм 4. Қоринчалараро тўсиқ нуқсони. 1,5 ойлик чақалоқ. Баённома № 33ДИ. Қоринчалараро тўсиқ юқори учлиги орқа ён ва дорсал соҳаси кесмаси. ШИК мусбат тузилмаларнинг хужайралар периметри бўйича экстрацеллюляр бўшлиқларда жойлашиши (1), ораликда шишлар (2). Бўёқ ШИК. Ўлчами 20x10



Расм 5. Қоринчалараро тўсиқ ва бўлмачалараро тўсиқ нуқсони ташхиси билан нобуд бўлган 4 ойлик чақалоқ. Баённома № 36ДИ. Субаортал соҳадаги ўнг қоринча. Субэндокардиал соҳасида кескин шакланган фибраэластоз ва миосклероз ўчоқлари оралиғида Шифф мусбат тузилмалар аниқланади (1), кардиомиоцитлар оралиғида шишлар ва лимфа томирларида стаз ўчоқлари (2). Бўёқ Альциан кўки. Ўлчами 20x10



Расм 6. Қоринчалараро тўсиқ нуқсони ташхиси билан нобуд бўлган 4 ойлик чақалоқ. Баённома № 39ДИ. Аксарият кардиомиоцитлар тутамлари оралиғида Шифф мусбат тузилмалар аниқланади (1), кардиомиоцитлар оралиғида шишлар (2). Бўёқ Альциан кўки. Ўлчами 20x10

Гистокимёвий текширишнинг кейинги усули бўлган альциан кўки билан нордон мукополисахаридларнинг тўпланиши, шу соҳада гипоксия жараёни давом этаётганлигини билдирадиган морфологик субстрат ҳисобланади. Чунки фибробластлар томонидан меёрда синтезланадиган оралик махсулотлар мукополисахаридлар жуда гидрофил бўлиб, оралик метаболитларни утилизация қилишда шу соҳага суюқликни ўтишини таъминлайди. Айни ишимизда ангиоархитектоникаси ва гемодинамик бузилишлар сабабли ривожланган гипоксияда, Шифф Мусбат тузилмаларнинг кескин кўпайиши

оқибатида, ораликда хаддан зиёд тўпланган суюқлик ўтказувчи йўлларда деформация ва кардиомиоцитларни қисқаришини издан чиқариши оқибатида шу соҳаларда нордон мукополисахаридларни тўпланиши кузатилади. Натижада, кўп миқдорда, тўпланган нордон Шифф мусбат тузилмалар кардиомиоцитлар тутамлари юзасидаги сийрак толаларнинг деструкцияси ва дефрагментацияси кўринишида намоён бўлишига олиб келиб ушбу манзара 5 ва 6 расмларда тасвирланган. Бу каби ўзгаришлар деструкцияга учраган кардиомиоцитларни сарколеммасини шикастланиши ва ўрнида султ

шаклланган лимфоцитар инфильтрация ва сандикланган ўчоқларнинг такомил топиши билан тугуалланади. Шу билан бирга кўп миқдорда функциоан л фаол сохалардан ўтган атипик ўтказувчи кардиомиоцитларни гиперимпульсацияси натижасида цитоплазмасида гликоген ва ёғли киритмаларнинг кўпайганлиги аниқланади. Бу эса, драйвер ўқи бўйича ўтказувчи тизимнинг анормал кўзгалувчанлигини юзага келтириб, клиник морфологик жихатдан аритмия ва фибрилляция кўринишида намоён бўлади.

ШИК бўёғида муколисахаридларнинг ҳар хил фракцияларини перицеллюляр сохадарида кўп миқдорда тўпланиши юракнинг морфофункционал жихатдан фалажаланишига ва қисқарувчанлигини издан чиқишини англатади. Аксарият перицеллюляр сохалардаги ШИК тузилмаларни кўп миқдорда тўпланиши ҳам кардиомиоцитларни дистрофик ва некробиотик ўзгаришларига олиб келиши оқибатида, метаболит миокард инфарктини юзага келиши билан тугалланиб, шу сохаларда кўп миқдорда сийрак ва дағал толали тузилмаларнинг шаклланиши ва ўтказувчи синоатриал тугун ва гис тутамлари йўналишини гистиоархитектоникасини ўзгариши ва юрак автоматизмини издан чиқишига олиб келади. Айни тадқиқот ишимизни таъсирланарли нукталидан бири, ушбу метаболит моддаларни тўпланишини олидини олиш юрак туғма нуқсонларини ташхислаш ва даволаш учун проспектив амалий тавсиялар ишлаб чиқаришга асос бўлиши мумкин. Морфологик белгиларнинг шу зайдда ривожланишини ШИФФ ва Ван Гизон бўёқлари орқали ҳам ўзаро боғлиқлигини тасдиқлаши, юрак туғма нуқсонларида аксарият тўқиманинг перфузион кўрсаткичларининг мултифокал ўзгариши ишемия кўринишида эмас, балки метаболитларнинг кўп миқдорда тўпланиши ва морфофункционал лфаол зоналарда морфологик адаптация механизмларини юзага келишидаги ўзагаришлар билан тушунтирилади.

Қоринчалараро тўсиқ нуқсони аксарият кардиомиоцитларида гипертрофик ўзгаришлар оқибатида аксарият капиллярларнинг гистиоархитек-тоникасида бир қадар ўзгаришлар кузатилади. Бу эса, ўз навбатида гемодинамика қонуниятларини бузган ҳолда, капиллярларда қон айланишини қисман издан чиариши ва капиллярлар деворининг ўтказувчанлиги ошишига олиб келади.

Натижада ўчоқли плазморрагия интерстициал шишларни вужудга келтириб, кардиомиоцитларни ботиб қирувчи зинасимон дисklar оралиғида узилишлар ёки кенгайган ўчоқларни юзага келтириб, синхрон қисқаришларни издан чиқишига олиб келади. Шу билан бирга, кенгайган капиллярларда сладж

феномини юзага келтиради. Бу эса, жараённинг давомийлигига боғлиқ ҳолда, шу сохаларда фибробластларнинг фаоллашувига ва сийрак толали тузилмаларнинг кўпайишига олиб келади. Натижада гипертрофияга хали учрамаган, функционал фаоллиги паст бўлган кардиомиоцитлар тутамларини атрофик ўзгаришига олиб келади. Натижада юрак қисқаришида клиник морфологик жиҳатдан аритмик қисқаришлар ривожланиши учун шароит юзага келиши билан характерланади. Капиллярлардаги сладжланган эритроцит-ларнинг микротиқинларни вужудга келтириши оқибатида ўчоқли кардиомиоцитларда некробиотик жараёнларни ривожланиши учун шароит юзага келиши билан характерланади.

Ўнг қоринча сўргичсимон мушаклари таркибидаги кардиомиоцитлар цитоплазмасида ўчоқли хар хил томчи кўринишдаги ёҳли дистрофияларнинг ривожланиши эса, давом этиб, морфофункционал жихатдан фаол ишлаётган кардиомиоцитларнинг кескин гипертрофиясига олиб келиб, макроскопик жиҳатдан сўргичсимон мушак юзаларида нотекис ғадир будур кўринишдаги дағал толали юзаларнинг такомил топишига олиб келади. Оқибатда атрофик ўзгарган кардиомиоцитларнинг юрак эндокардга яқин юзаларида эндокарднинг қалинлиши ва фиброэластоз ўчоқларининг ривожланиши билан давом этади (расм 3).

Айниқса, ўнг қоринчанинг пастки чап қоринчага яқин сохалари эндокардида, фиброэластоз ўчоқлари ва Пуркинъе хужайралари цитоплазмасида хар хил донатор базофил киритмаларнинг пайдо бўлиши билан ривожланади. Бу эса, ўз навбатида, фиброэластоз ўчоқлари атрофида интерстициал шишлар, миокардга ботиб қирувчи чандиқли жараёнларнинг такомил топиши билан давом этади. Макроскопик жиҳатдан ўнг қоринча пастки сохаси ва қоринчалараро тўсиқ сохасига қараган юзасида нотекис силлиқ бўлмаган юзаларнинг аниқланиши билан характераланадиган ўчоқлар пайдо бўлиши билан давом этади.

Чап қоринчада кескин ўзгаришлар ривожланмайди, аксинча аксарият кардиомиоцитларнинг хажм жиҳатдан бир хиллиги сақланган, капиллярлар тўрида аксарият бир хил одатдаги тўлаликда, инертсициал шишларнинг нисбатан кам ривожланганлиги билан характерланади. Аксарият суюэндокардиал жойлашган кардиомиоцитларнинг тутамли тузилиши ва гистиоархитектоникаси бир хил кўринишда бўлиб, ёғли дистрофияга учраган кардиомиоцитлар деярлик аниқланмайди, бу эса, морфофункционал жиҳатдан бир хил катталиқдаги кардиомиоцитларнинг тартибли жойлашини

англатади. Субперикардиал сохалардаги кардиомиоцитларда, ҳам худди шундай ўзгаришлар аниқланади, аксарият, ўзгаришлар субвалвуляр сохага яқин турган кардиомиоцитларнинг функционал фаол ўчоқлари: гипертрофияга учраган кардиомиоцитлар, нотекис оралиқ шишлар, капиллярларда сладж феномени аниқланади. Бу ўзгаришларнинг туб сабаби, фиброзастозга учраган перива субвалвуляр сохалардаги қалинлашган эндокард, Пуркинье хужайраларини аксариятида такомил топаётган гидропик дистрофия сабабли, кардиомиоцитларнинг носинхрон қискаришлари кечаётганлигидан дарак беради. Шу билан бирга, шу сохаларда кардиомиоцитларнинг оралиғида сийрак толали тузилмаларни такомил топиши ва майда калибрили томирлар атрофида ҳам склеротик ўзгаришларнинг юзага келиши билан ривожланганлиги аниқланади.

Демак, юрак туғма нуқсонда юзага келадиган морфологик ўзгаришларга хос бўлган жиҳатлари, кардиомиоцитларнинг ўчоқли гипертрофияси, қон томирлари атрофида склеротик ўзгаришлар, интерстициал шишлар ва фиброзастоз ўчоқлари аниқланади. Аксарият, кўзга кўринадиган ўзгаришлардан эндокарднинг ўчоқли қалинлашиши, юрак қопқоқлари атрофида, субэндокардиал жойлашган кардиомиоцитларнинг гурухли атрофик ўзгаришлари, перикарда липаматоз ўчоқлар ва ўнг қоринча кардиомиоцитларида ўрта ва майда томчили ёғли дистрофик ўзгаришлар аниқланади. Бу ўзгаришлар, юрак туғма нуқсонларини комбинацияланган турларидан Тетрадо Фаллода, қоринчаларо тўсиқ дефектларида, юрак магистрал томирларининг транспозициясида аниқланади. Бу ўзгаришлар юрак туғма нуқсонларининг локализацияси бўйича турли туман сохалари (қоринча олд, пастки ва қоринчаларо тўсиқ) да турлича кўринишда бўлади. Аксарият юрак туғма нуқсонларининг клиник морфологик жиҳатдан кўк типдаги юрак нуқсонларида, аксарият кардиомиоидеструктив ўзгаришларнинг асосий қсми ўнг қоринчага тўри келиши аниқланди. Бу ўзгаришлар катта қон айланиш доирасида сурункали веноз тўлақонликни ривожланиши билан давом этади. Натигада, юрак ўнг қоринча етишмовчилигини тез ривожланиши билан яқунланади.

Адабиётлар:

1. Желев В.А., Барновская С.В., Михалев Е.В., Филлипов Г.П., Серебров В.Ю., Ермоленко С.П., Попова Ю.Ю. Клинико-биохимические маркеры

поражения миокарда у недоношенных новорожденных // Бюллетень сибирской медицины. – 2007. - №4. – С. 86-90.

2. Koestenberger M., Avian A., Ravekes W. Reference values of the right ventricular outflow tract (RVOT) proximal diameter in 665 healthy children and calculation of z-score values // Int J Cardiol. – 2006. – Vol. 169, №6. – P. 99-101.

3. Эргашбаева Д.А., Ташбаев О.С., Хусанова Х.А., Хакимов Ш.К., Пазилжанова М.П., Солиева М.О. Кардиоинтервалографическая оценка ранней неонатальной адаптации новорожденных, родившихся от женщин с преэклампсией // Акушерство и гинекология. – 2008. - №2. – С. 19-21.

4. Abbot N.J. RonnbackL., Hansson E. Astrocyte-endothelial interactions at the blood-brain barrier // Nature Rev. Neurosci. - 2006. - Vol. 7. - P. 41.

5. Alehan F., Ozkutlu S., Alehan D. Echocardiographic assessment of left and right ventricular diastolic functions in children with dilated cardiomyopathy // Turk J Pediatr. – Vol. 40, №3. – P. 337-346.

6. Alehan F.K., Ozkutlu S., Alehan D. Effects of respiration on left ventricular diastolic function in healthy children // Eur Heart J. – Vol. 17, №3. – P. 453-456.

7. Chao C.P., Zaleski C.G., Patton A.C. Neonatal Hypoxic-ischemic encephalopathy: multimodality imaging findings // Radio Graphics. - 2006. -Vol. 26. - P. 159-172.


СПЕЦИФИКА ГИСТОХИМИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ В ПАТОМОРФОЛОГИИ ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ СЕРДЦА

Жумаев А.У., Эшбаев Э.А.

Резюме. Гематоксилин-эозиновый метод — один из массовых методов исследования, применяемый при морфологическом исследовании врожденных пороков сердца, известный своей окраской. Но он основан на окрашивании активных очагов ткани специальными химическими красителями, которые позволяют оценить изменения специальных химических веществ в сердечной ткани, показатели рН ткани и места накопления кислотных веществ, накопленных на разных уровнях, и начального Изменения любых дефектов сердечной ткани и структур в тех участках, где произошли конкретные количественные изменения, позволяют сделать выводы и анализ. В данной работе при исследовании врожденных пороков сердца были даны сведения о морфологических изменениях, выявляемых после окраски методами ШИК, Шифф и Ван Гизона.

Ключевые слова: морфология, врожденный порок сердца, Шифф и Ван Гизон.

ҲОМИЛА ИЧИ ПНЕВМОНИЯСИДАН ВАФОТ ЭТГАН ЭРТА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ТИМУСДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Абралова Хулкар Ахтам қизи
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ИЗМЕНЕНИЙ ТИМУСА НЕДОНОШЕННЫХ НОВОРОЖДЕННЫХ, ПОГИБШИХ ОТ ПНЕВМОНИИ ПЛОДА

Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Абралова Хулкар Ахтам қизи
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHANGES IN THE THYMUSIS OF PREMATURE INFANTS WHO DIED OF FETAL PNEUMONIA

Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich, Abralova Hulkar Ahtam kizi
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: omadlikun@mail.ru

Резюме. Ҳомила ичи пневмониясидан вафот этган чақалоқлар айрисимон беги тузилмаларидаги морфологик жиҳатларини ўрганиш мақсадида 15 нафар вафот этган чақалоқлар тимуси микроскопик текширувдан ўтказилган. Тимусда морфологик жиҳатдан морфологик ўзгаришлар гипоксик ҳарактерда бўлиб, пўстлоқ қисмида сезиларли дельмфатизация тимоцитларнинг пролиферацияси, Гассал таначаларининг камайганлиги, бўлақлараро ва пўстлоқ қисмида толали бириктирувчи тўқимаси шиши аниқланган. Мағиз қисми оралиқ тўқима шишиниши, хужайраларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар ёритилган.

Калит сўзлар: ҳомила ичи пневмонияси, тимус, қон томир, жиҳат, морфология.

Abstract. In order to study the morphological characteristics of the thymus structures of children who died from intrauterine pneumonia, a microscopic examination of the thymus of 15 deceased young children was carried out. Morphological changes in the thymus are hypoxic in nature; significant delymphatization in the cortex, proliferation of thymocytes, reduction of Hassall's bodies, swelling of fibrous connective tissue in the interlobules and cortex are detected. There is swelling of interstitial tissue, dystrophic and necrobiotic changes in thymus cells.

Key words: intrauterine pneumonia, thymus, blood vessel, characteristics, morphology.


Кириш. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги минтақаларида ўткир пневмония болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Маълумотларга кўра пневмония натижасидаги ўлим кўрсаткичи турлича бўлиб, МДХ да 21,6 - 43,9%, Белоруссия ва Прибалтикада 1,55-1,85:100 ни, Moldova ва Кавказда 4,64-11,6:100 ни, Марказий Осиёда еса 10,9-21,6:100 ни ташкил қилади. Дунёда respirator ўзгаришлардан 2,8 дан 3,2 миллионгача ўлим юз бериб, ерта туғилган чақалоқлар ва ҳаётнинг биринчи кунларида болалар ўлимининг бевосита сабаби 70-80% ҳолларда турли етиологияли нафас олишнинг бузилишидир [1,3,5]. Сўнгги 5 йил ичида республика шошилинич ёрдам маркази педиатрия бўлимларида ўлимнинг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, ўткир пневмониядан ўлим кўрсаткичи асосий ўринни егаллаб, 35,5% ни ташкил қилди. 2000-2015 йиллар давомида дунёда пневмония билан касалланиш 30%, ўлим кўрсаткичи 32%, ва болалар ўлими 50% га

камайди. Бироқ, пневмониядан умумий ўлим кўрсаткичининг пасайишига қарамай, у ҳали ҳам болаларда юқумли касалликлар орасида ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда [2,4].


Тадқиқот мақсади. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғилиб вафот этган чақалоқлар айрисимон безининг морфологик ўзгаришларини аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғилиб вафот этган 15 нафар (шулардан 5 нафари қиз жинсли 10 нафари ўғил жинсга мансуб, танасининг ўртача оғирлиги 1200-1500гр танасининг узунлиги 28-39 см чақалоқлар мурдасида айрисимон безлари $46,8 \pm 3$ г олинди ва олинган бўлақлардан 10% парафинли блоклар 48 соат давомида тайёрланди, блоклардан 0,5 -0,7 мм қалинликда кесмалар олиниб гемотоксилин-эозинда бўялди.

Тадқиқот натижалари. Бу болалар асфикция, турли хил ирсий малформациялар, амнион суяқликлар билан аспирациясидан вафот этган.



Расм 1. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғилиб вафот этган чақалоқлар айрисимон безидаги қон томирлар тўлақонлиги. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



Расм 2. Айрисимон без. Тимоцитларнинг пролиферацияси ҳолати. Ва яққа ҳолдаги Гассал таначаси. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Тимуснинг катталашганлиги тимус индекси Титимуснинг массаси/чақалоқ массаси $\times 100\%$ ёрдамида аниқланди. Микроскопик текширувларда бириктирувчи тўқима қатламлари ва бўлақлари катталиги аниқланди. Кўп ҳолларда бўлақлари яхши ривожланган, пўстлоқ қаватлари гиперхромлиги, мағиз қавати ёруғроқ, эпителиал ва стромал васкуляр қавати яхши ривожланганлиги аниқланди. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғилган чақалоқлар айрисимон беzi микроскопик текширув ўтказилганда қон томирларида тўлақонлик, тарқок диапедез қон қуйилиш ўчоқлари, оралик тўқимасининг шишганлиги, пўстлоқ ва мағиз қавати ўртасидаги чегаранинг ноаниқлиги қайд этилади. Қон томирлар ичида эритроцитларнинг шакли ноаниқ, гемолиз ҳолатида (1-расмга қаранг). Ретикулоэндотелиал системада лимфобластлар ва турли босқичдаги тимоцитлар, макрофаглар, эозинофиллар ва базофиллар аниқланди (2-расмга қаранг). Айрисимон безининг пўстлоқ қисмида сезиларли дeлимфaтизaция қисмлари, Гассал таначаларининг камайганлиги, бўлақлараро ва пўстлоқ қисмида толали бириктирувчи тўқимаси шиши аниқланади. Мағиз қисми оралик тўқима шишинган, хужайраларида дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар аниқланади. Шу жумладан ядроларида пикнотик ўзгаришлар қайд этилади. Цитоплазмасида шишиниш ва майда вакуолалар борлиги кузатилади. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғилиб, 5 кундан ортиқ яшаган чақалоқлар айрисимон безидаги пўстлоқ ва мағиз қисми хужайраларида кариолизис ва цитолизис ҳолати қайд этилади.

Хулоса. Ҳомила ичи пневмонияси билан туғулган чақалоқлардаги айрисимон безида морфологик ўзгаришлар гипоксик характерда бўлиб ортга қайтар жараён хисобланади. Ўрганилган микроскопик текширувлардан чиқиб шуни айтиш мумкинки айрисимон беzi хужайралари кислород очлигига ўта сезгир бўлиб

даволаш жараёнларида алоҳида инobatга олиниши лозим.

Адабиётлар:

1. Гасимова Е. А., Мирзоева И.А. «Современные аспекты этиопатогенеза, диагностики ва лечения респираторного дистресса - синдрома новорожденных», Европейский журнал биомедицинских и биологических наук, вып. 4, 2018, стр. 3–10.
2. Магруппов Б.А. и др. Анализ детской смертности по данным аутопсий РНЦЭМП. Вестн экстр медицины 2014; 2: 15-16.
3. Нурматов Ш.Н. Оптимизация диагностики и лечения острых респираторных заболеваний на педиатрическом участке. Дис.... канд. мед. наук. Ташкент 1999; 124.
4. Ташматов. С.А. и др. "Морфология пневмонии у детей" Вестник экстренной медицины, №. 1, 2015, С. 69-72.
5. Ровда Ю. И. и др. "Аспекты вилочковой железы (тимуса) детского возраста (часть III)" Мать и дитя в Кузбассе, №. 2 (85), 2021, С. 4-11.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ИЗМЕНЕНИЙ ТИМУСА НЕДОНОШЕННЫХ НОВОРОЖДЕННЫХ, ПОГИБШИХ ОТ ПНЕВМОНИИ ПЛОДА

Жуманов З.Э., Абралова Х.А.

Резюме. С целью изучения морфологических характеристика структур тимуса детей, умерших от внутриутробной пневмонии, проведено микроскопическое исследование тимуса 15 умерших детей раннего возраста. Морфологические изменения в тимусе носят гипоксический характер, выявляется значительная дeлимфaтизaция в коре, пролиферация тимоцитов, редукция телец Гассала, набухание фиброзной соединительной ткани в междольках и коре. Выделяют набухание интерстициальной ткани, дистрофические и некробиотические изменения в клетках тимуса.

Ключевые слова: внутриутробная пневмония, тимус, кровеносный сосуд, характеристика, морфология.



Мамадиярова Дилшоода Умирзоковна

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ҚУЁНЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ТУРЛИ ДАВРАНЛАРИДА УМУМИЙ ОҚСИЛ ДИНАМИКАСИ

Мамадиярова Дилшоода Умирзоковна

Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

DYNAMICS OF TOTAL PROTEIN DURING DIFFERENT PERIODS OF PREGNANCY IN RABBITS

Mamadiyarova Dilshoda Umirzokovna

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: mamadiyarovadilshoda566@gmail.com

Резюме. Ҳомиладорликнинг турли муддатларида ҳомиладор қуёнлар периферик қон таркибидаги темир метаболизмининг асосий кўрсаткичларини, умумий оқсил миқдорининг динамикаси ва хусусиятларини аниқлаш мақсадида 60 нафар ҳомиладор қуёнлар текиширувдан ўтказилган. Ҳомиладорликнинг турли давларида турлича озиқланиш шароитида ва озۇқасига темир ҳамда рух препаратлари қўшиб озиқлантирилган қуёнлар периферик қон таркибидаги темир ва унинг метаболизмига таъсир этувчи факторлар миқдори озۇқа тури, ҳомиладорлик муддати ва ҳомила ривожланиши босқичларидан келиб чиқиб, ўзига хос динамик ва физиологик характерга эга эканлиги намоён этилган. Мақсад: Ҳомиладорликнинг турли давларида темир метаболизми ва унда умумий оқсил динамик кўрсаткичларининг турли озۇқалар ва ҳомиладорлик муддатлари билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш. Усуллар: Турлича озۇқа рационини билан озиқлантирилган 60 нафар ҳомиладор қуёнлар периферик қони текиширувдан ўтказилди. Улардан 15 нафари одатий озۇқалар билан, 15 нафари одатий озۇқага темир препарати қўшиб берилган, 15 нафари одатий озۇқасига рух препарати қўшиб берилган, 15 нафари эса етарлича бўлмаган озۇқа билан озиқлантирилди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда турли муддатларда (7-14-21-28 кунлик) ҳомиладор қуёнлар периферик қон таркибидаги темир ва унинг метаболизмида қатнашувчи факторлар ўрганиб чиқилди. Мазкур таҳлиллар учун қуёнлар қулоқ венасидан қон намуналари олинди. Олинган қон намуналари махсус пробиркаларга олиниб, гематологик, биокимёвий, ИФА ва IХLA анализи амалга оширилди. Олинган натижалар: Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра қуёнлар ҳомиладорлигининг 7 кунда одатий озۇқа билан озиқлантирилган қуёнлар периферик қон таркибидаги умумий оқсилнинг ўртача миқдори $63,1 \pm 1,10$ г/л ни ташкил этади. Бу кўрсаткич темир препаратлари берилганда $61,9 \pm 1,67$ г/л га, рух препаратлари берилганда $61,1 \pm 1,9$ г/л га, кам озۇқа етарли бўлмаган озۇқа билан озиқлантирилган қуёнларда $62,7 \pm 1,28$ г/л га тенгдир. Қуёнлар ҳомиладорлигининг 14 кунда одатий озۇқа билан озиқлантирилган қуёнлар периферик қон таркибидаги умумий оқсилнинг ўртача миқдори $22,6 \pm 1,86$ г/л ни ташкил этади. Бу кўрсаткич темир препаратлари берилганда $23,4 \pm 1,79$ г/л га, рух препаратлари берилганда $21,4 \pm 1,79$ г/л га, кам озۇқа етарли бўлмаган озۇқа билан озиқлантирилган қуёнларда $19,5 \pm 1,78$ г/л га тенгдир. Ҳомиладорликнинг 21 кунига келиб, одатий озۇқа билан озиқлантирилган қуёнлар периферик қон таркибидаги умумий оқсилнинг ўртача миқдори $24,9 \pm 1,74$ г/л ни ташкил этади. Бу кўрсаткич темир препаратлари берилганда $26,3 \pm 0,64$ г/л га, рух препаратлари берилганда $24,4 \pm 0,79$ г/л га, кам озۇқа етарли бўлмаган озۇқа билан озиқлантирилган қуёнларда $24,5 \pm 0,88$ г/л га тенгдир. Ҳомиладорликнинг 28 кунига келиб, одатий озۇқа билан озиқлантирилган қуёнлар периферик қон таркибидаги умумий оқсилнинг ўртача миқдори $29,6 \pm 1,97$ г/л ни ташкил этади. Бу кўрсаткич темир препаратлари берилганда $36,4 \pm 0,64$ г/л га, рух препаратлари берилганда $37,5 \pm 1,78$ г/л га, кам озۇқа етарли бўлмаган озۇқа билан озиқлантирилган қуёнларда $26,9 \pm 1,31$ г/л га тенгдир. Хулосалар. Шундай қилиб, ҳомиладорликнинг 7 кунлик муддатдаги периферик қон таркибидаги умумий оқсил миқдори ҳомиладорликнинг 14-кунлигида камаяди, 21- кунлик ва охириги муддатда периферик қондаги умумий оқсил миқдори ҳар бир гуруҳда параллел равишда ортиб боради, ҳомиладорликнинг 21- ва 28- кунда умумий оқсил миқдорининг ортиши организмда темир ва темирни ташувчи оқсилларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиши билан изоҳланади.

Калим сўзлар: ҳомиладорлик, темир, умумий оқсил, динамика, миқдор, муддат.

Abstract. 60 pregnant rabbits were examined in order to determine the main indicators of iron metabolism in the peripheral blood of pregnant rabbits, the dynamics and characteristics of the total protein content at different stages of pregnancy. At different periods of pregnancy, the amount of iron in the peripheral blood of rabbits receiving iron and zinc supplements, under various nutritional conditions and factors affecting its metabolism, has a peculiar dynamic and physiological character, depending on the type of feed, gestational age and stage of fetal development. Purpose: To determine the characteristics of iron metabolism and the dynamics of total protein indicators at different stages of pregnancy, depending on nutrients and terms of pregnancy. Methods: The peripheral blood of 60 pregnant rabbits fed various diets was examined. Of these, 15 received regular food, 15 iron supplements, 15 zinc supplements, and 15 insufficient food. Based on the goals and objectives of the study, the factors involved in the exchange of iron in the peripheral blood of pregnant rabbits at different times (7-14-21-28 days) were studied. For these analyses, blood samples were taken from the ear vein of rabbits. The obtained blood samples were taken into special test tubes and hematological, biochemical, ELISA and IXLA analyzes were performed. Obtained results: According to the data obtained as a result of research, the average amount of total protein in the peripheral blood of rabbits who received normal food on the 7th day of pregnancy is 63.1 ± 1.10 g/l, this figure is 61.9 ± 1.67 g/l, 61.1 ± 1.9 g/l with the introduction of zinc preparations and 62.7 ± 1.28 g/l in rabbits with insufficient feeding. On the 14th day of pregnancy in rabbits, the average amount of total protein in the peripheral blood of rabbits fed normal food is 22.6 ± 1.86 g/l. This indicator increased to 23.4 ± 1.79 g/l with the introduction of iron preparations, 21.4 ± 1.79 g/l with the introduction of zinc preparations and 19.5 ± 1 g/l in rabbits fed a low-nutrient feed, and equal to 78 g/l. By the 21st day of pregnancy, the average amount of total protein in the peripheral blood of rabbits fed normal food is 24.9 ± 1.74 g/l. This indicator increased to 26.3 ± 0.64 g/l when taking iron preparations, up to 24.4 ± 0.79 g/l when taking zinc preparations, up to 24.5 ± 0.0 and equals 88 g/l. By the 28th day of pregnancy, the average amount of total protein in the peripheral blood of rabbits fed normal food is 29.6 ± 1.97 g/l. This indicator increased to 36.4 ± 0.64 g/l when iron supplements were given, to 37.5 ± 1.78 g/l when zinc supplements were given, to 26.9 ± 1 in rabbits that received insufficient feed, equal to 31 g/l. Conclusions. So, the amount of total protein in the peripheral blood on the 7th day of pregnancy decreases on the 14th day of pregnancy, the amount of total protein in the peripheral blood on the 21st and last period increases in parallel in each group, an increase in the amount of total protein on the 21st and 28th days Pregnancy in the body is explained by an increased need for iron and iron-containing proteins. The amount of total protein in the peripheral blood increases on the 7th day of pregnancy when adequate nutrition is provided. In other periods and groups of pregnancy, it decreases by 3 times.

Key words: pregnancy, iron, total protein, dynamics, quantity, term.

Шундай қилиб, кистозли синуситлар билан оғриган беморларнинг реабилитациясида муваффақият ҳар бир беморнинг умумий иммунологик реактивлигининг бошланғич ҳолатига боғлиқ бўлади. Шу туфайли кистозли синуситни комплексли даволашни бошладдан аввал иммунотроп воситаларни қўллашга кўрсатмаларни аниқлаш учун иммунологик текширишни ўтказиш зарур. Бу маҳаллий алергик реакциянинг кўриниши сифатида содир бўлади, унинг асосида бўшлиқ шиллик пардаси томирлари ўтказувчанлигининг суоқликнинг томирлардан тўқималарга ўтишига ва кистасимон бўшлиқ ва полипларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи бузилиши ётади. ЮЖБ шиллик пардасининг шишган гиперплазиялари алергик синуситнинг морфологик ифодаси бўлиб ҳисоблан [2]. Сохта кисталар кўпинча гиперпластик шиллик парда фонида ҳосил

бўлади, кисталардан ташқари яна полиплар ҳам аниқланади. Кўрсатилган муаллиф ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, полиплар организмда ифодаланган алергик реакция кузатилган беморларда аниқланади. Маълумки, ЮЖБ шиллик пардасининг алергик яллиғланишида учта босқич қайд этилади. Биринчи босқич асосан лимфоцит ва эозинофиллардан таркиб топган инфилтрация ҳамда шиллик парданинг қалинлашиши билан тавсифланади. Иккинчи босқич эпителиал қопламнинг қалинлашиши, базал мембрананинг гиалинизацияси ва шиллик парданинг ифодаланган гиперплазияси ҳамда лимфоид ва плазматик хужайралар, эозинофиллар сонининг ошиши билан тавсифланади. Учинчи босқичда – полиплар ва (ёки) кисталар ҳосил бўлиши рўй беради [2]. Сохта кисталарнинг тўқималарида содир бўлувчи патогистологик ўзгаришларга бағишланган маълумотлар таҳлили шу ҳолатни тан олишга асос бўладики, плазматик хужайралар, лимфоцитлар, полинуклеарлар, эозинофиллар, семиз хужайралардан таркиб топган улкан хужайравий инфилтрат билан бирга кузатилувчи шиш; томирлар алергик зарарланишининг турли босқичлари (фибриноидли бўқиш, склероз, некроз) хос морфологик белгилар бўлиб ҳисобланади. Ўхшаш гистоморфологик ўзгаришлар ЮЖБнинг гиперплазияланган шиллик пардасида ҳам аниқланади. Йилдан йилга алергик касалликлар турли мутахассисликдаги шифокорларнинг тобора ошиб борувчи эътиборини ўзига тортмоқда. Алергик касалликлар инсонга икки ярим минг йилдан зиёд маълум бўлишига қарамадан, замонавий дунёда алергопатологиянинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси масалалари билан боғлиқ бўлган муаммолар долзарблигича қолмоқда. Охирги ўн йилликларда алергология муаммоси глобал миқёсдаги тиббий-ижтимоий муаммога айланди [13.16]. Алергияни “цивилизация касаллиги” деб аташади. Ривожланган давлатларда алергиядан азият чекувчилар фоизи (асосан ёш аҳоли орасида) ривожланаётган давлатларга қараганда анчагина юқори. Атроф муҳитнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, ноқулай ижтимоий шароитлар, турли дори воситалари истеъмолининг ошиши, маиший ҳаёт ва ишлаб чиқаришда дезинфекция воситаларининг жадал ишлатилиши, қишлоқ хўжалигида пестицидлар ва гербицидларнинг қўлланилиши, овқатланиш сифатининг ўзгариши, генетик жиҳатдан ўзгарган маҳсулотлардан фойдаланиш, мазкур омилларнинг замонавий одам организмга қўшма таъсири юқори алергик юктамалар учун шароит яратади [17].

Ҳозирги кунда зарарланган ЮЖБга нисбатан учта асосий жарроҳлик ёндашувлари

ишлаб чиқилган: ўрта бурун йўлида антростомани шакллантириш билан қилинадиган унсинатектомия, антростомани шакллантирмасдан туриб қилинадиган унсинатектомия, ЮЖБ нинг олдинги (юз) девори орқали Калдвелл-Люк бўйича кириш билан ҳамда пастки бурун йўли соҳасида бажариладиган антротомия. Замоनावий тиббий технологиялар сурункали синуситни тўқималарни минимал даражада жароҳатлаш билан даволашни амалга оширишга имкон беради. Ҳозирги кунгача юқори жағ бўшлиғида бажариладиган жарроҳлик аралашувлари усулининг танлови Калдвелл-Люк бўйича қилинадиган операциядан тортиб бўшлиқнинг олдинги деворида кичикрок пункцион тешиқни ҳосил қилиш ва фақатгина кистани олиб ташлашдан иборат бўлган “микрогайморотомия” нинг турли усулларига қадар бўлади.

Замоनावий жарроҳлик асбобларини ва видеоназорат тизимларини қўллаб бажариладиган Калдвелл-Люк бўйича гайморотомия қатор инкор этиб бўлмайдиган афзалликларга эга, бу афзалликка бажарилаётган операция вақтининг анчагина қисқаришини киритиш мумкин. Калдвелл-Люк бўйича юқори жағ бўшлиғида бажариладиган операция ёрдамида беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг таҳлили эрта операциядан кейинги даврда юзнинг юмшоқ тўқималарида кузатиладиган реактив ҳолатларнинг катта даражада ифодаланганлигини аниқлади. Адабиёт маълумотлари ва кузатишлар натижалари асосида юқори жағда бажарилган операциядан сўнг кузатиладиган турли бузилишларнинг сабаблари таҳлил қилинди: 1) оғиз даҳлизидидаги шиллиқ пардани кесишда инфраорбитал нерв тармоқлари кесилиши натижасида юқори лаб ва лунж сезувчанлигининг бузилиши (караҳтлик сезгиси); 2) Бўшлиқнинг олд деворида тешиқ ҳосил қилишда нерв алвеоляр чигалининг шикастланиши оқибатида юқори жағда сезувчанликнинг бузилиши ва ундаги тишларни сезиш ҳиссининг йўқолиши; 3) Бўшлиқнинг шиллиқ пардасини кесилдан сўнг чандиқнинг ҳосил бўлиши ва унга чандиқ тўқимасининг ўсиб кириши оқибатида лунжда кузатиладиган тўмтоқ оғрик; 4) Инфраорбитал нервнинг стронгуляцияси натижасида лунжда ўз-ўзидан юзага келадиган оғрик ва лунжни пайпаслаганда кузатиладиган оғриқнинг бўлиши.

Шу туфайли юқори жағ кисталарини жарроҳлик йўли билан даволашда янада авайловчи ва ишончли усулларни ишлаб чиқиш учун уринишларга қўл урилди. Аммо шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда беморларнинг катта қисми ЮЖБда ўтказиладиган операцияни “бурун орқали” бажарилишининг истагини билдиришмоқда. Сурункали гайморитни

жарроҳлик йўли билан даволашнинг ишлаб чиқилган кам инвазивли услублари операциядан кейинги асоратлар ривожланишининг хавфини камайтириш ва беморлар реабилитацияси муддатларини қисқартиришга даъват этилган. Аммо, шунга қарамай, ЮЖБ кисталарини олиб ташлашда қўлланиладиган турли усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда, бу масалага амалиётда ханузгача умумий қабул қилинган ечим топилмади.

Крюков А.І.нинг маълумотларига кўра юқори жағ бўшлиғида киста мавжуд бўлган беморларда оториноларингологлар 28,5% ҳолатда систематомияни ўрта бурун йўли орқали, 68,9% ҳолатда бўшлиқнинг олдинги девори орқали бажаришади, 2,6% ҳолатда эса зарарланган синусга комбинирланган жарроҳлик ёндашувини қўллашади. Албатта, ЮЖБнинг антротомия услубини жарроҳ танлайди. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, ЮЖБнинг ўрта бурун йўли соҳасида остиомеатал комплекснинг тузилмаларини қисман ёки тўлиқ бузилиши билан бажариладиган антростомияси ҳеч қандай илмий асосланган базисга эга эмас, чунки ЮЖБнинг ретенсион кистасида бўшлиқнинг аэрацияси сақланган ва шиллиқ парданинг транспорт функцияси бузилмаган бўлади. Шу туфайли функционал нуктаи назардан, зарарланган синусга жарроҳлик йўли билан кириш пастки бурун йўли соҳасидида антростома орқали амалга оширилиши энг мақбул йўл бўлиб ҳисобланади. Аммо, ҳақиқатдаги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, жарроҳлик аралашувининг мазкур тури амалиётда жуда камдан-кам ҳолатда қўлланилади. Бу қисман бурун-кўз ёш канали (БЕК) чиқиш тешигининг жойлашиши бўйича аниқ синтопик маълумотларнинг йўқлиги билан боғлиқ, у ятроген асоратларга (кўз ёш чиқарувчи йўллариининг турғун стенози) олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, ЮЖБнинг ретенсион кисталарини эндонозал киришни қўллаб жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси кейинги илмий тадқиқотларни амалга оширилишини талаб этади. Кисталарни умумий қабул қилинган даволаш усули бўлиб уларни тўлиқ жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш ҳисобланади. Бироқ, юқори жағ бўшлиқларидаги сохта кисталарни даволашда қарама-қарши фикрлар мавжуд. Сохта кисталарнинг вужудга келишида аллергиянинг ролини ҳисобга олиб, қатор муаллифлар операциядан олдинги ва кейинги даврида десенсибилизацияловчи, умумий қувватловчи ва сўрилтирувчи даво курсини ўтказишни таклиф этишган. Шу билан бирга консерватив усулда шифо топган беморларнинг улуши кўп эмас ва даволаш уларга вақтинчалик

таъсир кўрсатган, холос. Жарроҳлик йўли билан даволашнинг асосий тамойиллари – бу киста ўлчамлари ва клиник симптоматиканинг ифодаланганлигидир. Операцияга мутлок кўрсатма бўлиб фақат ўлчами 1,5 см ёки ундан каттароқ бўлган, ҳаттоки, у табиий йўлни ёпиб қўймаса-да солитар кистанинг мавжудлиги, шунингдек, ифодаланган клиник симптоматиканинг бўлиши (бош оғриғи, бурундан нафас олишнинг қийинлашуви) ҳисобланади. Ўлчами жиҳатидан кичик бўлган кисталарда ва аниқ бир симптоматика кузатилмаган ҳолатларда даволаш талаб этилмайди, бунда фақатгина динамик кузатув мақсадга мувофиқ бўлади. Киста туфайли бурун ён бўшлиқларида ўтказиладиган жарроҳлик аралашувларининг радикаллик даражаси ҳақидаги масала кўпгина ўн йилликлар мобайнида мунозарага учрамоқда. Калдвелл-Люк бўйича бажариладиган радикал операциянинг катта камчилиги бўлиб юқори жағ бўшлиғининг олдинги ва медиал деворлари соҳасида катта суяк нуқсонларининг ҳосил бўлиши ҳисобланади. Бўшлиқнинг анатомик тузилиши бузилади, чунки юмшоқ тўқималар деворнинг операциядан кейинги тешигига ўсиб қиради, бу эса унинг тўлиқ ёки қисман облитерацияси оқибатида функцияси бузилишига олиб келади.

Жарроҳлик аралашувларининг авайловчи усуллари экстра – ва эндонозал усулларга бўлинади. Жарроҳлик аралашувларининг авайловчи экстраназал усуллари кичикрок трепанацион тешикни ҳосил қилиш ва соғлом шиллиқ пардани сақлашни таклиф этувчи вариантларни, шунингдек, остеопластик усулларни киритиш мумкин. Остеопластик усулларнинг моҳияти юқори жағ бўшлиғининг олдинги деворидаги тешикни ёпувчи суякли қийқим ёки имплантатнинг турли модификацияларини яратишдан иборат. Юқори жағ бўшлиғини пастки бурун йўли орқали эндонозал очиш бўшлиқни очиш, таркибини аспирация қилиб олиш ва кистани тўлиқ олиб ташлашга имкон берувчи аспирацион систематомия ёрдамида амалга оширилади. Пастки бурун йўли орқали бажариладиган аралашувни унинг деворидан ҳаракатчан суяк-шилликли қийқимни шакллантириб амалга ошириш мумкин.

Юқори жағ бўшлиғининг кисталарида соғайиш учун ҳаттоки киста деворини қисман олиб ташлашнинг ўзи етарли, деган фикр мавжуд. Пастки бурун йўли орқали кистани махсус асбоб - кистотом билан емириш мумкин, бунда унинг таркиби оқиб чиқади. Эндоскопик риножарроҳликнинг ривожланиши юқори жағ бўшлиғидаги кисталарни авайлаброқ олиб ташлаш имконини беради. Кистани троакар гилзаси ичидан олиб ташлашнинг камчилиги

шундаки, барча муолажалар троакар гилзаси орқали амалга оширилади [4,5].

Кистани табиий йўл тешиги орқали 30о ёки 70о эндоскопнинг назорати остида олиб ташлаш усули ҳам мавжуд. Бунда юқори жағ бўшлиғининг табиий йўл тешиги катта ўлчамга (10 ммга 8 мм) кенгайтирилади. Шундай қилиб, бўшлиқнинг медиал деворида эндоскоп назорати остида кистанинг пардасини олиб ташлаш учун етарли бўлган тешик ҳосил бўлади. Кистани олиб ташлашнинг кейинги усули – комбинирланган усул. Юқори жағ бўшлиғининг олдинги деворида троакар билан нуқтали белги қилиниб, жарроҳ муолажаларни бўшлиққа табиий тешик орқали киритилган эгилган қисқичлар билан эндоскопик назоратни амалга ошириш имкониятига эга бўлади [1].

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, юқори жағ бўшлиғининг орқа пастки, юқори ва латерал деворларида жойлашган кисталарини олиб ташлашда эндонозал йўл билан кириш ўз тасдиғини топди. Олдинги ва медиал деворларда, шунингдек алвеоляр кўрфазда жойлашган кисталарда эндонозал йўл билан кириш кистани фақатгина 50% ҳолатларда олиб ташлаш имконини беради. Бу ҳолатларда диаметри 4-6 мм бўлган юмалоқ тешик ҳосил қилиш билан юқори жағ бўшлиғини олдинги девори орқали авайлаб очиш тўғри йўл бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори жағ бўшлиғи кисталарини эндоскопик олиб ташлаш мазкур касалликни жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарали ва мақбул усули бўлиб ҳисобланади, у киста пардасини тўлиқ олиб ташлашга, бўшлиқнинг ўзгармаган шиллиқ пардасига жароҳат етказмасликка, бўшлиқ шиллиқ пардаси ва тешигининг ҳолатига тўғри баҳо беришга имкон беради. Атроф тўқималарнинг минимал жароҳати фақатгина қисқа вақтли реактив ҳолатларга олиб келади, улар анъанавий операциядан кейинги даврга қараганда анчагина тезроқ йўқолади. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг бурун ён бўшлиқлари кисталарининг қайталаниши кўпгина ҳолларда даволаш усулини танлашда бўлган бир томонлама ёндашув билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Аллахвердиев С. А., Лопатин А. С., Кочетков П. А. Синдром " молчашего" синуса: обзор литературы и описание двух клинических наблюдений //Вестник оториноларингологии. – 2010. – №. 6. – С. 81-84.
2. Гаджимирзаев Г. А., Абдулаева С. Н., Гаджимирзаева Р. Г. О ложных кистах околоносовых пазух (обзор литературы) //Российская оториноларингология. – 2012. – №. 4. – С. 132-141.

3. Иванченко О.А. и др. Микробиом гайморовой пазухи и среднего носового хода при хроническом риносинусите //Ринология. – 2016. – Т. 54. – №. 1. – С. 68-74
4. Крюков А. И. и др. Анализ хирургических доступов при удалении кист верхнечелюстной пазухи //Российская ринология. – 2016. – Т. 24. – №. 3. – С. 3-5.
5. Крюков А. И. и др. Анатомические и гистологические особенности состояния структур остиомеатального комплекса у больных с кистозным поражением верхнечелюстной пазухи //Российская оториноларингология. – 2016. – №. 2 (81). – С. 60-65.
6. Насретдинова М., Хайитов А. Определение микробиологического состава у больных с хроническим кистозным поражением гайморовых пазух //Журнал стоматологии и краниофатсиальных исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 34-37.
7. Насретдинова М., Хайитов А. Наша тактика при хирургическом лечении кистозных поражений гайморовых пазух //Журнал вестник врача. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 72-75.
8. Насретдинова М. Т., и др. Состояние микробиоты у пациентов с кистозным поражением верхнечелюстных синусов //Оториноларингология. Восточная Европа. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 169-174.
9. Насретдинова М. Т., Хайитов А. А. Совершенствование хирургических методов лечения хронического кистозного гайморита //ББК 57. – 2020. – С. 134.
10. Ризаев Ж. А. и др. Анализ активных механизмов модуляции кровотока микроциркуляторного русла у больных с пародонтитами на фоне ишемической болезни сердца, осложненной хронической сердечной недостаточностью //Вісник проблем біології і медицини. – 2019. – №. 4 (1). – С. 338-342.
11. Ризаев Ж. А., Нурмаматова К. Ч., Тухтаров Б. Э. Организация лечебно-профилактической помощи при аллергических заболеваниях у детей //ББК. – Т. 51. – С. 113.
12. Moon IJ, Kim SW, Han DH, Shin JM, Rhee CS, Lee CH, et al. Mucosal cysts in the paranasal sinuses: long-term follow-up and clinical implications. *Am J Rhinol Allergy*. 2011 Mar-Apr;25(2):98–102.
13. Orlandi R.R., Kingdom T.T., Hwang P.H., Smith T.L., Alt J.A., Baroody F.M., Batra P.S., Bernal-Sprekelsen M., Bhattacharyya N., Chandra R.K., et al. International consensus statement on allergy and rhinology: Rhinosinusitis. *Int. Forum Allergy Rhinol*. 2016;6:S22–S209. doi: 10.1002/alar.21695.
14. Moon IJ, Lee JE, Kim ST, Han DH, Rhee CS, Lee CH, et al. Characteristics and risk factors of mucosal cysts in the paranasal sinuses. *Rhinology*. 2011 Aug;49(3):309–314.
15. Casserly P., Harrison M., O'Connell O., O'Donovan N., Plant B.J., O'Sullivan P. Nasal endoscopy and paranasal sinus computerised tomography (CT) findings in an Irish cystic fibrosis adult patient group. *Eur. Arch. Oto-Rhino-Laryngol*. 2015;272:3353–3359.
16. Hong S. L., Cho K. S., Roh H. J. Maxillary sinus retention cysts protruding into the inferior meatus //Clinical and Experimental Otorhinolaryngology. – 2014. – Т. 7. – №. 3. – С. 226-228.
17. Mattos R. G. et al. Mucous retention cyst in maxillary sinus with expansion of maxillary tuberosity: Case report //Journal of Oral Diagnosis. – 2018. – Т. 3. – №. 1. – С. 1-7.
18. Piskunov G. Z., Piskunov S. Z. Freedom to the nasal breathing //Russian rhinology. – 2010. – Т. 4. – С. 34-45.

СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ КИСТ ВЕРХНЕЧЕЛЮСТНОГО СИНУСА

Насретдинова М.Т., Хайитов А.А.

Резюме. Кисты верхнечелюстного синуса отличаются тем, что они часто встречающаяся форма хронического синусита. С клинической точки зрения кисты проявляются бессимптомно и в 80% случаев являются находкой при рентгенологическом исследовании. Происхождение кист обычно связано с хроническим воспалительным процессом. Они образуются в результате экссудации секреторных желез вследствие воспаления слизистой оболочки. Приведенные в литературе результаты клинико-лабораторного и иммунологического обследования больных с кистозным поражением верхней челюсти свидетельствуют об общем механизме патогенеза заболевания и вовлечении клеточного иммунитета на уровне слизистой оболочки полости носа, а также иммунопатологические механизмы, проявляющиеся бактериальной сенсибилизацией. Основная жалоба больных с кистами верхнечелюстных синусов – возникающая периодически тупая головная боль, которая наблюдается в области лба или на той стороне гайморовой пазухи, где преимущественно располагается киста. В очень редких случаях больные жалуются на боли в шее, голове, висках, ощущение тяжести в голове. Современные медицинские технологии позволяют лечить хронический синусит с минимальным повреждением тканей. Таким образом, эндоскопическое удаление кисты полости верхней челюсти является эффективным и приемлемым методом хирургического лечения этого заболевания, который предполагает полное удаление оболочки кисты, не травмируя слизистой оболочки полости, позволяет правильно оценить состояние слизистой оболочки и соустья синуса.

Ключевые слова: Верхнечелюстной синус, синусит, эндоскопия, киста, троакары.

ДАУН СИНДРОМИ ЁХУД “ҚУЁШ БОЛАЛАРИ” БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА МОСЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



Пулатова Зарина Алиевна
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий тиббиёт академияси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

МЕРЫ РАННЕГО ВЫЯВЛЕНИЯ И АДАПТАЦИИ К СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ С СИНДРОМОМ ДАУНА ИЛИ «СОЛНЕЧНЫХ ДЕТЕЙ»

Пулатова Зарина Алиевна
Военно-медицинская академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан,
Республика Узбекистан, г. Ташкент

MEASURES FOR EARLY DETECTION AND ADAPTATION TO SOCIAL LIFE OF CHILDREN WITH DOWN SYNDROME OR “SUN CHILDREN”

Pulatova Zarina Aliyeva
Military Medical Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan,
Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: info@tma.uz

Резюме. Даун синдроми бўлган болалар - “қуёш болалари” дир. Даун синдроми-21 жуфт хромосома (трисомия)ларга қизиқишнинг ортиши, унинг аниқ частотаси, клиник белгиларнинг аниқланиши, шунингдек, бошқа хромосома синдромларига нисбатан яшовчанлиги ва шу билан эрта таъхис қўйиши имконияти билан изоҳланади. Улар ўзларининг табиати, характери, меҳрибонлиги, доимий хушчақчақлиги билан ажралиб турадиган қувноқ болалардир. Айнан бу синдром бугунги кундаги хромосома касалликлари ичидаги ажралиб турадиган синдром ҳисобланади.

Калит сўзлар: Даун синдроми, хромосома, трисомия, ген, патология, транслокация, кариотип.

Abstract. Children with Down syndrome are children of the sun. Down's syndrome - 21 pairs of chromosomes (trisomy) is explained by the increased interest, its clear frequency, the identification of clinical signs, as well as its viability compared to other chromosomal syndromes, and thus the possibility of early diagnosis. They are their own nature character. They are cheerful children who are distinguished by their kindness and constant cheerfulness. It is this syndrome that stands out among chromosomal disorders today.

Keywords: Down syndrome, chromosome, trisomy, gene, pathology, translocation, karyotype.

Даун синдроми (21-хромосома трисомияси) - геном патологияларнинг бир шакли бўлиб, унда кариотип кўпинча нормал 46 ўрнига 47 хромосома билан ифодаланади, чунки 21-жуфт хромосомалар нормал иккита ўрнига уч нусхада бўлади. Мазкур синдромнинг яна иккита шакли мавжуд:

- 21-хромосоманинг бошқа хромосомаларга транслокацияси (кўпинча - 15, камроқ ҳолларда - 14, ундан ҳам камроқ ҳолларда - 21, 22 ва Y-хромосомага) - 4%;

- Синдромнинг мозаик варианты - 5%.

Ушбу синдром 1866-йилда уни биринчи марта тасвирлаб берган инглиз шифокори Жон

Даун номи билан аталган. Туғма синдромнинг келиб чиқиши ва хромосомалар сонининг ўзгариши орасидаги боғлиқлик фақатгина 1959-йилга келиб француз генетики Жером Лежен томонидан аниқланган. Халқаро Даун синдромига чалинган одам куни биринчи марта 2006-йил 21-март куни Женева университетидан юнон генетики Стилианос Антонаракиса ташаббуси билан нишонланди. Кун ва ой жуфтлик рақами ва хромосомалар сонига қараб танланган.

Инглиз доктори Жон Лангдон Даун 1862-йилда руҳий касалликнинг бир шакли сифатида тавсифланган ва кейинчалик унинг номи билан аталган синдромни таърифлаб берган биринчи

одам эди. Ушбу тушунча 1866-йилда мазкур мавзу бўйича чоп этилган ҳисобот эълон қилинганидан кейин кенг тарқалди. Эпикантус туфайли Даун монголоидлар атамасини ишлатган (синдром эса «монголизм» деб номланган). Даун синдроми тушунчаси 1970-йилларга қадар ирқчиликка жуда боғлиқ эди.

Бордо университетидан Мете Риволла Шалон-сюр-Соньда черков яқинидаги некрополда тахминан 1500 йил муқаддам яшаган ва Даун синдроми учун характерли белгилари бўлган бола қолдиқларини аниқлади, бу ушбу синдромнинг энг қадимий аниқланган ҳолати эди. Метъе ушбу боланинг дафн маросими бошқаларникидан фарқ қилмаслигини, яъни ушбу синдромдан азиат чеккан одамлар ижтимоий табақаланмаганлигини билдирган.

XX асрда Даун синдроми етарлича кенг тарқалган ташхисга айланди. Даун синдроми бўлган одамлар кўп қайд этилган, аммо аломатларнинг фақат бир қисмини тўхтатиш мумкин эди. Даун синдроми билан касалланган одамларнинг кўпчилиги чақалоқлик ёки болалик даврида вафот этган.

Евгеник ҳаракат бошланганидан сўнг американинг 48 ва 33 штатларида ва бошқа бир қатор давлатларда Даун синдроми ва шунга тенг даражадаги ногиронлиги бўлган шахслар устидан мажбурий стерилизация дастури бошланди. Бу шунингдек фашистик Германиядаги Т-4 ўлдириш дастурининг бир қисми эди. Суд муаммолари, илмий ютуқлар ва оммавий норозиликлар иккинчи жаҳон урушидан кеуин ўн йиллар ичида бундай дастурлар бекор қилинишига олиб келди.

XX асрнинг ўрталаригача Даун синдроми сабаблари номаълумлигича қоларди, аммо ушбу синдром ва она ёши ўртасидаги боғлиқлик ва синдромга барча ирқ вакиллари тенг эҳтимоллик билан чалиниши мумкинлиги фанга маълум эди. Ўша даврларда синдром генетик ва наслий омилларнинг комбинацияси туфайли келиб чиқади деган назария ҳукм сурарди. Бошқа назариялар эса синдром туғруқ вақтида жароҳатланиш туфайли ривожланиши деган тушунчани илгари сурган.

1950-йилларда кариотипни ўрганишга имкон берувчи технологияларнинг кашф этилиши билан хромосома аномалиялари, уларнинг сони ва шаклини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. 1959-йилда Жером Лежен Даун синдроми 21-хромосома трисомияси туфайли юзага келишини аниқлади.

1961-йилда, ўн саккизта генетиклар «The Lancet» муҳарририга *Мўғулча идиотизм «конноматсияни чалғитиши»* ва бу «*ноқулай амама*» ва у ўзгартирилиши кераклиги баён этилган нома юборишди. «The Lancet» Даун синдроми номини маъқуллади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) мўғул делегатлари мурожаат

тидан кейин 1965-йилда расман «монголизм» номини бекор қилди.

1975-йилда АҚШ Миллий соғлиқни сақлаш институти номенклатурани стандартлаштириш бўйича конференция ўтказди. Улар нотўғри аталишни бекор қилишни тавсия қилдилар. Бунинг сабаби синдромнинг кашфиётчиси бу касалликдан азиат чекмаганлиги эди.

Шунга қарамай, Даун синдроми номи ҳали ҳам барча мамлакатларда ишлатилади.

Даун синдроми камдан-кам учрайдиган патология эмас - у ўртача 700 та туғилишдан битта ҳолатда кузатилади. Ҳозирги вақтда пренатал ташхис туфайли, Даун синдроми бўлган болалар туғилишининг частотаси ҳар 1100 ҳолатдан 1 тагача камайган, чунки ҳомила касаллиги ҳақида хабар топгач, абортга мурожаат қилинади. Ҳар икки жинсдаги ҳомилада ҳам аномалия учраши эҳтимоли бир хил бўлади.

Даун синдроми юзага келиши эҳтимолининг она ёшига боғлиқлигини кўрсатувчи график Даун синдроми билан туғиладиган болалар сони ҳар 800 ёки 1000 чақалоқ учун 1 тани ташкил этади. 2006-йилда касалликларни назорат қилиш ва профилактика маркази буни Қўшма Штатларда 733 та тирик туғилиш учун битта ҳолат деб баҳолади (йилига 5 422 янги ҳолат). Уларнинг 95%га яқини 21-хромосома трисомиясидир. Даун синдроми барча этник гуруҳларда ва барча иқтисодий табақаларда учраши мумкин.

Онанинг ёши Даун синдроми бўлган болага ҳомиладор бўлиш эҳтимолига таъсир қилади:

- Агар оналар 20 дан 24 ёшгача бўлса, бу эҳтимоллик 1562 га 1;
- 30 ёшгача бўлса - 1000 га 1;
- 35 ёшдан 39 ёшгача - 214 га 1;
- 45 ёшдан ошганда, эса эҳтимол 19 га 1 нисбатида бўлади.

Эҳтимоллик онанинг ёши ўтгани сайин ошишига қарамай, ушбу синдромли болаларнинг 80 фоизи 35 ёшгача бўлган аёлларда туғилади. Бу ҳолат мазкур ёш гуруҳида умумий туғилишнинг юқорилиги билан боғлиқ. Охириги маълумотларга кўра, отанинг ёши, айниқса, у 42 ёшдан ошган бўлса ҳам болада синдром ривожланиши хавфини оширади.

2008-йилги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Даун синдроми шунингдек жинсий хужайра шаклланиши ва / ёки ҳомиладорлик жараёнида тасодиқий ходисаларга ҳам боғлиқ. Отаналарнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳит омиллари бунга таъсир қилмайди.

1987-йил январ ойида Даун синдроми қайд этилиши ноодатий тарзда кўпайиб кетди, аммо кейинчалик бундай тенденциялар кузатилмади. Даун синдроми шахс кариотипи 21-жуфтликда иккита хромосома ўрнига учтани кўриш мумкин.

Кўшимча нусха мавжудлиги оқибати кўшимча генетик материаллар миқдори, генетик муҳит ва оддий тасодифга боғлиқ. Даун синдроми ҳам одамларда, ҳам бошқа жонзотларда учрайди (масалан бу синдром маймун ва сичқонларда аниқланган). Нормал инсон кариотиби 46 хромосомадан иборат ва эркаклар учун 46XY, аёллар учун 46XX деб белгиланади, Даун синдроми бўлганларда эса кариотип 47 та хромосомадан иборат бўлади.

Трисомия - нормал жуфт ўрнига уч гомологик хромосомаларнинг мавжудлиги. Бу ҳолат меёз пайтида хромосомаларнинг ажралмаслигидан келиб чиқади, натижада 24 хромосомали гамета ҳосил бўлади. Қарама-қарши жинс вакилининг нормал гаметаси билан бирлашганда, зигота 47 та хромосомали бўлиб қолади. 21-хромосома трисомияси 95% ҳолатларда Даун синдромига сабаб бўлади, бунда 88% онанинг, 8% ҳолатда эса ота гаметасининг ажралмаслиги рол ўйнайди. Трисомия, одатда, ота-она хужайраларининг (гаметаларининг) ҳосил бўлишида хромосомаларнинг ажралмаслиги туфайли келиб чиқади, бу ҳолда бола организмнинг барча хужайраларида аномалия бўлади.

Мозаицизмда эса ажралмаслик ҳомила хужайрасида унинг ривожланишининг эрта босқичларида содир бўлади, натижада кариотипнинг бузилиши фақатгина баъзи тўқима ва аъзоларга таъсир қилади. Даун синдроми ривожланишининг бу вариантга «мозаик Даун синдроми» деб ном берилган (46, XX/47, XX, 21). Ушбу синдромнинг шакли, одатда енгилроқ бўлади (ўзгарган тўқималарнинг миқдори ва организмда жойлашувига боғлиқ), аммо уни пренатал ташхислаш анча қийин ҳисобланади. Бундай тип бўйича синдром 1-2% ҳолатларда қайд қилинади.

Даун синдромини келтириб чиқарадиган 21-хромосомада кўшимча материаллар ота-онанинг бири кариотибида Робертсон транслокацияси борлиги сабабли пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолатда 21-хромосоманинг узун елкаси бошқа хромосомаларнинг елкасига (кўпинча 14-чи [45, XX, der (14; 21) (q10; q10)]) бирикади.

Репродукция пайтида нормал меёз 21-хромосоманинг трисомияси ва Даун синдроми бўлган боланинг туғилиши эҳтимolini оширади. Даун синдроми билан транслокация одатда «оилавий Даун синдроми» деб аталади. Ушбу шакл онанинг ёшига боғлиқ эмас. Бундай синдромнинг тури барча ҳолатларнинг 2-3% ини ташкил этади.

Жуда камдан-кам ҳолларда 21-хромосома қисмлари хромосомал қайта тузилиш натижасида икки баробарга кўпайиши мумкин. Бу ҳолда 21-хромосоманинг бутун қисми эмас, балки баъзи генларининг нусхалари ҳосил бўлади. Агар Даун синдромининг жисмоний ва руҳий намоён бўлишини келтириб чиқарадиган қисмлар нусха-

ланса, бола ушбу синдром билан туғилади. Бундай хромосомаларнинг қайта тузилиши жуда камдан-кам учрайди ва бу ҳодисанинг кузатилиши сони баҳоланмаган.

Ҳомилдорликнинг дастлабки 3 ойлигида уч қаррали комбинатив тест ўтказилади. Ҳомилдорликнинг 11-14 ҳафталиги даврида ҳомилдор аёл тиббий муассасага йўналтирилади, у боланинг ривожланиш касалликлари бўйича кенг кўламли пренатал (туғруқдан олдинги) диагностика текширувлардан ўтади.

Хавфни ҳисоблаш аёлнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда учта кўрсаткич бўйича амалга оширилади:

- Ҳомилдорлик билан боғлиқ плазма оксиланинг миқдори А (pregnancy associated plasma protein-A, RARR-A);
- Одам хорионик гонадотропинининг эркин β-кичик бирлиги (β-OXG);
- Ултратовуш текширув белгилари (бўйин бўшлиғидаги суюқлик ҳажмининг ошиши, бурун суяқларининг калталиги, кичик болдир суяқларининг калталиги, мия тузилмасидаги ўзгаришлар ва бошқалар).

Юқорида санаб ўтилган усуллар аниқ ташхис қўйишга имкон бермайди ва бажарилган текширув натижасида ҳомилдор аёлларнинг Даун синдроми бўлган ҳомиллага эга бўлиш эҳтимolini баҳоланади.

Иккинчи босқичда, хавф гуруҳига кирган аёллар ҳомиласида Даун синдромини аниқ тахлил қилиш учун зарур бўлган ҳомилалик материални олиш учун инвазив муолажа ўтказилади. Ҳомилдорликнинг давомийлигига қараб, бу материал хорионик киприклар биопсияси (8-12 ҳафта), амниоцентез (14-18 ҳафта) ёки кордоцентез (кейинги даврларда) бўлиши мумкин. Ҳомиладан олинган тўқима намуналарида хромосома тўплами аниқланди.

Ҳомилдорликнинг 16-18 ҳафталигида аёл қонинининг биокимёвий тахлили ўтказилади, унда қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланади:

- α-фетопропротеин (alfa-FP) миқдори;
- Одам хорионик гормони (beta-OXG) β-кичик бирлигининг миқдори;
- Эркин эстриол миқдори.

Ҳомилдорликнинг 18-21 ҳафталик даврида ҳомилдор аёлга кеч намоён бўладиган ҳомиланинг туғма аномалияларини истисно этиш учун пренатал ташхисни ўтказадиган тиббий муассасага ултратовуш текширувдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Учинчи триместрда, ҳомилдорликнинг 30-34 ҳафтасида ҳомилдор аёл ўзи кузатувда бўлган муассасада ултратовуш текширувидан ўтказилади.

Одатда туғруқдан кейинги ташхисда, Даун синдромига қуйидаги ташқи белгилар ҳамроҳлик

килади («Daunsayd Ар» брошюрасидан олинган маълумотлар бўйича):

- «Ясси юз» - 90%
- Брахицефалия (калла суягининг аномал калталиги) - 81%
- Янги туғилган чақалоқлар бўйнидаги терининг қатламлилиги - 81%
- Эпикантус (кўз ёригининг медиал бурчагини қопловчи вертикал тери қатлами) - 80%
- Бўғимларнинг гиперхаракатчанлиги - 80%
- Мушакларнинг гипотонияси - 80%
- Энсанинг яссилиги - 78%
- Кўл-оёқларнинг калталиги - 70%
- Брахимезофалангия (ўрта фалангаларнинг кам ривожланганлиги сабабли бармоқларнинг калталиги) - 70%
- 8 ёшдан кейин катаракта ривожланиши - 66%
- Оғизнинг очқлиги (мускул тонусининг пастлиги ва танглайнинг махсус тузилиши туфайли) - 65%
- Тиш аномалиялари - 65%
- 5-бармоқ клинодактилияси (қийшик жимжималоқ) - 60%
- Аркасимон танглай - 58%
- Бурун қаншарининг яссилиги - 52%
- Бурушган тили - 50%
- Кўндаланг кафт қатлами - 45%
- Калта кенг бўйин - 45%
- Туғма юрак нуқсонлари - 40%
- Калта бурун - 40%
- Стабилизм (ғилайлик) - 29%
- Кўкрак қафасининг деформацияси - 27%
- Рангдор парданинг четларида доғлар - 19%
- Эписиндром - 8%
- Ўн икки бармоқли ичакнинг стенози ёки атрезияси - 8%
- Туғма лейкоз (оқ қон касаллиги) - 8%.

2002-йилда Буюк Британия ва Европада «Даун синдроми» ташхиси бўлган ҳомилали ҳомилдорликларнинг 91-93 фоизи сунъий равишда тугатилган. 1989-йилдан 2006-йилгача Даун синдроми пренатал ташхисидан кейин ҳомилдорликни тугатишга қарор қилган аёлларнинг улуши тахминан 92% бўлганлиги маълум. Баъзи шифокорлар ва етакчилар буларнинг ахлоқий оқибатларидан хавотирда.

Даун синдроми ассоциациясининг раҳбари Клер Реунер, бундай синдром билан боланинг туғилишига ишонч комил бўлганда оналар ҳомилдорликни тўхтатиш қарорини қабул қилиши кераклиги ҳақида гапиради: Афсуски, бундай ногирон кишиларни парваришлаш инсоннинг саъй-ҳаракати, раҳм-шафқати, энергияси ва бошқа ресурслари, шу жумладан, иқтисодиёт жиҳатдан жуда қимматга тушади. Болалари бўлмаган одамлар, даставвал

бошқаларга бундай юкни юклашга ҳақли эканликларини ўйлашлари керак, ҳатто уларнинг ўзлари бу юкнинг бир қисмини кўтаришга қарор қилишса ҳам.

Даун синдроми даволаб бўлмайди, бироқ беморларга ижтимоий ва бошқа кўникмаларни орттиришга ёрдам берадиган кўплаб услублар мавжуд. Аммо олимлар медицина тоза воситаларни ўрганишни четга суриб қўйишмаган. Бундау воситаларнинг энг сўнгиларига мисол қилиб кўк чойда мавжуд бўлган эпигаллокатехин галлат моддасидир.

Беморлардаги когнитив бузилишлар DYRK1A гени ишлаб чиқарадиган маҳсулот билан боғлиқ деб ҳисобланади. Юқоридаги модда эса сичқонларда ўтказилган тажрибада мазкур геннинг экспрессиясига олиб келиб, хотира ва ўрганишни яхшилашни кўрсатди. Лекин бундай тажрибаларнинг ёрдам бериши исботланмаган.



Даун синдроми бўлган америкалик актёр Крис Буерк

Зехн ва нутқ ривожланиши кечикишининг намоён бўлиш даражаси ҳам туғма омилларга, ҳам бола билан шуғулланишга боғлиқ. Даун синдроми бўлган шахсларда одатда аклий заифлик жиддий даражада бўлади: 5% ҳолларда - дебиллик, 75% ҳолларда - имбециллик, 20% ҳолларда эса идиотия.

Даун синдроми бўлган болалар (идиоитияли шахслар бундан мустасно) ўрганувчандир. Уларнинг ривожланиши ва ҳис-туйғуларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган махсус услублар билан ўқитиш одатда яхши натижаларга олиб келади.

Кўшимча хромосомаларнинг мавжудлиги бир қатор физиологик хусусиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бунинг натижасида бола секинроқ ривожланади ва унинг тенгдошлари ва барча болалар учун хос бўлган умумий ривожланиш босқичларидан биров кечроқ ўтади. Боланинг

ўрганиши қийинлашади, аммо Даун синдроми бўлган болаларнинг кўпчилиги юриш, гапириш, ўқиш, ёзиш ва бошқа болаларнинг қўлидан келадиган кўп нарсаларини қилишни ўрганиши мумкин - «Daunsayd Ap» фонди материаллари

Бугунги кунда Даун синдроми бўлган шахсларнинг умр кўриш давомийлиги узайган бўлиб, бу муддат 50 йилдан ошади. Ушбу синдромга эга бўлган кўп одамлар турмуш курадилар. Эркакларда чекланган миқдордаги сперматозоидлар бўлади, Даун синдроми бўлган эркакларнинг кўпчилиги бепуштдир. Аёлларда мунтазам ҳайз цикли кузатилади. Даун синдроми бўлган аёлларнинг камида 50% фарзандли бўлишлари мумкин. Ушбу синдромга чалинган оналардан туғилган болаларнинг 35-50% да Даун синдроми ёки бошқа ногиронлик аниқланади.

Даун синдроми бўлган беморларда саратон ўсмаси камроқ учраши ҳақида маълумотлар мавжуд. Бироқ, бундай кишилар кардиологик касалликлар (одатда туғма юрак нуқсонлари), Алцгеймер касаллиги ва ўткир миелоид лейкозларга чалиниши эҳтимоли кўпроқ. Мазкур синдромли одамларнинг иммунитетини заиф бўлади, шунинг учун болалар (айниқса, эрта ёшда) кўпинча пневмонияга чалинади, улар болаларда учрайдиган инфекцияларни қийин бошдан ўтказди, тез-тез ошқозон бузилиши қайд қилинади.

Турли ҳолларда Даун синдроми бўлган болаларнинг когнитив ривожланиши сезиларли даражада фарқ қилади. Ҳозирги кунда туғилишдан олдин боланинг ўзлаштириши ва жисмоний ривожланиши қанчалик яхши бўлишини олдиндан аниқлаб бўлмайди. Оптимал усулларни аниқлаш эрта аралашув ёрдамида туғилгандан кейин амалга оширилади.

Ҳар бир бола кенг имкониятларга эга эканлиги боис, мактабда уларнинг стандартлаштирилган таълим дастуридаги муваффақиятлари сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Даун синдроми бўлган болаларда мавжуд бўлган ўзлаштириш муаммолари соғлом бўлаларда бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун ота-оналар фарзандларини оддий мактабларга беришга ҳаракат қилишса бўлади.

Кўп ҳолларда болалар нутқ билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Сўзни англаш ва унинг талаффуз этиш орасида маълум бир кечикиш кузатилади. Шунинг учун, ота-оналар болани логопедга олиб бориши тавсия этилади.

Нозик ҳаракат қобилиятлари ривожланишда кечикади ва бошқа ҳаракат қобилиятларидан сезиларли даражада ортда қолади. Баъзи болалар икки ёшдан бошлаб, баъзилари эса 4 ёшлигида юришни бошлашлари мумкин. Одатда ушбу жараёни тезлаштириш учун физиотерапия буюрилади.

Кўпинча нутқ ва коммуникатив кўникмаларнинг ривожланиш тезлиги кечикади ва бу эшитиш муаммоларини аниқлашга ёрдам беради. Агар улар мавжуд бўлса, бу эрта аралашув ёки эшитиш асбоблари белгилаш орқали тузатилади.

Даун синдроми бўлган болалар мактабда одатда махсус синфларга бўлинади. Бунинг сабаби уларда ўрганиш қобилиятининг пастлиги ва тенгдошларидан ортда қолиш эҳтимоли.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ва психологик ёрдам бериш ва оиладаги инсонларни, асосийси онанинг фарзандига ғамхўрлиги уларнинг узоқ умр кўришида муҳим аҳамият касб этади. Даун синдроми бўлган одамларнинг ўртача умр давомийлиги стандарт хромосома тўплами бўлган одамларнинг ўртача умр давомийлигидан камлиги уларнинг юқори касалланувчанлиги билан тушунтирилади. 2002-йилда Қўшма Штатларда ўтказилган бир тадқиқот, Даун синдроми бўлган одамларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 49 йил эканлигини кўрсатди.

Бироқ, ҳозирги кундаги ҳаёт давомийлиги 1980-йилларда 25 йилга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Вақт ўтиши билан ўлим сабаблари ҳам ўзгарган, сурункали нейродегенератив касалликлар аҳоли ёшига нисбатан кенг тарқалган. 40-50 ёшда ушбу синдроми бўлган одамларнинг аксарияти Алцгеймер касаллиги - деменциядан азият чекади.

Адабиётлар:

1. Абашева, Г.К. Свободные аминокислоты плазмы крови и головного мозга у детей с синдромом Дауна Текст. / Г.К. Абашева // Журнал невропатологии и психиатрии им. Корсакова. - 1981. - т.81. - вып.7. С. 1068-1070.
2. Аламанова, А.Б. Состояние полости носа и придаточных пазух у детей и подростков с болезнью Дауна Текст. / А.Б. Аламанова // Вестник оториноларингологии. - 1973. - № 2. - С 69.
3. Антонова, ЖИ.Т. О проблеме оценки состояния здоровья детей и подростков в практических исследованиях Текст. / ЖИ.Т. Антонова, Г.Н. Сердюковская // Гигиена и санитария. - 1998. - № 6. - С. 95.
4. Баранов, Б.С. Экологические и генетические причины нарушения репродуктивного здоровья и их профилактика Текст. / Б.С. Баранов, Э.К. Ауламазян // Журнал акушерства и женских болезней. - 2007. - Т. ЛВИ, вып. 1. -1. С. 3-10.
5. Барашнев, Ю.И. Диагностика и лечение врожденных и наследственных у детей (путеводитель по клинической генетике) Текст. / Ю.И. Барашнев, В.А. Бахарев, П.В. Новиков. - М.: «Триада-Х», 2004. - 560 с.

6. Белякова, Т.К. Клиническая характеристика мозаичного варианта болезни Дауна Текст. / Т.К. Белякова, В.И. Гаврилова // Журнал невропатологии и психиатрии имени С.С. Корсакова. - 1975. - Т. 75, вып. 10. - С. 15431547.
7. Боднянская, Х.Х. Катамнестические наблюдения больных с синдромом Дауна Текст. / Х.Х. Боднянская, Т.Н. Чугунова // Журнал невропатологии и психиатрии имени С.С. Корсакова - 1982. - Т. 82, вып. 10. - С. 117.
8. Генный полиморфизм у пациентов с синдромом Дауна Текст. / Н.С. Кузьмина [и др.] // Журнал неврологии и психиатрии. - 2009. - Т. 109, № 4. - С. 50-54.
9. A perceptual and electropalatographic study of /integral/ in young people with Down's syndrome Text. / C. Timmins // Clin Linguist Phon. - 2009. - Vol. 23(12). -P. 911-925.
10. A specific deficit in visuospatial simultaneous working memory in Down syndrome Text. / S. Lanfranchi [et al.] // J. Intellect Disabil Res. - 2009. - Vol. 53(5). -P. 474-83.
11. A study of cluster behavioral abnormalities in Down syndrome Text. / R. Bhat-tacharyya [et al.] // Indian J. Med Sci. - 2009. - Vol. 63(2). - P. 58-65.
12. Access to genetic counseling for children with autism, Down syndrome, and intellectual disabilities Text. / R.J. McGrath [et al.] // Pediatrics. - 2009. - Vol. 124, suppl. 4. - P. 443-449.
13. ADAM-12 - a novel first trimester maternal serum marker for Down s syndrome Text. / J. Laigaard [et al.] // Prenat. Diagn. - 2003. - Vol. 23. - P. 1086-1091.
14. ADAM-12 as a first-trimester maternal serum marker in screening for Down syndrome Text. / J. Laigaard [et al.] // Prenat. Diagn. - 2006. - Vol. 26. - P. 973-979.
15. Al-Jarallah, A.S. Down's syndrome and the pattern of congenital heart disease in a community with high parental consanguinity Text. / A.S. Al-Jarallah // Med Sci Monit. - 2009. - Vol. 15(8).
16. Antenatal screening for Down s syndrome Text. / N.J. Wald [et al.] // Med Screen - 1997. - Vol.4 - P. 181-246.
17. Buccal micronucleus frequency is associated with age in Down syndrome Text. / F.L. Ferreira [et al.] // Genet Mol Res. - 2009. - Vol. 13, № 8(4). - P. 12311237.
18. Corrice, A.M. The Down syndrome advantage: fact or fiction? Text. / A.M. Cor-ricе, L.M. Glidden // Am J. Intellect Dev Disabil. - 2009. - Vol. 114(4). - P. 254-268.
19. Craddock, N. Is there an inverse relationship between Down's syndrome and bipolar affective disorder? Text. / N. Craddock, M. Owen // 11 Journal of intellectual Disability Research. - 1994. - Vol. 38. - P. 613-662.
20. Cytogenetic analysis of Down syndrome in Gujarat Text. / F. Sheth [et al.] // Indian Pediatr. - 2007.-Vol. 44(10). -P. 774-7.
21. Davidson, M.A. Primary care for children and adolescents with Down syndrome Text. / M.A. Davidson // Pediatr Clin North Am. - 2008. - Vol. 55(5). - P. 1099-111.
22. Duniho, T.L. A father's and physician's perspective on Down syndrome Text. / T.L. Duniho //JSC Med Assoc. -2009. - Vol. 105(6). - P. 204-206.
23. Electropalatographic therapy for children and young people with Down's syndrome Text. / J. Cleland // Clin Linguist Phon. - 2009. - Vol. 23(12). - P. 926-939.
24. Factors influencing development of Down syndrome children in the first three ears of life: Siriraj experience Text. / P. Wasant [et al.] // J. Med Assoc Thai. - 2008. -Vol. 91(7). -P. 1030-1037.

МЕРЫ РАННЕГО ВЫЯВЛЕНИЯ И АДАПТАЦИИ К СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ С СИНДРОМОМ ДАУНА ИЛИ «СОЛНЕЧНЫХ ДЕТЕЙ»

Пулатова З.А.

Резюме. Дети с синдромом Дауна – дети солнца. Синдром Дауна - 21 пара хромосом (трисомия) объясняется повышенным интересом, его четкой частотой, выявлением клинических признаков, а также его жизнеспособностью по сравнению с другими хромосомными синдромами, а значит, возможностью ранней диагностики. Они являются своей собственной природой. Характер это веселые дети, отличающиеся добротой и неизменной жизнерадостностью. Именно этот синдром сегодня выделяется среди хромосомных нарушений.

Ключевые слова: синдром Дауна, хромосома, трисомия, ген, патология, транслокация, кариотип.



Ражабова Гулчехра Ҳамроевна, Юлдашева Дилнавоз Ҳасановна, Ҳамроев Рустам Равшанович
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ГИПОДИНАМИЯ И СОВРЕМЕННОЕ ОБЩЕСТВО

Ражабова Гулчехра Ҳамроевна, Юлдашева Дилнавоз Ҳасановна, Ҳамроев Рустам Равшанович
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

HYPODYNAMY AND MODERN SOCIETY

Rajabova Gulchehra Khamroevna, Yuldasheva Dilnavoz Khasanovna, Khamroev Rustam Ravshanovich
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: grajabova5@gmail.com, dilnavoz_yuldosheva@mail.ru

Резюме. Замонавий жамиятда технологиялар ривожланиб бориши барча ёшдаги аҳоли орасида жисмоний ҳаракатнинг камайишига сабаб бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг соғлиғига зарар етказувчи занжирларидан бири бўлмоқда. Жисмоний фаолликнинг етарли эмаслиги яъни (гиподинамия) ҳолати ҳозирги кунга келиб дунё миқёсида ҳар йили 2 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлади. Гиподинамия семизлик, юрак-қон томир касалликлари ва 2-тип қандли диабет тез тарқалишининг энг муҳим сабабларидан биридир. Гиподинамия юрак ишемик касалликларини 15-39% га, инсультни - 33% га, артериал гипертензияни - 12% га, 2-тип қандли диабетни - 12-35% га, йўгон ичак саратонини - 22-33% га, кўкрак саратонини - 5%га кўпаяди. 12%. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мунтазам жисмоний фаоллик билан жисмоний фаол бўлмаган одамларга нисбатан умр кўриши давомийлигини 5 йилга оширади. Юқори даромадли мамлакатларда гиподинамия эркакларнинг 26% ва аёлларнинг 35% ни ташкил қилади, ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич мос равишда 12% ва 24% ни ташкил қилади. Ҳозирда гиподинамия ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида 4-ўринни эгаллайди, чунки гиподинамия ҳолати хавфли кардиологик ва эндокрин касалликларнинг пайдо бўлишига имкон яратади.

Калит сўзлар: гиподинамия, носоглом турмуш тарзи, семизлик.

Abstract. Modern society is less and less involved in physical labor in various technological chains, which is harmful to the health of different categories of people. Insufficient physical activity (physical inactivity) annually causes the death of 2 million people worldwide. Physical inactivity is one of the most important causes of the rapid spread of obesity, cardiovascular disease and type 2 diabetes. Physical inactivity increases the risk of developing coronary heart disease by 15-39%, stroke - by 33%, arterial hypertension - by 12%, type 2 diabetes - by 12-35%, colon cancer - by 22-33%, breast cancer - by 12-35%. 5% increases to 12%. Studies have shown that regular physical activity increases life expectancy by 5 years compared to people who are not physically active. In high-income countries, physical inactivity occurs in 26% of men and 35% of women, and in developing countries this figure is 12% and 24%, respectively, and causes the possible occurrence of endocrine diseases.

Key words: hypodynamy, unhealthy lifestyle, obesity.

Инсонларининг мустаҳкам соғлиққа эга бўлишлари аввало уларнинг мушакларидаги мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланишлари саломатликни сақлашнинг муҳимлигини билдиради[3,5]. Инсоннинг мунтазам жисмоний фаоллиги унинг барча ички органларининг функциясини таъминлаш учун алоҳида физиологик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, етарли жисмоний фаоллик шахсият ва унинг ижодий қобилиятларини уйғун ривожланиши учун зарур шартдир [6]. Гиподинамиядан қочиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун эса соғлом турмуш тарзини олиб бориш керак. Куннинг тўғри режими, оқилона мунтазам жисмоний фаоллик ва соғлом

овқатланиш гиподинамиянинг олдини олиш учун зарурий шартдир. Яхши дам олиш муҳим бўлиб, кечки уйқу учун етарли вақт ажратилиши керак, тунги уйқу эса кунга камида саккиз соат бўлиши лозим [4]. Ҳар куни тоза ҳавода юриш, чўмилиш ҳавзаларига мунтазам ташриф буюриш гиподинамияга қарши курашда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳар куни лифтдан фойдаланмасдан, зинапоядан исталган қаватга пиёда кўтарилиш, шунингдек, жамоат транспорти хизматларидан фойдаланишни камайтириш орқали танани жисмоний фаоллигини оширишингиз мумкин. Ривожланган мамлакатларда автомобил саёҳатларининг 30% дан ортиғи 3 км дан кам, 50% эса 5 км дан кам. Бу

масофаларни велосипедда ёки пиёда юриш билан алмаштириш мумкин [8].

Инсоннинг функционал ҳолатининг барқарорлиги унинг соғлиғининг муҳим кўрсаткичидир [1, 2]. Бу кўп жиҳатдан унинг жисмоний фаоллиги даражасига боғлиқ [3, 4]. Маълумки, ҳаракат инсон танасининг табиий эҳтиёжидир. У инсон танасининг тузилиши ва функцияларини ташкил қилади [5]. Инсоннинг ўсиши ва ривожланиши даврида ҳаракат организмдаги моддалар алмашинувини рағбатлантиради, юрак ва нафас олиш фаолиятини яхшилади, шунингдек, инсонни доимий ўзгариб турадиган атроф-муҳит шароитларига мослаштиришда муҳим рол ўйнайдиган бошқа органларнинг айрим функцияларини яхшилади. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда жисмоний фаоллик аввалги асрларга нисбатан 100 баробар камайган. Ҳаракатнинг етишмаслиги ҳозирги жамиятдаги юзага келаётган кўплаб касалликларнинг сабабидир [6].

Инсоннинг ўзи томонидан оқилона сақланган ва мустақамланган яхши соғлиқ узоқ ва фаол ҳаётни таъминлайди. Саломатликни сақлаш ва мустақамлашда меҳнат ва дам олишни тўғри уйғунлаштириш, рационал овқатланиш, танани чиниқтириш ва саломатликнинг кучли омиллари бўлган жисмоний маданият муҳим рол ўйнайди. Бутун организмнинг ҳаётий фаолияти асоси бўлган инсоннинг жисмоний фаоллиги, мушакларнинг мунтазам фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга [8].

Афсуски, кўпчилик соғлом турмуш тарзининг энг оддий, илмий асосланган меъёрларига амал қилмайди. Сўнгги йилларда ишда ва уйда иш билан бандликнинг юқорилиги ва бошқа сабабларга кўра, одамларнинг кўпчилигида кун тартибининг етишмаслиги, жисмоний фаолликнинг етарли эмаслиги, гипокинезияни келтириб чиқаради, бу эса одам организмда бир қатор жиддий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин [8]. Шу сабабли, ҳозирги вақтда гиподинамия муаммоси жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

«Гиподинамия» атамаси лотинча " кам ҳаракат" деган маънони англатади. Гиподинамия - бу нафақат кўпчиликда, балки жуда кўп одамларда кузатилиши мумкин бўлган жуда кенг тарқалган ҳолат. Тиббиёт амалиётида гипокинезия гиподинамия тушунчасига жуда яқин бўлиб, у одатда бутунлай объектив сабабларга кўра мотор фаоллигининг пасайиши ёки тўлиқ йўқлигини англатади. Бундай сабаблар орасида шифокорлар баъзи жиддий касалликларни, яъни ёпиқ бинолардаги иш шароитларини, узоқ вақт ётоқда бўлиши ёки гипсли боғламлар ва бошқаларни кўрсатиб

ўтадилар. Гипокинезия ва гиподинамия ўртасидаги асосий фарқ шундаки, иккинчи ҳолда, ҳаракатлар сақланган, аммо жуда кичик ҳажмда ва мушак тизимига етарли даражада жисмоний зўриқиш амалга оширилмайди. Иккала ҳолатда ҳам мушакларга бўладиган жисмоний зўриқиш минимал даражада бўлиб, бу мушак кучининг пасайишига, мушак тўқималарининг ҳажми ва массасининг камайишига олиб келади [9].

Ўтган минг йилликлар давомида инсон генетикасида ўзгариш бўлмаган бўлсада, аммо инсонлар турмуш тарзида жуда муҳим ўзгаришлар юзага келди. Илмий-техник тараққиёт замонавий инсонга минимал жисмоний фаоллик билан қулай яшаш шароитларини таъминлашга ёрдам беради. Шаҳар аҳолисининг иш куни, шунингдек, унинг дам олиши кўпинча компютерда креслода ўтириш билан ўтади. Албатта, ҳар бир инсон муқаррар равишда маълум миқдордаги ҳаракатларни амалга оширади, бироқ, бу ҳаракатлар жуда монотон бўлиб, фақатгина битта мушак гуруҳига қаратилган ва тананинг жисмоний ривожланишига умуман ҳисса қўшмайди [10].

Гиподинамия замонавий ҳаётнинг глобал муаммоси деб аталмоқда. Ота-боболаримиз омон қолишлари учун жисмоний фаоллик зарур эди. Қадимги одамлар озиқ-овқат олиш, ўзларини ва авлодларини тирик сақлаб қолишлари учун доимий ҳаракатда бўлишга мажбур бўлган. Шундай қилиб, инсон генетикасида тананинг нормал ишлаши учун ҳаракатга бўлган эҳтиёж сақланиб қолинган [11].

Замонавий инсоннинг ҳаёти, техник аср ва замонавий цивилизациянинг афзалликлари туфайли, 20-30 йил олдингига қараганда анча қулайроқ бўлди. Техника асрида одамлар камроқ ҳаракат қила бошладилар. Ҳозирги жамиятда бирор иш қилиш учун сиз алоҳида ҳаракатлар қилишингиз шарт эмас. Натижада, одамнинг мушаклари эластикликни йўқота бошлайди, ҳаракатланиш қулайлиги йўқолиб гиподинамия пайдо бўлишига сабаб бўлади – яъни жисмоний фаолликнинг пасайиши натижасида юзага келади оғриқли ҳолат юзага келади [8].

